O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT
INSTITUTI



# KRIMINOLOGIYA | XALQARO ILMIY-AMALIY JURNAL
# CRIMINOLOGY | INTERNATIONAL SCIENTIFICAL AND PRACTICAL JOURNAL
# КРИМИНОЛОГИЯ | МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

MAXSUS SON – 2026

**KRIMINOLOGIYA** XALQARO ILMIY-AMALIY JURNAL
**CRIMINOLOGY** INTERNATIONAL SCIENTIFICAL AND PRACTICAL JOURNAL
**КРИМИНОЛОГИЯ** МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

MAXSUS SON – 2026
ISSN 3060-5369

Muassis: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KRIMINOLOGIYA TADQIQOT INSTITUTI
Hammuassislar: BMTning Jinoyat va narkotiklar bo'yicha Markaziy Osiyo mintaqaviy boshqarmasi (UNODC)
Turkiya Hamkorlik va muvofiqlashtirish agentligi (TIKA)

© O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti

Jurnal 2025-yil 23-yanvarda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan ro'yxatga olingan Ro'yxat raqami C-5669705. Guvohnoma № 584299.

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2025-yil 13-iyundagi 370/5-son qarori bilan yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish uchun tavsiya etilgan jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

Materiallarda keltirilgan fakt va raqamlar, ko'chirmalar, iqtisodiy statistik ma'lumotlar aniqligi uchun muallif javob beradi.

Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin

Maqolalar har qanday usulda to'liq yoki qisman ko'chirilib bosilganida "O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot institutining "Kriminologiya" xalqaro ilmiy-amaliy jurnali"dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma taqriz qilinmaydi.

**TAHRIR KENGASHI RAISI**
Berdialiyev Baxtiyor Erkinovich
O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori

**TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI:**

**Gordeyev Sergey Nikolayevich**
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi mas'ul xodimi, yuridik fanlar doktori, professor;

**Safarov Jahongir Ismailovich**
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi mas'ul xodimi, yuridik fanlar doktori, dotsent;

**Rajapov Azamat Xudaynazarovich**
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi mas'ul xodimi, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori;

**Rustambayev Mirzayusup Xakimovich**
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti boshlig'i, yuridik fanlar doktori, professor;

**Xatamov Rustam Abduganiyevich**
O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori, dotsent.

**TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:**
**O'zbekistonlik ekspertlar**

**Adilkariyev Xojimurod**
To'xtamurodovich yuridik fanlar doktori, professor;

**Abdurasulova Qumrinisa Raimqulovna**
yuridik fanlar doktori, professor;

**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**
yuridik fanlar doktori, professor;

**Arziqulov Dilshod Ne'matovich**
psixologiya fanlari doktori, professor;

**Kaxarova Munira Maxamadjanovna**
siyosiy fanlar doktori;

**Yarov Bekmamat Alikulovich**
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, bosh muharrir.

**Xorijiy ekspertlar**

**Alauxanov Esbergen Orazovich**
Qozog'iston Respublikasi Milliy fanlar akademiyasi faxriy akademigi, yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston);

**Li Chan Jen**
Senxua universiteti Jamoat xavfsizligi masalalari bo'yicha Xeyfey ilmiy tadqiqot instituti Hodisalarni tekshirish markazi direktori o'rinbosari, professor (Xitoy);

**Purvi Poxariyal**
Milliy kriminologiya va sud ekspertizasi instituti rahbari, yuridik fanlar doktori, professor (Hindiston);

**Tunde Andera Barabash**
Milliy kriminologiya instituti boshlig'i, yuridik fanlar doktori, professor (Vengriya);

**doktor Jassim Muhammad al-Obaidli**
IIV Politsiya akademiyasi huzuridagi Xavfsizlik ilmiy tadqiqotlar markazi markazi rahbari (Qatar);

**Nugmanov Azat Rimovich**
IIV Ufa yuridik universiteti Kriminologiya va jinoyat huquqi kafedrasi boshlig'i o'rinbosari, yuridik fanlar nomzodi (Rossiya).

# MUNDARIJA


| | | |
|---|---|---|
| **SO'ZBOSHI** . . . . . . . . . | | 8 |
| **NAZARIY-KONSEPTUAL VA GLOBAL KRIMINOLOGIK YONDASHUVLAR** | | |
| Berdialiyev B.E. | Mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimini shakllantirish . . . . . . . . . | 11 |
| Niyozova S.S., Xamidova M.A. | Giyohvandlikning oldini olishga doir ba'zi mulohazalar . . . . . . . . . | 19 |
| Andrea Domokos., Mahmudov D.R., Maqsadov M.I., Turayev I.E., Kuziyev D.A. | Giyohvandlik va psixotrop moddalarga qarshi kurashishdagi vengriya tajribasi: qiyosiy-huquqiy tahlil hamda xalqaro standartlarni milliy tizimga joriy etish . . . . . . . . . | 25 |
| Isayev S.A., Yarov B.A., Yelkin I.S. | Uyushgan jinoiy faoliyatning bir shakli sifatida trans milliy narkojinoyatchilik: zamonaviy tendensiyalar va qarshi kurashish chora-tadbirlari . . . . . . . . . . | 35 |
| Payziyev A.M. | Giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashishda zamonaviy yondashuvlar: millat genofondini muhofaza qilishning ustuvor yo'nalishlari . . | 42 |
| A'loxonov M.A., Aynidinov S.I. | Zamonaviy kriminologiyada narkojinoyatlarni oldini olishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlarning yangi usul va metodlari . . . . . . . . . | 47 |
| Xamidov A.A. | Giyohvandlikka qarshi kurashning milliy genofondni saqlashdagi ahamiyati . . | 54 |
| **HUQUQIY, INSTITUTSIONAL VA AMALIY MEXANIZMLAR** | | |
| Abdurasulova Q.R., Rasulev A.A. | Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda o'tkazish yoki o'tkazish maqsadida sodir etilgan boshqa harakatlar uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi qonun normalarini takomillashtirish . . . . . | 64 |
| Azish Sh., Yakubov A.S | Qisqa muddatli ozodlikdan mahrum etish: muammoning yechimi . . . . . . . . | 71 |
| Otajonov A.A. | Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning qonunga xilof muoamalasiga qarshi kurashishning jinoyat-huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish: zamonaviy tahdidlar va qonunchilik yechimlari . . . . . . . | 77 |
| Mirzatillayev U.I., Mayorov A.V., Rixsimov K.A. | Jazoni ijro etuvchi muassasalarda giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarning noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatlarni profilaktika qilishning o'ziga xos xususiyatlari . . . . . . . . . | 92 |
| Kutbitdinov G'.X. | Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar noqonuniy muomalasining oldini olish sohasidagi milliy qonunchilik tahlili va uni takomillashtirish masalalari . . . . . . . . . | 95 |
| Kuziyev D.A. | Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan bog'liq jinoyatlar bo'yicha tayinlanayotgan jazolarning kriminologik samaradorligi tahlili . . | 100 |
| **ALOHIDA TOIFADAGI SHAXSLARGA OID KRIMINOLOGIK TAHLILLAR** | | |
| Pulatov Y.S. | Zamonaviy O'zbekistonda voyaga yetmaganlar o'rtasida narkojinoyatchilikka qarshi kurashish chora-tadbirlarini takomillashtirish . . . . . . . . . | 109 |
| Tazetdinov R.R., Kirakosyan A.S., Kolegenova Y.A. | Voyaga yetmaganlarni giyohvandlik vositalarining noqonuniy muomalasiga jalb qilishning ayrim jihatlari to'g'risida (kriminologik tahlil) | 113 |
| To'rayev I.E., Hasanov Sh.Sh. | Voyaga etmaganlar tomonidan sodir etiladigan giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatlarning kriminologik jihatlari . . . . . . . . . | 120 |
| Nazarova L.G., Yanova Y.A. | Voyaga yetmaganlar o'rtasida gohvandlikning tarqalishiga oid zamonaviy tendensiyalar . . . . . . . . . | 128 |
| O'rinova D.A. | Ayollar tomonidan giyohvandlik jinoyatlarining sodir etilishi va ularning oldini olishda farg'ona tajribasi . . . . . . . . . | 134 |
| A'loxonov M.A. | XXI asrda zamonaviy kriminologiyaning jahon ilm-fanidagi o'rni va ahamiyati | 140 |

**KRIMINOLOGIYA** XALQARO ILMIY-AMALIY JURNAL
**CRIMINOLOGY** INTERNATIONAL SCIENTIFICAL AND PRACTICAL JOURNAL
**КРИМИНОЛОГИЯ** МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

SPECIAL NUMBER – 2026
ISSN 3060-5369

Founder RESEARCH INSTITUTE OF CRIMINOLOGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Co-Founders Regional Office of the United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC)
Turkish Cooperation and Coordination Agency (TIKA)

© Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan

The journal was registered on January 23, 2025, by the Agency for Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan under the number C-5669705 Certificate 584299.

Included in the list of journals recommended for publishing the main scientific results of dissertations submitted for the academic degrees of Doctor of Philosophy (PhD) and Doctor of Science (DSc) in Law by the Decision of the Presidium of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan dated June 13, 2025, No. 370/5.
The author is responsible for the accuracy and reliability of the facts and figures, excerpts, economic statistical data presented in the materials.

The author's opinion may differ from the editorial point of view.

When reprinting articles in whole or in part by any means, it is mandatory to indicate that they are taken from the "International Scientific and Practical Journal "Criminology" of the Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan".

Manuscripts submitted to the editorial office are not reviewed.

**CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD**
Berdialiyev Bakhtiyor Erkinovich
Head of the Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

Members of the Editorial Board:

**Gordeev Sergey Nikolaevich**
Responsible employee of the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Science in Law (DSc), Professor;

**Safarov Jahongir Ismailovich**
Responsible employee of the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Associate Professor;

**Rajapov Azamat Khudaynazarovich**
Responsible employee of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law;

**Rustambaev Mirzayusup Khakimovich**
Head of the University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor;

**Xatamov Rustam Abduganiyevich**
Head of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor.

**MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD:**
**Uzbek experts**

**Adilkariev Khojimurod Tukhtamurodovich**
Doctor of Law, Professor;

**Abdurasulova Kumrinisa Raimkulovna**
Doctor of Law, Professor;

**Tulyaganova Gulchehra Zakhitovna**
Doctor of Law, Professor;

**Arzikulov Dilshod Nematovich** Doctor of Psychological Sciences, Professor;

**Kakharova Munira Makhamadjanovna**
Doctor of Political Sciences;

**Yarov Bekmamat Alikulovich** Doctor of Philosophy in Philological Sciences, Chief editor.

**Foreign experts**

**Esbergen Orazovich Alaukhanov**
Honorary Academician of the National Academy of Sciences of the Republic of Kazakhstan, Doctor of Law, Professor (Kazakhstan);

**Li Chan Zhen**
Deputy Director of the Incident Investigation Center at the Hefei Institute for Public Security Studies, Tsinghua University, Professor (China);

**Ms. Purvi Pohariyal**
Head of the National Institute of Criminology and Forensic Science, Doctor of Law, Professor (India);

**Tunde Andera Barabash**
Director of the National Institute of Criminology, Doctor of Law, Professor (Hungary);

**Dr. Jassim Muhammad Al-Obaidli**
Head of the Security Research Center at the Police Academy of the Ministry of Interior (Qatar)

**Azat Rimovich Nugmanov**
Deputy Head of the Department of Criminology and Criminal Law, Ufa Law University of the Ministry of Interior, Candidate of Legal Sciences (Russia).

# CONTENTS


| | | |
|---|---|---|
| **INTRODUCTION** . . . . . . . . | | 8 |
| **THEORETICAL-CONCEPTUAL AND GLOBAL CRIMINOLOGICAL APPROACHES** | | |
| Berdialiyev B.E. | Establishing an effective system for combating drug addiction in mahallas | 11 |
| Niyozova S.S., Khamidova M.A. | Some considerations on the prevention of drug addiction . . . . . . . . | 19 |
| Andrea Domokos., Mahmudov D.R., Maqsadov M.I., Turayev I.E., Kuziyev D.A. | The experience of hungary in combating drug addiction and psychotropic substances: a comparative legal analysis and implementation of international standards into the national system . . . . . . . . | 25 |
| Isayev S.A., Yarov B.A., Yelkin I.S. | Transnational drug trafficking as a form of organized criminal activity: current trends and countermeasures . . . . . . . . | 35 |
| Payziyev A.M. | Modern approaches to combating drug addiction and drug-related crime: priorities for protecting the nation's gene pool . . . . . . . . | 42 |
| A'loxonov M.A., Aynidinov S.I. | New methods and techniques for scientific research on the prevention of drug crimes in modern criminology . . . . . . . . | 47 |
| Khamidov A.A. | The significance of combating drug abuse in preserving the national gene pool | 54 |
| **LEGAL, INSTITUTIONAL AND PRACTICAL MECHANISMS** | | |
| Abdurasulova Q.R., Rasulev A.A. | Improving legal norms that establish liability for the illegal sale of narcotic drugs or psychotropic substances, or for other actions committed with the intent to sell . . . . . . . . | 64 |
| Azish Sh., Yakubov A.S | Short-term imprisonment: solving the problem . . . . . . . . | 71 |
| Otajonov A.A. | Improving criminal-legal mechanisms for combating illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances: modern threats and legislative solutions . . . . . . . . | 77 |
| Mirzatillayev U.I., Mayorov A.V., Rixsimov K.A. | Specific features of the prevention of crimes related to the illegal trafficking of narcotic drugs or psychotropic substances in penal institutions . . . . . . | 92 |
| Kutbitdinov G.X. | Analysis of national legislation in the field of preventing illicit trafficking of narcotic drugs and psychotropic substances and issues of its improvement . | 95 |
| Kuziyev D.A. | Analysis of the criminological efficiency of sentences for crimes related to drugs and psychotropic substances . . . . . . . . | 100 |
| **CRIMINOLOGICAL ANALYSIS OF SPECIAL CATEGORIES OF PERSONS** | | |
| Pulatov Y.S. | Improving counter-narcotics measures for minors in modern uzbekistan . . . . | 109 |
| Tazetdinov R.R., Kirakosyan A.S. Kolegenova Y.A. | On certain aspects of involving minors in illegal drugs transaction (Criminological analysis) . . . . . . . . | 116 |
| Turaev I.E., Khasanov Sh.Sh. | Criminological aspects of crimes related to illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances committed by minors . . . . . . . . | 120 |
| Nazarova L.G., Yanova Y.A. | Current trends in substance abuse among minors . . . . . . . . | 128 |
| Oʻrinova D.A. | The fergana experience in preventing drug-related crimes committed by women . . . . . . . . | 134 |
| A'loxonov M.A. | The role and significance of modern criminology in 21st century global science | 140 |

**KRIMINOLOGIYA** XALQARO ILMIY-AMALIY JURNAL
**CRIMINOLOGY** INTERNATIONAL SCIENTIFICAL AND PRACTICAL JOURNAL
**КРИМИНОЛОГИЯ** МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР – 2026
ISSN 3060-5369

Учредитель: Исследовательский институт криминологии Республики Узбекистан
Соучредители: Региональное представительство управления ООН по наркотикам и преступности (UNODC)
Турецкое агентство по сотрудничеству и координации (TIKA)

© Исследовательский институт криминологии Республики Узбекистан

Журнал зарегистрирован в Агентстве информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан 23.01.2025 г. Рег.номер С-5669705 Свидетельство № 584299.

Решением Президиума Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан от 13 июня 2025 года № 370/5 включен в перечень журналов, рекомендованных для публикации основных научных результатов диссертаций соискателей ученых степеней доктора философии (PhD) и доктора наук (DSc) по юридическим наукам.

Ответственность за достоверность и точность фактов, цифр, выдержек и экономической статистики, приводимых в материалах, несет автор.

Размещенные в журнале материалы отражают личную точку зрения авторов, которая может отличаться от точки зрения редакции.

При перепечатке статей полностью или частично ссылка на “международный научно-практический журнал “Криминология” Исследовательского института криминологии Республики Узбекистан” обязательна.

Рукописи, поступившие в редакцию, не рецензируются.

**ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**
**Начальника Исследовательского института криминологии Республики Узбекистан, доктора философии (PhD) по юридическим наукам**

**ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА:**

**Гордеев Сергей Николаевич**
Ответственный сотрудник Администрации Президента Республики Узбекистан, доктор юридических наук (DSc), профессор;

**Сафаров Джахонгир Исмоилович**
ответственный сотрудник Администрации Президента РУз., доктор юридических наук, доцент;

**Ражапов Азамат Худайназарович**
ответственный работник Кабинета Министров РУз., доктор философии по юридическим наукам;

**Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович**
начальник Университета общественной безопасности РУз., доктор юридических наук, профессор;

**Хатамов Рустам Абдуганиевич**
начальник Академии МВД РУз., доктор философии по юридическим наукам, доцент.

**ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ:**
**Эксперты Узбекистана**

**Адилкариев Хожимурод Тухтамуродович**
доктор юридических наук, профессор;

**Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна**
доктор юридических наук, профессор;

**Тулаганова Гулчехра Захитовна** доктор юридических наук, профессор;

**Арзикулов Дилшод Неъматович**
доктор психологических наук, профессор;

**Кахарова Мунира Махамаджановна**
доктор политических наук;

**Яров Бекмамат Аликулович** доктор философии по филологическим нау-

**Зарубежные эксперты**

**Алауханов Есберген Оразович**
почётный академик Национальной академии наук Республики Казахстан, доктор юридических наук, профессор (Казахстан);

**Ли Чан Жэнь**
заместитель директора Центра расследования происшествий Научно-исследовательского института по вопросам общественной безопасности Хэфэй Университета Цинхуа, профессор (Китай);

**Пурви Похариял**
руководитель Национального института криминологии и судебной экспертизы, профессор (Индия);

**Тунде Андера Барабаш**
директор Национального института криминологии, доктор юридических наук, профессор (Венгрия);

**доктор Джассим Мухаммад аль-Обайдли**
руководитель Центра научных исследований в области безопасности при Полицейской академии МВД (Катар);

**Нугманов Азат Римович**
заместитель заведующего кафедрой криминологии и уголовного права Уфимского юридического университета МВД, кандидат юридических наук (Россия).

# ОГЛАВЛЕНИЕ


| | | |
|---|---|---|
| **ВВЕДЕНИЕ** | | 8 |
| **ТЕОРЕТИКО-КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ И ГЛОБАЛЬНЫЕ КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ** | | |
| Бердиалиев Б.Э. | Формирование эффективной системы противодействия наркомании в махаллях | 11 |
| Ниёзова С.С., Хамидова М.А. | Некоторые соображения о профилактике наркомании | 19 |
| Андреа Домокос., Махмудов Д.Р., Махсадов М.И., Тураев И.Э., Кузиев Д.А. | Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга қарши курашишдаги венгрия тажрибаси: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ҳамда халқаро стандартларни миллий тизимга жорий этиш | 25 |
| Исаев С.А., Яров Б.А., Елькин И.С. | Транснациональная наркопреступность как форма организованной преступной деятельности: современные тенденции и меры противодействия | 35 |
| Пайзиев А.М. | Современные подходы к борьбе с наркоманией и наркопреступностью: приоритетные направления защиты генофонда hatsin | 42 |
| Аълохонов М.А., Айнидинов С.И. | Новые подходы и методы научных исследований, направленных на предупреждение наркопреступности в современной криминологии | 47 |
| Хамидов А.А. | Значение борьбы с наркотиками в сохранении национального генофонда | 54 |
| **ЮРИДИЧЕСКИЕ, ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ** | | |
| Абдурасулова К.Р., Расулев А.А. | Совершенствование норм законодательства, предусмотряющих ответственность за незаконный перевоз наркотических средств или психотропных веществ или другие действия, сделанные с целью перевоза | 64 |
| Якубов А.С., Азим Ш. | Краткосрочное лишение свободы: решение проблемы | 71 |
| Отажонов А.А. | Совершенствование уголовно-правовых механизмов борьбы с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ: современные угрозы и законодательные решения | 77 |
| Мирзатиллаев У.И., Майоров А.В., Рихсимов К.А. | Специфика профилактики преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств или психотропных веществ в учреждениях, исполняющих наказание | 92 |
| Кутбитдинов Г.Х. | Анализ национального законодательства в сфере предупреждения незаконного обращения наркотических средств и психотропных веществ и вопросы его совершенствования | 95 |
| Кузиев Д.А. | Анализ криминологической эффективности назначиваемых наказаний а преступления, связанные с наркотиками и психотропными веществами | 100 |
| **КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АНАЛИЗЫ ОТДЕЛЬНЫХ КАТЕГОРИЙ ЛИЦ** | | |
| Пулатов Ю.С. | Совершенствование мер противодействия наркопреступности среди несовершеннолетних в современном узбекистане | 109 |
| Тазетдинов Р.Р., Киракосян А.С., Колегенова Ю.А. | О некоторых аспектах вовлечения несовершеннолетних в незаконный оборот наркотиков (Криминологический анализ) | 113 |
| Тураев И.Э., Хасанов Ш.Ш. | Криминологические аспекты преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, совершенных несовершеннолетниками | 120 |
| Назарова Л.Г., Янова Ю.А. | Современные тенденции наркотизации несовершеннолетних | 128 |
| Уринова Д.А. | Опыт ферганы в проведении женщинами наркотиковых преступлений и их предупреждении | 134 |
| Аълохонов М.А. | Роль и значение современной криминологии в мировой науке в XXI веке | 140 |

# SO'ZBOSHI

Bugungi globallashuv, raqamli transformatsiya va transmilliy tahdidlar tobora kuchayib borayotgan bir davrda narkotik vositalarning noqonuniy muomalasi hamda giyohvandlikning oldini olish masalasi **eng dolzarb global muammolardan biriga aylandi**. Mazkur illat jamiyatning ijtimoiy barqarorligiga, aholi salomatligiga, yoshlar tarbiyasiga, millat genofondiga, jamoat xavfsizligi va davlatning barqaror taraqqiyotiga bevosita tahdid solmoqda. Shu bois narkotiklarga qarshi kurashish bugungi kunda faqat huquqni muhofaza qilish faoliyatining emas, balki kompleks ijtimoiy-siyosiy va ilmiy jarayonning ham ajralmas qismi sifatida namoyon boʻlmoqda.

Oʻzbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti tashkil etilganidan buyon jinoyatchilikning sabab va sharoitlarini chuqur ilmiy tahlil qilish, jinoyatchilik omillarini ilmiy diagnoz asosida aniqlash, jinoyatchilikning zamonaviy tendensiyalarini tizimli oʻrganish hamda samarali profilaktika mexanizmlarini ishlab chiqish yoʻlida izchil ilmiy-amaliy faoliyat olib bormoqda. Institut tomonidan amalga oshirilayotgan ilmiy tadqiqotlar va konseptual yondashuvlar jinoyatchilikka qarshi kurashishning nazariy-metodologik asoslarini boyitish bilan bir qatorda, huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatini ilmiy jihatdan qoʻllab-quvvatlash, sohada zamonaviy, innovatsion va ilmga asoslangan yondashuvlarni keng joriy etishga xizmat qilmoqda.

Mazkur ilmiy faoliyatning mantiqiy davomi sifatida **"Kriminologiya" xalqaro ilmiy-amaliy jurnalining ushbu maxsus soni** narkotiklarga qarshi kurashish va uni oldini olish masalalariga bagʻishlandi. Ushbu maxsus sonda narkojinoyatchilikning zamonaviy koʻrinishlari, omillari, noqonuniy muomalaga qarshi kurashish mexanizmlari, profilaktika tizimidagi innovatsion yondashuvlar, raqamli tahdidlar, shuningdek, ilgʻor milliy va xorijiy tajribalar respublikamiz va xalqaro ilmiy hamjamiyatda e'tirof etilgan olimlar, professorlar, ekspertlar hamda istiqbolli tadqiqotchilar tomonidan keng qamrovda tahlil etilgan.

Ishonchimiz komilki, ushbu maxsus son narkotiklarga qarshi kurashish yoʻnalishida faoliyat yuritayotgan olimlar, amaliyotchilar, tadqiqotchilar va keng ilmiy jamoatchilik uchun muhim ilmiy-amaliy manba boʻlib xizmat qiladi. Unda ilgari surilgan ilmiy gʻoyalar, tahlillar va takliflar narkotiklarga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirishga, profilaktika samaradorligini oshirishga hamda sogʻlom va xavfsiz jamiyat barpo etish yoʻlidagi sa'y-harakatlarga munosib hissa qoʻshadi.

***Tahririyatdan***

# INTRODUCTION

In the current era of intensifying globalization, digital transformation, and growing transnational threats, the illicit trafficking of narcotic drugs and the prevention of drug abuse have become among the most pressing global challenges. This threat poses a direct risk to social stability, public health, the upbringing of young people, the nation's gene pool, public safety, and the sustainable development of the state. Therefore, the fight against narcotics today is manifested not only as an integral component of law enforcement activities but also as an essential part of a comprehensive socio-political and scientific process.

Since its establishment, the Criminology Research Institute of the Republic of Uzbekistan has been consistently engaged in in-depth scientific analysis of the causes and conditions of crime, the identification of criminogenic factors through scientific diagnosis, the systematic study of contemporary crime trends, and the development of effective prevention mechanisms. The scientific research and conceptual approaches implemented by the Institute contribute not only to strengthening the theoretical and methodological foundations of combating crime but also to providing scientific support for the activities of law enforcement agencies and to the widespread introduction of modern, innovative, and evidence-based approaches in the field.

As a logical continuation of these scientific efforts, this special issue of the international scientific and practical journal ***"Criminology"*** is devoted to the issues of combating and preventing narcotics-related crime. This special issue comprehensively examines contemporary manifestations and factors of drug-related crime, mechanisms for countering illicit trafficking, innovative approaches in prevention systems, emerging digital threats, as well as advanced national and international practices, presented by recognized scholars, professors, experts, and promising researchers from our country and the international scientific community.

We are confident that this special issue will serve as an important scientific and practical resource for scholars, practitioners, researchers, and the broader academic community working in the field of combating narcotics. The scientific ideas, analyses, and recommendations presented herein will make a meaningful contribution to improving the system of combating drug-related crime, enhancing the effectiveness of prevention measures, and advancing efforts to build a healthy and secure society.

***By Editorial***

# NAZARIY-KONSEPTUAL VA GLOBAL KRIMINOLOGIK YONDASHUVLAR

# THEORETICAL-CONCEPTUAL AND GLOBAL CRIMINOLOGICAL APPROACHES

# ТЕОРЕТИКО-КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ И ГЛОБАЛЬНЫЕ КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ












# MAHALLALARDA GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASHISHNING SAMARALI TIZIMINI SHAKLLANTIRISH

# ESTABLISHING AN EFFECTIVE SYSTEM FOR COMBATING DRUG ADDICTION IN MAHALLAS

*Berdialiyev Baxtiyor Erkinovich*

*O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori.*

*Berdialiyev Baxtiyor Erkinovich*

*Head of the Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Law.*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimini shakllantirish masalasi davlat siyosati va ijtimoiy profilaktika tamoyillari asosida kompleks tahlil qilinib, giyohvandlikning zamonaviy xavf omillari, uning jamiyat va ayniqsa, yoshlar muhitiga salbiy ta'siri, ushbu illatga qarshi kurashishda mahalla institutining o'rni alohida asoslab berilgan. Maqolada "mahalla yettiligi" har bir a'zosining giyohvandlikka qarshi kurashish borasidagi individual vazifalari tizimli yoritilgan hamda ijtimoiy profilaktika asosida alohida e'tiborga molik shaxslar bilan manzilli ishlash va kompleks yondashuvni yo'lga qo'yish orqali samarali tizimni shakllantirishning ustuvor yo'nalishlari ilgari surilgan.

**Kalit so'zlar:** mahalla, ijtimoiy profilaktika, giyohvandlik, millat genofondi, "mahalla yettiligi", yoshlar siyosati, xavf guruhlari, manzilli yondashuv, jinoyatchilikning oldini olish.

**Abstract.** This article provides a comprehensive analysis of the formation of an effective system to combat drug addiction in mahallas, based on the principles of state policy and social prevention. It substantiates the modern risk factors of drug addiction, its negative impact on society – particularly on youth – and the specific role of the mahalla institution in combating this vice. The article systematically outlines the individual responsibilities of each member of the "mahalla seven" in the fight against drug addiction. Furthermore, it proposes priority directions for establishing an effective system through targeted work with individuals requiring special attention and by implementing a comprehensive approach grounded in social prevention.

**Keywords:** mahalla, social prevention, drug addiction, nation's gene pool, mahalla seven, youth policy, risk groups, targeted approach, crime prevention.

Bugungi kunda giyohvandlik nafaqat O'zbekistonda, balki, butun dunyoda jamiyat barqarorligi, yoshlar tarbiyasi, oilalar mustahkamligi, bir so'z bilan aytganda, insoniyat xavfsizligiga jiddiy tahdid solayotgan eng xavfli ijtimoiy illatlardan biri bo'lib qolmoqda. Mazkur tahdidning xavfliligi shundaki, u faqat alohida bir shaxs yoki oila doirasida salbiy oqibat keltirib chiqarmaydi, balki, butun mahalla muhitiga, ijtimoiy munosabatlarga, ma'naviy sog'lomlikka va kelajak avlodning hayotiy tanloviga ham bevosita ta'sir ko'rsatadi. Shu bois giyohvandlikka qarshi kurashish masalasi bugungi kunda nafaqat huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatining, balki, davlat siyosatining, jamoatchilik mas'uliyatining va mahalla tizimining eng ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylanmoqda[1].

Yangi O'zbekiston sharoitida inson qadri, xavfsiz muhit, sog'lom turmush tarzi va mahalla institutining jamiyat hayotida tutgan o'rni davlat siyosatining markaziga olib chiqildi. Ayniqsa, huquqbuzarliklar profilaktikasi va ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, yoshlarni turli zararli ta'sirlardan asrash hamda mahallalarda sog'lom ijtimoiy muhitni qaror toptirishga qaratilgan islohotlar giyohvandlikka qarshi kurash masalasiga ham mutlaqo yangi mazmun baxsh etdi. Endilikda bu yo'nalish faqat aniqlash va jazolashga qaratilgan tor yondashuv bilan emas, balki, *barvaqt oldini olish, ijtimoiy profilaktika, manzilli ishlash va kompleks hamkorlik* tamoyillari asosida olib borilishi zarurligi tobora yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Amaliyot shuni ko'rsatmoqdaki, giyohvandlikka qarshi kurashishda eng quyi, eng yaqin va eng ta'sirchan bo'g'in mahalla hisoblanadi. Chunki, mahalla odamlarning kundalik hayoti kechadigan, oilalar muammosi ko'rinadigan, yoshlar kayfiyati seziladigan, ijtimoiy xavf omillari boshlang'ich bosqichda namoyon bo'ladigan makondir. Agar tahdid mahalla darajasida barvaqt aniqlansa, uning oldini olish imkoniyati yuqori bo'ladi. Demak, giyohvandlikka qarshi kurashishning haqiqiy samarasi ko'p jihatdan aynan mahalladagi tashkiliy ishlar, ijtimoiy nazorat, hamkorlik va profilaktik mexanizmlarning qanchalik to'g'ri yo'lga qo'yilganiga bog'liq.

Shu nuqtai nazardan, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashish tizimini shakllantirish masalasi bugungi kunning dolzarb nazariy va amaliy vazifalaridan biri hisoblanadi. Bu yerda gap faqat navbatdagi targ'ibot tadbirini o'tkazish yoki alohida holatga munosabat bildirish haqida emas, balki, asosiy masala, giyohvandlikka qarshi kurashishni *tizimli, uzluksiz, individual mas'uliyatga tayangan va ijtimoiy profilaktika bilan uyg'unlashgan mexanizm* darajasiga olib chiqishdir [2]. Buning uchun esa mahallada faoliyat yuritayotgan barcha subyektlarning vazifalari, mas'uliyati, o'zaro hamkorligi va manzilli ishlash mexanizmlari aniq belgilangan bo'lishi kerak.

Aynan shu ma'noda "mahalla yettiligi" instituti giyohvandlikka qarshi kurashishning tayanch bo'g'ini sifatida alohida ahamiyat kasb etadi. Mahalla raisi, profilaktika inspektori, hokim yordamchisi, yoshlar yetakchisi, xotin-qizlar faoli, ijtimoiy xodim va soliq inspektoridan iborat ushbu tizim faqat tashkiliy birlik emas, balki, hududdagi ijtimoiy xavfsizlikni ta'minlashga qaratilgan *integratsiyalashgan boshqaruv mexanizmidir.* Mazkur tizimning ustunligi shundaki, u giyohvandlikka qarshi kurashishda bir vaqtning o'zida huquqiy nazorat, ijtimoiy yordam, oiladay ishlash, yoshlarni qo'llab-quvvatlash, bandlikni ta'minlash, yashirin omillarni bartaraf etish imkonini beradi. Ya'ni bu model jinoyat sodir bo'lgandan keyingi reaksiya emas, balki, jinoyatga olib boruvchi ijtimoiy muhitni sog'lomlashtirishga qaratilgan.

Biroq, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishda mavjud salohiyatdan to'liq foydalanish uchun ushbu tizimni shunchaki mavjud holatda saqlab turish yetarli emas. Uni yanada samarali qilish, har bir subyektning individual vazifalarini aniqlashtirish, faoliyatni yagona maqsad atrofida birlashtirish, ma'lumot almashinuvi va manzilli ishlashni kuchaytirish

zarur. Ayniqsa, ijtimoiy profilaktika doirasida alohidada e'tiborga molik shaxslar, nosog'lom oilalar, nazoratsiz yoshlar, ishsizlik muammosi mavjud qatlamlar va salbiy ta'sirga moyil muhit bilan ishlashni tizimlashtirish bugungi kunning dolzarb vazifasidir. Zero, giyohvandlikka qarshi kurashning eng to'g'ri yo'li uni oqibat bosqichida emas, balki, uning ildiz omillari shakllanayotgan pallada to'xtata olishdir.

Mavzuning dolzarbligi yana shundaki, giyohvandlikka qarshi kurashish borasida ko'plab sa'y-harakatlar amalga oshirilayotgan bo'lsa-da, ayrim hollarda bu faoliyat bo'lak-bo'lak, tarqoq yoki faqat umumiy targ'ibot doirasida qolib ketmoqda. Vaholanki, zamonaviy yondashuv mahallada giyohvandlikka qarshi kurashishni *aniq vazifa, aniq subyekt, aniq javobgarlik va aniq natija* asosida tashkil etishni talab qiladi. Shu bois bugun mahalla darajasida samarali tizimni shakllantirish nafaqat tashkiliy, balki, strategik vazifa sifatida qaralishi kerak.

Mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimini shakllantirish, eng avvalo, bu tahdidga tor doiradagi huquqiy muammo sifatida emas, balki, hududiy xavfsizlik, oilaviy barqarorlik, yoshlar tarbiyasi va ijtimoiy muhit sog'lomligi bilan bevosita bog'liq kompleks masala sifatida qarashni talab etadi. Giyohvandlikning eng xavfli tomoni shundaki, u ko'pincha birdaniga jinoyat ko'rinishida emas, balki, sekin-asta shakllanadigan ijtimoiy og'ish, nazoratsizlik, ma'naviy bo'shliq, ishsizlik, salbiy muhit va zararli ta'sirlar yig'indisi sifatida namoyon bo'ladi. Shu bois unga qarshi kurashishda eng to'g'ri yo'l – oqibatni kutish emas, balki, sabablarni barvaqt aniqlash, xavf omillarini barvaqt ko'rish va manzilli ijtimoiy profilaktikani yo'lga qo'yishdir.

Xususan, mahallalarda 2024-yildan boshlab "Obod va xavfsiz mahalla" tamoyili asosida ijtimoiy profilaktika tadbirlarini amalga oshirish, "mahalla yettiligi" o'rtasida hamkorlik mexanizmlarini belgilash va "E-ijtimoiy profilaktika" orqali axborot almashuvini yo'lga qo'yishga qaratilgan edi [3]. Unda ijtimoiy profilaktika huquqbuzarlik sodir etish yoki undan jabrlanish ehtimoli yuqori bo'lgan shaxslarga huquqiy, ijtimoiy, psixologik, tibbiy, pedagogik va boshqa turdagi yordamlar ko'rsatish majmui sifatida belgilangan.

Mazkur yondashuvning eng katta ustunligi shundaki, u giyohvandlikka qarshi kurashni faqat profilaktika inspektori yoki bitta idoraning vazifasi sifatida emas, balki, mahalladagi barcha tayanch subyektlarning o'zaro hamkorligiga tayanadigan yagona tizim darajasiga olib chiqadi. "Mahalla yettiligi" tarkibiga kiruvchi barcha a'zolar o'rtasida vazifalar taqsimotining mavjudligi giyohvandlikka qarshi kurashda ayni muddao bo'lgan kompleks yondashuvni ta'minlaydi. Chunki, giyohvandlikning ildizi bir vaqtning o'zida huquqiy nazorat sustligi, ijtimoiy nochorlik, oilaviy muammo, bo'sh vaqtning samarasiz tashkil etilishi, psixologik beqarorlik, yashirin daromad manbalari yoki yoshlar muhitidagi nosog'lom ta'sirlar bilan bog'liq bo'lishi mumkin.

Demak, samarali tizim faqat barcha bo'g'inlar bir maqsad yo'lida, bir-birini takrorlamagan holda, o'zining individual vazifasini aniq bajarib ishlaganda shakllanadi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 1-dekabrdagi 754-son "Jamoat tartibini saqlash, jamoat xavfsizligini ta'minlash va huquqbuzarliklar profilaktikasi sohasidagi Hukumat qarorlarini tizimlashtirish to'g'risida"gi qarori [4] bilan "Obod va xavfsiz mahalla" tamoyili asosida mahallalarda ijtimoiy profilaktika tadbirlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizom tasdiqlangan bo'lib, unda aynan shu subyektlar ijtimoiy profilaktika tadbirlarini amalga oshiruvchi subyektlar sifatida ko'rsatilgan, shuningdek, huquqbuzarlik sodir etish ehtimoli yuqori bo'lgan shaxslar qatorida giyohvandlik vositalari, psixotrop yoki inson aql-irodasiga ta'sir etuvchi boshqa moddalarga qaram bo'lib qolgan shaxslar, ishsizlar, "og'ir" toifadagi yoshlar, huquqbuzarlikka moyil yoshlar va nizoli oilalar ham sanab o'tilgan.

Mahalla raisi bu tizimda oddiy rahbar emas, balki, mahalladagi barcha profilaktik kuchlarni bir nuqtaga jamlaydigan muvofiqlashtiruvchi markazdir. Uning asosiy vazifasi hududdagi ijtimoiy muhitni bilish, nizoli va notinch oilalar hamda shaxslarni umumiy nazoratda ushlash, mahallaga biriktirilgan davlat organlari vakillarini jalb qilgan holda ijtimoiy profilaktika tadbirlarini hamkorlikda tashkil etish va natijadorlikni ta'minlashdan iborat. Profilaktika inspektori esa giyohvandlikka qarshi kurashning huquqiy va operativ tayanch bo'g'ini sifatida shaxslar bo'yicha xulosa tayyorlaydi, profilaktik suhbatlar o'tkazadi, turmush tarzi va ijtimoiy muammolarni baholaydi hamda boshqa subyektlar bilan birga individual ishlashni yo'lga qo'yadi. Hokim yordamchisining roli esa bu jarayonda nihoyatda muhim: u band bo'lmagan, doimiy daromad manbaiga ega emas, iqtisodiy nochorlik tufayli xavf guruhiga tushib qolgan fuqarolarni bandlik, kasb, tadbirkorlik va daromad manbai bilan ta'minlash orqali giyohvandlikka olib boruvchi iqtisodiy ildizlarni bartaraf etadi [5].

Demak, mahallada giyohvandlikka qarshi kurash samaradorligi, bir tomondan, huquqiy nazorat, ikkinchi tomondan esa, ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikni bir vaqtda ta'minlashga bog'liq. Yoshlar yetakchisi, xotin-qizlar faoli va ijtimoiy xodimning vazifalari aynan giyohvandlikning "ko'rinmas" ildizlarini bartaraf etishda hal qiluvchi ahamiyatga ega. Yoshlar yetakchisi bo'sh vaqtni mazmunli tashkil etish, ishsiz va nazoratsiz yoshlarni aniqlash, ularni ta'lim, sport, kasb-hunar va ijtimoiy faollikka jalb etish orqali xavfli og'ishlarning oldini oladi [6]. Xotin-qizlar faoli oiladagi ma'naviy-ruhiy muhit, onalar bilan ishlash, farzand tarbiyasi, nizoli va ajrim yoqasidagi oilalarga ko'maklashish orqali giyohvandlikning oilaviy omillariga qarshi ta'sir ko'rsatadi [7]. Ijtimoiy xodim esa ijtimoiy himoyaga muhtoj, ruhiy bosimdagi, ijtimoiy-iqtisodiy qaramlik xavfi mavjud va yordamga muhtoj shaxslar bilan individual ishlaydi, zarur hollarda tibbiy, psixologik va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash choralarini tashkil etadi[8].

Soliq inspektorining vazifasi bevosita sezilmasa-da, u yashirin daromad manbalari, norasmiy iqtisodiy faoliyat va qonuniy bandlikni ta'minlash bilan bog'liq masalalarda muhim vosita bo'lib xizmat qiladi. Giyohvandlik bilan bog'liq xavf ko'pincha noqonuniy daromad, nazoratsiz pul oqimi va norasmiy iqtisodiy faoliyat bilan ham kesishgani uchun soliq nazorati profilaktikaning iqtisodiy-intizomiy ustunini mustahkamlaydi [9].

Mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashning samarali tizimi shakllanishi uchun bu subyektlarning har biri faqat o'z vazifasini bajarishi yetarli emas, ular yagona maqsad, yagona ma'lumotlar maydoni va yagona natijadorlik mezoni asosida ishlashi zarur. Shu nuqtai nazardan, "E-ijtimoiy profilaktika" axborot tizimi bilan integratsiyalashgan elektron axborot almashinuvi strategik ahamiyatga ega. Chunki, giyohvandlikka moyil shaxslar, qaramlikka tushib qolgan fuqarolar, ishsiz yoshlar, nizoli oilalar va boshqa xavf guruhlari bo'yicha ma'lumotlar tarqoq emas, yagona tizimda jamlangandagina manzilli choralar tezkor va izchil bo'ladi.

Demak, samarali tizimning asosi uch ustunga tayangan bo'lishi kerak: birinchisi, barvaqt aniqlash, ikkinchisi, individual yondashuv, uchinchisi, subyektlararo uzviy hamkorlik. Aynan shu uchlik mahallada giyohvandlikka qarshi kurashni kampaniyabozlikdan chiqarib, uzluksiz va natijador ijtimoiy profilaktika tizimiga aylantiradi. Ijtimoiy profilaktika faoliyatini bevosita tartibga soluvchi yuqoridagi Hukumat qarorida ham aynan ijtimoiy profilaktika obyektlarini aniqlash, ular bo'yicha ma'lumotlarni elektron shaklda taqdim etish, faoliyatni muvofiqlashtirish va nazorat qilish tartibi nazarda tutilgan.

Shu bilan birga, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimini shakllantirish faqat tashkiliy mexanizm

yaratish bilan tugamaydi. Bu tizim, avvalo, profilaktikaning falsafasini oʻzgartirishni talab qiladi. Ya'ni yondashuv *"jinoyat sodir boʻldi – chora koʻramiz"* modelidan ***"xavf paydo boʻldi – darhol ta'sir qilamiz"*** modeliga oʻtishi lozim. Bunda giyohvandlikka qarshi kurash mahalla hayotining yot yoʻnalishi emas, balki, hudud xavfsizligi, yoshlar siyosati, oilaviy barqarorlik, bandlik va ma'naviy muhit bilan chambarchas bogʻliq ustuvor vazifasiga aylanishi zarur. Ana shundagina mahallada giyohvandlikka qarshi kurashish tasodifiy tadbirlar yigʻindisi emas, balki, aniq mas'uliyat, aniq harakat, aniq natija va aniq javobgarlikka asoslangan mustahkam tizim sifatida shakllanadi. Mahallada giyohvandlikka qarshi kurashishning haqiqiy samarasi ham aynan ijtimoiy muammoni jinoyat sodir boʻlishidan oldin prognoz qilish, shaxsni jazolashdan oldin uni asrash, oilani inqirozga tushishidan oldin mustahkamlash va yoshlarni yoʻldan ogʻishidan oldin toʻgʻri yoʻlga yoʻnaltirishda namoyon boʻladi.

**Natijalar va muhokamalar.** Olib borilgan tahlillar shuni koʻrsatadiki, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimini shakllantirish, avvalo, ushbu faoliyatni tarqoq tadbirlar yigʻindisi emas, balki, *ijtimoiy profilaktika, elektron axborot almashinuvi va "mahalla yettiligi"ning oʻzaro muvofiqlashgan faoliyatiga tayanadigan yaxlit boshqaruv mexanizmi* sifatida yoʻlga qoʻyishni talab qiladi.

Oʻrganishlardan yana shu narsa ma'lum boʻldiki, mahallalar darajasida giyohvandlikka qarshi kurashishda asosiy yutuq *xavfni barvaqt aniqlash mexanizmini* toʻgʻri tashkil etish bilan bogʻliq. Ijtimoiy profilaktika tadbirlari huquqbuzarlik sodir etish ehtimoli yuqori boʻlgan shaxslarga nisbatan amalga oshirilishi belgilangan boʻlib, bunday toifaga ishsiz shaxslar, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarga qaram boʻlib qolgan shaxslar, "ogʻir" toifadagi yoshlar, huquqbuzarlikka moyil yoshlar, nizoli oilalar va yordamga muhtoj xotin-qizlar ham kiritilgan. Bu esa giyohvandlikka qarshi kurashishni jinoyat sodir boʻlgandan keyin emas, balki, *giyohvandlik xavfi shakllanayotgan ijtimoiy muhitda* boshlash zarurligini anglatadi.

Muhokamalarda ma'lum boʻldiki, "mahalla yettiligi"ning kuchli tomoni – uning har bir a'zosi jinoyatchilikka, jumladan giyohvandlikka qarshi kurashishda *alohida funksiyaga ega boʻlishi*, lekin natija esa ularning *birlashgan harakati* orqali yuzaga chiqishidir. Mahalla raisi muvofiqlashtiruvchi markaz sifatida, profilaktika inspektori huquqiy-nazorat subyekti sifatida, hokim yordamchisi bandlik va daromad barqarorligini ta'minlovchi boʻgʻin sifatida, yoshlar yetakchisi alohida toifadagi yoshlar bilan ishlovchi asosiy shaxs sifatida, xotin-qizlar faoli oilaviy muhitni sogʻlomlashtiruvchi subyekt sifatida, ijtimoiy xodim ijtimoiy va psixologik yordamni tashkil etuvchi bogʻlovchi boʻgʻin sifatida, soliq inspektori esa noqonuniy iqtisodiy faoliyatning oldini olishga xizmat qiluvchi institut sifatida ishtirok etadi. Qarorda aynan ushbu yetti boʻgʻin "mahalla yettiligi" sifatida qayd etilgani va ular ishtirokida ijtimoiy profilaktika tadbirlarini amalga oshirish tartibi nazarda tutilgani ushbu xulosani mustahkamlaydi.

Tahlillar yana shuni koʻrsatdiki, giyohvandlikka qarshi mahalla tizimining samaradorligi *ma'lumotlar almashinuvi tezligi va aniqligi* bilan ham belgilanadi. Elektron shaklda ma'lumot taqdim etish ijtimoiy profilaktika obyektlarini tezkor aniqlash, ular boʻyicha choralarni muvofiqlashtirish va ijro natijalarini nazorat qilish tartibining belgilanishi sohadagi ishlarni tizimli boshqarish imkonini beradi. Demak, huquqbuzarliklarga qarshi kurashishda natijaga erishish uchun *kim, qachon, qaysi shaxs yoki oila bilan, qanday axborot asosida ishlayotgani* elektron shaklda aniq koʻrinib turishi ham boshqaruvda muhim ahamiyatga ega.

Olingan natijalardan yana bir muhim xulosa shuki, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimi faqat nazorat modeliga emas, balki, *manzilli ijtimoiy*

*yordam* modeliga ham tayanishi shart. Qarorda ijtimoiy profilaktika huquqiy, ijtimoiy, psixologik, tibbiy, pedagogik va boshqa turdagi yordam ko'rsatish majmui sifatida talqin qilingan. Bu yondashuv giyohvandlikka moyil yoki unga qaram shaxsni faqat nazorat obyekti sifatida emas, balki, muammosi yechim talab qiladigan ijtimoiy subyekt sifatida ko'rish zarurligini anglatadi. Shu jihatdan, mahalladagi samarali tizimning asosiy mezonlaridan biri – u shaxsni faqat fosh etadimi yoki uni asrab qolishga ham xizmat qiladimi, degan savolga beriladigan amaliy javobdir.

Muhokamalar jarayonida aniqlangan yana bir muhim jihat bu tizimning profilaktik salohiyati, eng avvalo, *yoshlar va oila bilan ishlash sifatiga* bog'liq ekanidir. Chunki, qarorda ham ishsiz yoshlar, "og'ir" toifadagi yoshlar, huquqbuzarlikka moyil yoshlar, nizoli oilalar va yordamga muhtoj xotin-qizlar ijtimoiy profilaktika obyekti sifatida alohida ko'rsatilgan [10]. Bu esa davlat siyosatining to'g'ri yo'naltirilganini ko'rsatadi: giyohvandlikka qarshi kurashishni faqat jinoyatchilikka qarshi kurash darajasida emas, balki, *oila, yoshlar siyosati va mahalla muhitini sog'lomlashtirish* darajasida tashkil etish lozim. Demak, "mahalla yettiligi"ning har bir a'zosi o'z vazifasini aynan shu maqsadga yo'naltirgandagina mahalladagi profilaktika tadbirlari haqiqiy natija beradi.

Umuman olganda, tahlil natijalari va muhokamalar shuni ko'rsatadiki, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimini shakllantirish uchun uchta hal qiluvchi shart mavjud: *birinchisi – alohida toifadagi shaxslarni barvaqt aniqlash; ikkinchisi – mahalla yettiligining individual vazifalarini aniq va bir-biriga bog'langan holda amalga oshirish; uchinchisi – ijtimoiy profilaktika natijalarini elektron boshqaruv va muvofiqlashtirish mexanizmi bilan ta'minlash.* Aynan shu uchlik mahallada huquqbuzarlikka qarshi kurashni umumiy chaqiriq yoki targ'ibot emas, balki, aniq natijaga ishlaydigan tizimga aylantiradi. Bu esa davlat siyosatining quyi bo'g'indagi amaliy ifodasi sifatida baholanishi mumkin.

Tadqiqot natijalari shuni tasdiqladiki, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning haqiqiy samarasi *"mahalla yettiligi"* faoliyati qay darajada uyg'un va manzilli tashkil etilganiga bevosita bog'liq. Mahalla raisi, profilaktika inspektori, hokim yordamchisi, yoshlar yetakchisi, xotin-qizlar faoli, ijtimoiy xodim va soliq inspektoridan iborat mazkur tizim huquqiy nazorat, ijtimoiy yordam, bandlik, yoshlar bilan ishlash, oilaviy muhitni sog'lomlashtirish va yashirin iqtisodiy xavflarni bartaraf etish kabi bir-birini to'ldiruvchi vazifalarni qamrab oladi. Amaldagi qoidalarda ham "mahalla yettiligi" tarkibi va unga mahalla raisi rahbarlik qilishi belgilangan. Demak, giyohvandlikka qarshi kurashish mahallada faqat bir subyektning emas, balki, har biri aniq funksiyaga ega bo'lgan yetti tayanch bo'g'inning umumiy mas'uliyati sifatida qaralishi shart [11].

Maqolada asoslangan muhim xulosalardan biri shundan iboratki, mahallalarda samarali tizimni shakllantirish uchun *jinoiy xavfni barvaqt aniqlash, ma'lumotni tezkor almashish va har bir shaxs yoki oila bilan individual ishlash* mexanizmi mustahkam bo'lishi lozim. Ijtimoiy profilaktika tadbirlarining huquqbuzarlik sodir etish yoki undan jabrlanish ehtimoli yuqori bo'lgan shaxslarga nisbatan huquqiy, ijtimoiy, psixologik, tibbiy, pedagogik va boshqa turdagi yordamlar majmui sifatida belgilangani bu yondashuvning to'g'riligini yana bir bor ko'rsatadi. Shuningdek, yuqorida keltirilgan qarorda ishsiz shaxslar, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarga qaram bo'lib qolgan shaxslar, "og'ir" toifadagi yoshlar, huquqbuzarlikka moyil yoshlar va nizoli oilalar ijtimoiy profilaktika obyekti sifatida qayd etilgan. Bu esa giyohvandlikka qarshi kurashishni aynan muammo ildizi paydo bo'layotgan nuqtalarda tashkil etish zarurligini anglatadi.

Shu bilan birga, tahlillardan ma'lum bo'ldiki, mahallalarda huquqbuzarliklarga, jumladan

giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimi *nazorat va yordamni birlashtirgan kompleks modelga* aylanishi kerak. Ya'ni bu tizim faqat kimnidir fosh etish yoki jazolash bilan cheklanmasdan, shaxsni asrash, uni mehnatga, ta'limga, sog'lom muhitga, oilaviy barqarorlikka qaytarishga xizmat qilishi lozim. "Mahalla yettiligi"ning kuchli jihati ham aynan shunda, ya'ni u jinoyat sodir bo'lganidan keyin emas, balki, jinoyatga olib boruvchi omillar paydo bo'lgan pallada aralashish imkonini beradi. Bu esa davlat siyosatining insonga, uning taqdiriga va mahalla muhitini sog'lomlashtirishga qaratilganini amalda namoyon etadi.

Shu o'rinda "mahalla yettiligi" a'zolarining aynan giyohvandlikka qarshi kurashish va uning oldini olishdagi vazifalari quyidagilar hisoblanadi:

1) *mahalla raisining* giyohvandlikka qarshi kurashdagi aniq vazifasi – mahalladagi barcha subyektlar ishini bir nuqtaga jamlash, haftalik muhokama o'tkazish, xavf guruhidagi oilalar va shaxslar bo'yicha ishni muvofiqlashtirish, profilaktik tadbirlarning uzluksizligini ta'minlash va ijrosini aniq reja asosida nazorat qilish;

2) *profilaktika inspektori* – giyohvandlikka ruju qo'ygan shaxslarni barvaqt aniqlash, ularning oilaviy va ijtimoiy muhitini o'rganish, profilaktik hisob va nazoratni olib borish, tibbiy-reabilitatsion choralarni boshlash, jinoyat alomatlari bo'lsa, ularni o'rnatilgan tartibda rasmiylashtirish va boshqa tegishli xizmatlarni ishga tushirishdan iborat;

3) *yoshlar yetakchisi* – giyohvandlik vositalariga qiziqish yoki ruju qo'yish xavfi bor yoshlarni aniqlash, ularni sport, fan, kasb-hunar, to'garak va bandlikka jalb qilish, bemaqsad va nazoratsiz qolayotgan yoshlarni profilaktika inspektori bilan birga individual nazoratga olish, yoshlar orasida antinarkotik targ'ibot tadbirlarini olib borish;

4) *xotin-qizlar faoli* – giyohvandlik xavfi mavjud oilalarni aniqlash, giyohvandlik muhiti ta'siriga tushgan ayollar bilan individual ishlash, oiladagi ziddiyatlarni yumshatish, bandlik va ijtimoiy tayanch yaratish, profilaktika inspektoriga xavfli holatlar haqida axborot berish;

5) *hokim yordamchisi* – ishsiz, daromadsiz, ijtimoiy ta'minotsiz shaxslarni band qilish, narkotik savdosiga yoki iste'moliga tortilish xavfi yuqori qatlamni iqtisodiy jihatdan mustahkamlash, reabilitatsiyadan keyin jamiyatga qaytganlarni ish bilan ta'minlash, xavf guruhidagilarni "bo'sh qolishi"ga yo'l qo'ymaslik;

6) *ijtimoiy xodim* – narkotik xavfi yuqori oilalar va shaxslarni barvaqt aniqlash, ularga manzilli ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish, reabilitatsiyaga muhtojlarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, oilani tiklash va ijtimoiy himoya tizimiga ulash, profilaktika inspektori va boshqa a'zolar bilan birgalikda xavfni kamaytirish;

7) *soliq inspektori* – xavf guruhidagi shaxslarni qonuniy daromad manbaiga olib chiqish, yashirin va noqonuniy daromad yo'llariga, shu jumladan narkotik savdosiga kirib ketishning oldini olish, bandlik va kichik tadbirkorlikni legallashtirish orqali profilaktik ta'sir ko'rsatish.

Shuningdek, mazkur yettilik a'zolari individual vazifalari bilan bir qatorda o'zaro hamkorlik va muvofiqlashtirilgan boshqaruv asosida faoliyatni samarali tashkil etishsa, ko'zlangan maqsadga to'laqonli erishilishi mumkin.

Yakuniy xulosa sifatida aytish mumkinki, mahallalarda giyohvandlikka qarshi kurashishning samarali tizimini shakllantirish — bu faqat bir sohaviy vazifa emas, balki, jamiyat xavfsizligi, yoshlar kelajagi, oila mustahkamligi va hudud barqarorligini ta'minlashga qaratilgan strategik davlat vazifasidir. Agar "mahalla yettiligi"ning har bir bo'g'ini o'z mas'uliyatini aniq his qilsa, ijtimoiy profilaktika manzilli tashkil etilsa va axborot almashinuvi yagona tizim asosida yo'lga qo'yilsa, mahalla haqiqatan ham huquqbuzarliklarga qarshi kurashishning eng qudratli va eng ta'sirchan tayanch nuqtasiga aylanadi. Aynan shu yo'l orqali jamiyatda sog'lom muhitni mustahkamlash, yoshlarni asrash va mahallalarda xavfsiz hayot makonini qaror toptirish mumkin.

## Foydalanilgan manbalar/ References

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida” 2025-yil 3-noyabrdagi PF-207-son farmoni.

2. Berdialiyev B.E. Ijtimoiy profilaktika faoliyatini tashkil etish asoslari: Oʻquv-uslubiy qoʻllanma. – T.: Oʻzbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti, 2025. – 67 b.

3. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Obod va xavfsiz mahalla” tamoyili asosida mahallalarda ijtimoiy profilaktika tizimi samaradorligini oshirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida” 2024-yil 30-noyabrdagi 801-son qarori.

4. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Jamoat tartibini saqlash, jamoat xavfsizligini taʼminlash va huquqbuzarliklar profilaktikasi sohasidagi Hukumat qarorlarini tizimlashtirish toʻgʻrisida” 2025-yil 1-dekabrdagi 754-son qarori

5. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Hokim yordamchilari faoliyatini qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasini tashkil etish toʻgʻrisida” 2022-yil 16-fevraldagi 72-son qarori. https://lex.uz.

6. “Mahalla yettiligi”dagi yoshlar yetakchisining vazifalari boʻyicha uslubiy qoʻllanma. – T.: Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, 2024. – 17 b.

7. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Oila va xotin-qizlar bilan ishlash, mahalla va nuroniylarni qoʻllab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida” 2022-yil 1-martdagi PF-81-son farmoni

8. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Aholiga ijtimoiy xizmatlar va yordamlar koʻrsatish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida” 2023-yil 28-sentyabrdagi PQ-319-son qarori.

9. Jamoatchilik asosida faoliyat yuritadigan “mahalla yettiligi”ning tarkibi sifatida soliq inspektorining asosiy vazifalari, huquqlari va majburiyatlari. Uslubiy qoʻllanma. – T.: Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, 2024. – 19-b.

10. Abdurasulova Q. R. Ayollar jinoyatchiligi va ularning oldini olish muammolari: Oʻquv qoʻllanma / Masʼul muharrir prof. M.H.Rustambayev. – T., 2009. –161/40-bet.

11. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublika mahallalarida xavfsiz muhitni yaratish yoʻnalishida yaxlit manzilli ishlash tizimini joriy etishga qaratilgan qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida” 2025-yil 5-yanvardagi PQ–1-son qarori.

# GIYOHVANDLIKNING OLDINI OLISHGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR

## SOME CONSIDERATIONS ON THE PREVENTION OF DRUG ADDICTION



*Niyozova Salomat Saparovna*

*Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlar doktori, professor.*

*Niyozova Salomat Saparovna*

*Tashkent state university of Law, Doctor of law (DSc), Professor.*

*Xamidova Mahbuba Alijanovna*

*Yuridik fanlar nomzodi, dotsent.*

*Khamidova Makhbuba Alizhanovna*

*Candidate of Legal Sciences, Associate Professor.*



**Annotatsiya.** Mazkur maqolada giyohvandlikning oldini olishga doir ba'zi mulohazalar, jumladan, yoshlar orasida narkotiklarning noqonuniy aylanishiga jinoiy-huquqiy mexanizmlar orqali qat'iy barham berish hamda yoshlarga nisbatan sodir etiladigan narkojinoyatlar uchun javobgarlikni belgilash masalalari bayon etilgan. Shuningdek, giyohvandlik moddalarini suiiste'mol qilishning og'ir oqibati haqida ham fikr yuritilib, tegishli taklif va tavsiyalar berilgan.

**Kalit so'zlari:** voyaga yetmaganlar, giyohvandlik, yoshlar, inson salomatligi, kuchli ta'sir qiluvchi vositalar, psixotrop moddalar, suiiste'mol, qilish.

**Abstract.** This article presents some considerations on the prevention of drug addiction, including the strict suppression of illicit drug trafficking among youth through criminal and legal mechanisms, as well as the establishment of liability for drug-related crimes committed against young people. It also reflects on the severe consequences of substance abuse and provides relevant proposals and recommendations.

**Keywords:** minors, drug addiction, youth, human health, potent substances, psychotropic substances, abuse.

Mamlakatimizda aholi orasida sogʻlom turmush tarzini targʻib qilish, ularning giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarga qarshi immunitetini shakllantirish, shuningdek, inson salomatligini taʼminlashga qaratilgan muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.

Ammo soʻnggi yillarda yangi turdagi sintetik giyohvandlik vositalari va kuchli taʼsir qiluvchi moddalar paydo boʻlayotgani, ular Internetning ijtimoiy tarmoqlaridan foydalangan holda aholi, ayniqsa, yoshlar orasida inson omilisiz oson tarqatilayotgani achinarli holdir.

Respublikamizda yoshlar orasida narkotiklarning noqonuniy aylanmasiga jinoiy-huquqiy mexanizmlar orqali qatʼiy barham berish hamda yoshlarga nisbatan sodir etiladigan narkojinoyatlar uchun javobgarlikni ogʻirlashtirish, narkotiklarni Internet orqali tarqatish, uyushgan guruhlar va narkolaboratoriyalar, ularga rahnamolik qilayotgan mansabdor shaxslarni aniqlash va chek qoʻyishga qaratilgan keng qamrovli tezkor-qidiruv hamda tergov faoliyatini yoʻlga qoʻyish yuzasidan salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “2022–2026-yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi toʻgʻrisida”gi farmonida narkotrafikka qarshi kurashish[1], shuningdek 2025-yil 3-noyabrda qabul qilgan “Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik hamda narkojinoyatlardan samarali himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi PF–207-son farmonida giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar noqonuniy aylanmasiga qatʼiy jinoiy-huquqiy mexanizmlar orqali barham berish, bu boradagi jazo choralarini keskin kuchaytirish hamda yoshlarga nisbatan sodir etiladigan narkojinoyatlar uchun javobgarlikni ogʻirlashtirish, uyushgan narkojinoyatchilikka chek qoʻyish[2] masalalari jinoyat qonunini takomillashtirishning asosiy yoʻnalishlari va vazifalari etib belgilangan. Ushbu vazifalar giyohvandlik vositalari (analoglari) yoki psixotrop moddalarni noqonuniy oʻtkazishning jinoiy-huquqiy va kriminologik jihatlarini kompleks tadqiq etishni taqozo qiladi.

Mutaxassislarning fikricha, giyohvandlik moddalarining keng tarqalishi bir qator ijtimoiy muammolarga sabab boʻladi. Jumladan, demografik fojialarni keltirib chiqaradi, ijtimoiy-iqtisodiy hayotda jinoyatchilik avj oladi va hokazo. BMT Bosh Assambleyasining qayd etishicha, koʻrilayotgan chora-tadbirlarga qaramay, jahonda giyohvandlik vositalarining noqonuniy savdosi muammoligicha qolmoqda va bu muammo hamon jiddiy tahdid sifatida koʻrilmoqda.

Statistik maʼlumotlarga koʻra dunyoda 500 milliondan ortiq odam giyohvandlik dardiga yoʻliqqan. Uning aksariyat qismini 30 yoshgacha boʻlganlar tashkil etmoqda. Buning oqibatida har yili 200 mingdan ortiq kishi hayotdan koʻz yumadi. Shu bilan birga, jahonda sodir etilayotgan jinoyatlarning 57 foizi giyohvandlar hissasiga toʻgʻri keladi.

Maʼlumotlarga koʻra, 15 yoshdan 64 yoshgacha boʻlganlar orasida qayd etiladigan oʻlimlarning 1,3 foizi giyohvandlik oqibatida yuz berar ekan. Bir yilda 211 mingta oʻlim aynan giyohvandlik oqibatida kelib chiqadi. Yevropada giyohvandlik oqibatida halok boʻlayotganlarning oʻrtacha yoshi 35 yoshni tashkil qiladi. Mutaxassislarning soʻzlariga qaraganda giyohvandlik oqibatida 1,6 million kishi VICHga mubtalo boʻladi. 7,2 million kishi esa gepatit C virusini yuqtirib oladi. 1,2 million kishi gepatit B virusiga chalinadi.

Giyohvandlik moddalarini isteʼmol qilish bilan bogʻliq xastaliklarga uchraganlar soni dunyo boʻyicha 29 million kishidan ortib ketgan. Giyohvandlik moddalari isteʼmoli soʻzsiz aholi sogʻligʻi va jamoat xavfsizligiga tahdid sifatida koʻriladi.

Bir qator mamlakatlarda bu illat jamiyatning barqaror rivojlanishiga xalaqit berayotganidan aslo koʻz yumib boʻlmaydi. Jumladan, giyohvandlarni davolash uchun katta miqdorda mablagʻ sarflanadi. Bu mablagʻ davlat byudjetidan ajratiladi. Mutaxassislarning hisob-kitoblariga qaraganda, bugungi kunda har olti giyohvandning bittasi davolanish imkoniyatiga ega ekan. Ularni davolanishi uchun bir yilda oʻrtacha 35 milliard dollar sarflanadi.

Giyohvandlarni davolash uchun ajratiladigan sarf-xarajatlar o‘z yo‘liga. Ammo, ularning jamiyat hayotiga tahdid solishlarini ham aslo yoddan chiqarish kerak emas. Shu sababli ham giyohvandlar sog‘liqni saqlash tizimidan tashqari ijtimoiy hayotga ham muammo yaratuvchi sifatida tan olinadi.

Giyohvandlik moddalarini suiiste’mol qilishning eng og‘ir oqibati – bu insonni oilasi va jamiyatidan ajratib qo‘yishi [3]. Giyohvandlik moddalarini suiiste’mol qilish natijasida bora-bora shaxsning ijtimoiy roli va qadr-qimmati yemiriladi, axloqiy chegaralar susayadi va turli huquqbuzarliklarga moyillik kuchayadi. Buning ustiga, bunday moddalar hayot uchun xavf tug‘diradi: miya faoliyatini izdan chiqaradi, immun tizimini zaiflashtiradi, butun organizmda chuqur patologik o‘zgarishlar keltirib chiqaradi [4].

Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni uzoq muddat iste’mol qilish natijasida kasallik ko‘rinishidagi qaramlik shakllanadi va u giyohvandlikning uch asosiy bosqichidan o‘tadi.

Birinchi bosqichda o‘ta ta’sirchanlik (tolerantlik), eyforiyaning jadal yuz berishi, giyohvandlik vositalariga ruhiy qaramlik kuzatiladi. Bunda organizmning surunkali zaharlanishi va u bilan bog‘liq asoratlar hali mavjud bo‘lmaydi. Birinchi bosqich qisqa muddatlidir, u bir necha hafta yoki bir necha oy davom etadi.

Ikkinchi bosqichda barqaror tolerantlikka erishiladi. Giyohvandlik vositalariga ruhiy va jismoniy qaramlik seziladi, organizmning surunkali zaharlanishi alomatlari – ozish, umumiy lohaslik va zaiflik, mehnat qobiliyatining keskin pasayishi kuzatiladi. Ilgari kuzatilgan kasalliklar rivojlanadi. Mazkur bosqich balog‘at yoshidan o‘tgan odamda o‘rta hisobda 5 yildan 10 yilgacha davom etadi.

Uchinchi bosqich tolerantlikning asta-sekin pasayishi, eyforiya, giyohvandlik vositalarining tetiklantiruvchi ta’siri susayishi yoki butunlay yo‘qolishi bilan tavsiflanadi. Giyohvandlik vositalarini iste’mol qilish to‘xtatilganida iste’mol qiluvchining ahvoli og‘irlashadi, mehnat qobiliyatini butunlay yo‘qotadi. Kasallikning mazkur bosqichi oldingi bosqichdan tezroq rivojlanadi [5].

Giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni o‘tkazish maqsadida qonunga xilof tarzda tayyorlash, olish, saqlash va boshqa harakatlarni amalga oshirish, shuningdek ularni noqonuniy tarzda o‘tkazish bilan bog‘liq jarayonlarga tortilayotgan voyaga yetmaganlar jinoyatchiligini shartli ravishda besh toifaga ajratish mumkin:

- byevosita aloqador jinoyatlar. Bu guruhga giyohvandlik vositalari bilan noqonuniy tarzda muomala qilish, ularni tovlamachilik yo‘li bilan noqonuniy ravishda qo‘lga kiritish, shuningdek giyohvandlik vositalarini iste’mol qilish uchun joy (bangixona) saqlash kabi qilmishlar kiradi;
- mablag‘ topish maqsadida sodir etilgan qilmishlar. Giyohvandlik moddalarini sotib olish uchun pul yetishmasligi natijasida voyaga yetmaganlar tomonidan o‘g‘rilik, talonchilik, bosqinchilik va tovlamachilik kabi mulkka qarshi jinoyatlar sodir etiladi;
- mastlik holatida sodir etilgan jinoyatlar. Giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalar iste’molidan yuzaga kelgan mastlik sharoitida qasddan odam o‘ldirish, badanga shikast yetkazish (turli darajalarda), nomusga tegish, bezorilik, shuningdek tarix yoki madaniyat yodgorliklarini nobud qilish, buzish yoki ularga shikast yetkazish holatlari uchraydi;
- narkobiznesdagi ichki to‘qnashuvlardan kelib chiqadigan jinoyatlar. Giyohvandlik vositalari aylanmasi bilan shug‘ullanuvchi shaxslar o‘rtasidagi kelishmovchiliklar, “hudud” yoki “hisob-kitob” masalalari tufayli odam o‘ldirish yoki badanga shikast yetkazish kabi og‘ir jinoyatlar sodir etilishi mumkin;
- narkotik mastlik holatidagi shaxslarga nisbatan qaratilgan jinoyatlar. Mast holatidan foydalanib, bunday shaxslarga nisbatan badanga shikast yetkazish, talonchilik, bosqinchilik va bezorilik kabi tajovuzlar amalga oshiriladi.

Bolalarni giyohvandlik vositalarini o‘tkazishga jalb qilishning muayyan ruhiy asoslari mavjuddir: birinchidan, bolalar gapga tez ko‘nishi, kattalarga quloq solishi, ularning talablarini so‘zsiz bajarishi bilan ajralib turadi. Ikkinchidan, voyaga

yetmaganlar giyohvandlik vositalarini sotuvchi sifatida koʻp ham huquqni muhofaza qilish organlari xodimlarining e'tiborini jalb qilmaydi. Uchinchidan, bolalar juda kirishimli, ularning oʻz tengdoshlari va katta yoshdagilar bilan muloqotga kirishishlari osonroqdir.

Ishbilarmonlik faoliyatining bir koʻrinishi sifatida narkobiznes bilan shugʻullanuvchi guruhlar oʻz tuzilishi va vazifalarni guruhning qaysi a'zosi bajarishini aniqlab olishga harakat qiladi. Giyohvandlik vositalarini oʻtkazishda ishtirok etuvchi shaxslarning rollari taqsimlangan boʻladi [6], ya'ni voyaga yetmaganlarga narkobiznes korchalonlarining jinoiy javobgarlikka tortilishini kamaytiruvchi vazifalarni bajarish topshiriladi.

Giyohvandlik vositalari ularni tarqatuvchilariga koʻpincha talon-toroj natijasida kelib tushadi. Bunday holat, ayniqsa, narkotik ta'sir koʻrsatuvchi dori-darmonlarga nisbatan koʻproq sodir etiladi. Giyohvandlik vositalarini talon-toroj qilish davlat muassasalari (xizmat vazifasiga koʻra narkotiklar ishonib topshirilgan shaxslar tomonidan), shuningdek, bunday vositalarga qonuniy yoki noqonuniy tarzda egalik qilayotgan fuqarolarga nisbatan ham sodir etiladi[7].

Koʻpincha, giyohvandlik vositalarini talon-toroj qilish bunday vositalari olinayotgan shaxsning hayoti va sogʻligi uchun xavfli boʻlmagan zoʻrlik ishlatish bilan sodir etiladi. Giyohvandlik vositalarini bosqinchilik yoʻli bilan talon-toroj qilish kamroq uchrasa-da, giyohvandlar oʻzining shafqatsizligi, agressivligi bilan ajralib turadi.

Giyohvandlik vositalarini zoʻrlik ishlatib talon-toroj qilishning sababi narkotik "ochlikni" qondirishga boʻlgan intilish hisoblanadi. Giyohvandlik vositalarini talonchilik yoki bosqinchilik yoʻli bilan talon-toroj qilishning boylik orttirish, ya'ni keyinchalik uni sotish maqsadida egallash juda ham kam uchraydi.

Giyohvandlikni umumbashariy muammo darajasiga olib keluvchi omillardan biri – uning xalqaro terrorizm bilan uzviy aloqadorligi.

Tobora ommalashib borayotgan bu jinoyat turi nafaqat Oʻzbekiston Respublikasining iqtisodiyoti va ma'naviy negizlariga balki, millat genofondi va inson sogʻligʻiga jiddiy ta'sir koʻrsatib kelmoqda.

Giyohvandlik bilan bogʻliq jinoyatlarning oldini olish muhim ahamiyatga ega boʻlib, milliy qonunchiligimizga mana shunday xavf-xatarlarning oldini olish, ularga qarshi ayovsiz kurashish, bunday illatni tag-tomiri bilan yoʻqotishga qaratilgan normalarni kiritish vaqti keldi, deydi davlat rahbari oʻzining chiqishlaridan birida.

Aytish kerakki, Prezidentimizning 2025-yil 6-mayda qabul qilgan "Oʻzbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qoʻyish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta'sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari toʻgʻrisida" [8]gi PF-73 son hamda 2025-yil 3-noyabrda qabul qilgan "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida" [9]gi PF-207-son farmonlari bu borada muhim huquqiy asos boʻldi.

Ilgʻor xorijiy tajriba, xalqaro, shu jumladan BMT ekspertlarining xulosa va tavsiyalari asosida ishlab chiqilgan Oʻzbekiston Respublikasida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish boʻyicha 2024–2028-yillarga moʻljallangan milliy strategiya tasdiqlandi.

Milliy strategiya doirasida aholi, ayniqsa, xotin-qizlar va yoshlarda "giyohvandlikka qarshi immunitet"ni, oʻquvchi va talabalar orasida kuchli ta'sir qiluvchi dorilarni iste'mol qilishga murosasiz munosabatni shakllantirish, ta'lim muassasalarida psixofaol moddalar tarqalishining oldini olishga qaratilgan yangi ta'sirchan targʻibot-tashviqot va tarbiyaviy-profilaktik mexanizmlarni joriy etish maqsadlarga erishish barcha davlat organlari va tashkilotlarning ustuvor vazifasi sifatida belgilandi.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentning "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida"gi farmonining maqsadi:

a) ta'lim muassasalarida, o'quvchi va talabalar orasida psixofaol moddalarning tarqalishiga batamom chek qo'yish, yoshlarda giyohvandlik illatiga murosasiz munosabatni shakllantirish bo'yicha ta'sirchan chora-tadbirlarni kompleks ravishda amalga oshirish;

b) giyohvandlik vositalari, psixotrop va kuchli ta'sir qiluvchi moddalar noqonuniy aylanmasiga qat'iy jinoiy-huquqiy mexanizmlar orqali barham berish, bu boradagi jazo choralarini keskin kuchaytirish hamda yoshlarga nisbatan sodir etiladigan narkojinoyatlar uchun javobgarlikni og'irlashtirish;

v) giyohvandlik vositalarini respublika chegarasidan olib kirish yo'nalishlarini, internet tarmoqlari orqali tarqatish harakatlarini, noqonuniy narkolaboratoriyalarni va narkojinoiy uyushmalarni, shu jumladan, ularga homiylik qilayotgan mansabdor shaxslarni aniqlash, ular faoliyatiga chek qo'yish hamda jazo muqarrarligini ta'minlashga qaratilgan keng qamrovli tezkor-qidiruv va tergov faoliyatini yo'lga qo'yish;

g) giyohvandlik vositalarini tayyorlash uchun foydalanish mumkin bo'lgan kimyoviy moddalar (prekursorlar) aylanmasi ustidan qat'iy davlat nazoratini o'rnatish, giyohvandlik vositalaridan tibbiyotda foydalanuvchi tibbiyot muassasalari, farmatsevtika korxonalari va dorixonalarning faoliyatini nazorat qilish amaliyotiga raqamli yechimlarni joriy etish;

d) aholi, ayniqsa, voyaga yetmaganlar va yoshlar orasida giyohvandlik hamda zaharvandlikni tashxislash, davolash va tibbiy-ijtimoiy reabilitatsiya qilish tizimini tubdan takomillashtirishga qaratilgan manzilli chora-tadbirlarni belgilashdan iboratdir.

Bundan tashqari, farmon bilan Giyohvandlik va narkojinoyatlarning barvaqt oldini olish hamda ularga qarshi kurashish bo'yicha 2025-2026-yillarga mo'ljallangan kompleks amaliy harakatlar milliy dasturi tasdiqlandi. Milliy dastur ijrosini tizimli ravishda nazorat qilib borish maqsadida Prezident Administratsiyasi huzurida faoliyat ko'rsatuvchi Respublika idoralararo muvofiqlashtiruvchi ishchi guruh tuzildi.

Hujjatda 2026-yil 1-iyulga qadar Internet tarmog'idagi narkodo'konlarni hamda giyohvandlik vositalarini tarqatish holatlarini sun'iy intellekt texnologiyalari yordamida aniqlash va bloklashga mo'ljallangan dasturlarni ishlab chiqish bo'yicha yoshlar o'rtasida tanlov o'tkazish hamda eng maqbul takliflarni tanlab olib, amaliyotga joriy qilish ham nazarda tutilgan.

Shulardan kelib chiqib, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining "Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlar", deb nomlangan XIX bobida alohida *"Voyaga yetmagan shaxsni giyohvandlik vositalarini, ularning analoglarini yoki psixotrop moddalarni targ'ib qiluvchi mahsulotni tayyorlash, tarqatish, reklama qilish, namoyish etish yoki bunday moddalarni iste'mol qilishga jalb qilganlik"* uchun jinoiy javobgarlik kiritilib, 127-moddasini esa *"Jinoyat sodir etishga jalb qilganlik uchun jinoiy javobgarlik"*, deb berishni taklif etamiz.

Xulosa qiladigan bo'lsak, yoshlarimiz giyohvandlik kasaliga mubtalo bo'lib qolmasliklari uchun kattalar ularning bo'sh vaqtlari to'g'ri o'tishiga ko'maklashishlari, madaniy hordiq chiqarish, sport bilan shug'ullanish, foydali mehnat bilan band bo'lishlariga jiddiy e'tibor qaratishlari lozim.

Bundan tashqari, aholida, ayniqsa, yosh avlodda sog'lom e'tiqodni shakllantirish, ular orasida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg'un ravishda targ'ib etish ham muhim ahamiyatga ega. Umuman, yoshlarning bilimi va tafakkurini yanada oshirish, huquqiy madaniyatni yuksaltirish ishlarini izchil amalga oshirishimiz lozim.

## Foydalanilgan manbalar / References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022 – 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" 2022-yil 28-yanvardagi PF–60-son farmoni // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022-y., 06/22/60/0082-son, 18.03.2022-y., 06/22/89/0227-son, 21.04.2022-y., 06/22/113/0330-son. https://lex.uz/docs/5841063.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida" 2025-yil 8-noyabrdagi PF–207-son farmoni // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 8.11.2025-y., 06/25/207/1023-son; 29.12.2023-y. https://lex.uz/docs/7818774.

3. Axmedov B.M., Zokirov B.G'. Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qiluvchi uyushgan guruhlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishdagi ayrim muammolar // Ekstremizm, terrorizm, guruhiy va uyushgan jinoyatchilikka qarshi kurash muammolari: Ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2001. – B. 121.

4. Shoimov N.B. Giyohvandlikning oqibatlari va oldini olish // ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE International scientific-online conferen. – B. 173-181.

5. O'razaliyev M. Q.. Jinoyatchilik bilan aloqador bo'lgan ijtimoiy salbiy hodisalarning sabablari va ularning oldini olish: Monografiya. – T.: TDYUU nashriyoti, 2023. – 34-b.

6. Михайлова Ю.В. Международно-правовое регулирование оборота наркотических средств и психотропных веществ: Социальные аспекты здоровья населения. – Москва, 2013. – С.39-46.

7. Фесенко Е.В. Правовые основы противодействия незаконному обороту наркотических средств: Монография / Отв. ред. д.ю.н., проф. А.И.Рарог. –М.: Норма, 2023. –С. 178-179.

8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning "O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qo'yish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta'sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari to'g'risida" 2025-yil 6-maydagi PF-73 son farmoni. https://lex.uz/ru/docs/6912475.

9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida" 2025-yil 3-noyabrdagi farmoni. https://lex.uz/docs/7818774.

# THE EXPERIENCE OF HUNGARY IN COMBATING DRUG ADDICTION AND PSYCHOTROPIC SUBSTANCES: A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS AND IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL STANDARDS INTO THE NATIONAL SYSTEM

# ГИЁҲВАНДЛИК ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ВЕНГРИЯ ТАЖРИБАСИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ҲАМДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ МИЛЛИЙ ТИЗИМГА ЖОРИЙ ЭТИШ




***Prof.Dr.Andrea Domokos***

*Vengriya Karoli Gaspar universiteti Jinoiy-huquqiy fanlar instituti rahbari.*

***Prof.Dr.Andrea Domokos***

*Head of the Institute of Criminal Sciences of Karoli Gaspar University of the Reformed Church in Hungary.*



***Dilmurod Rozmetovich Mahmudov***

*O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodimi, yuridik fanlar doktori (DSc), dotsent.*

***Dilmurod Rozmetovich Mahmudov***

*Senior Researcher, Research Institute of Criminology, Doctor of Law (DSc), Associate Professor.*



***Maqsatullo Ismatovich Makhsadov***

*O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti professori, yuridik fanlar doktori; dotsent.*

***Maqsatullo Ismatovich Makhsadov***

*Professor, University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan; Doctor of Juridical Sciences; Associate Professor.*



***Ilkhom Esanovich Turaev***

*O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodimi, tibbiyot fanlari nomzodi.*

***Ilkhom Esanovich Turaev***

*Independent Researcher, Research Institute of Criminology.*



***Kuziev Dilshod Akhrorovich***

*O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti mustaqil izlanuvchisi.*

***Kuziev Dilshod Akhrorovich***

*Senior Researcher, Research Institute of Criminology, Doctor of Law (DSc), Associate Professor.*

**Abstract.** This article examines the advanced experience of Hungary in combating the illicit trafficking of narcotic drugs and psychotropic substances, alongside the implementation of international legal standards. The study analyzes the evolution of Hungary's drug policy from a liberal approach to the current "zero tolerance" model, which was further solidified by the 2025 "War on Drugs" initiative and constitutional amendments prohibiting drug production, consumption, and promotion. Key components of the Hungarian strategy are explored, including the DELTA program, which grants police sweeping powers to shut down suspected drug dens and seize assets, and the C-Schedule system for the rapid control of New Psychoactive Substances (NPS). Furthermore, the article details "police-led education" prevention models, such as the DADA and ELLEN-SZER programs, which foster trust between law enforcement and youth. Finally, practical recommendations for "New Uzbekistan" are provided, emphasizing digital transformation and rapid assessment mechanisms for synthetic drugs.

**Keywords:** Drug Policy, Zero Tolerance, Hungary, International Standards, New Psychoactive Substances (NPS), Crime Prevention, DELTA Program, Criminal Code, Narcotrafficking, Digital Transformation.

**Аннотация.** Ушбу мақолада Венгриянинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашишдаги илғор тажрибаси ҳамда халқаро ҳуқуқий стандартларни жорий этиш масалалари кўриб чиқилади. Тадқиқотда Венгриянинг гиёҳвандликка қарши сиёсатининг либерал ёндашувдан то ҳозирги "ноль тоқатсизлик" (мутлақо муросасизлик) моделигача бўлган эволюцияси, шунингдек, 2025 йилдаги "Гиёҳвандликка қарши уруш" ташаббуси ҳамда гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва тарғиб қилишни тақиқловчи конституциявий ўзгартиришлар орқали янада мустаҳкамланганлиги таҳлил қилинади. Венгрия стратегиясининг асосий таркибий қисмлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гиёҳвандлик уялари деб гумон қилинган жойларни ёпиш ва мол-мулкни мусодара қилиш бўйича кенг ваколатлар берувчи DELTA дастури, шунингдек, Янги психофаол моддаларни (ЯПМ) тезкор назорат қилишга мўлжалланган C-Жадвал (C-Schedule) тизими ўрганилган. Бундан ташқари, мақолада ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ёшлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи DADA ва ELLEN-SZER каби "полиция иштирокидаги таълим" профилактика моделлари батафсил ёритилган. Хулоса ўрнида, "Янги Ўзбекистон" учун рақамли трансформация ва синтетик гиёҳвандлик воситаларини тезкор баҳолаш механизмларига урғу берилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Гиёҳвандликка қарши сиёсат, мутлақо муросасизлик (ноль тоқатсизлик), Венгрия, халқаро стандартлар, янги психофаол моддалар (ЯПМ), жиноятчилик профилактикаси, DELTA дастури, Жиноят кодекси, наркотрафик, рақамли трансформация.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается передовой опыт Венгрии в борьбе с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, наряду с внедрением международных правовых стандартов. В исследовании анализируется эволюция антинаркотической политики Венгрии от либерального подхода к современной модели "нулевой терпимости", которая была дополнительно закреплена инициативой 2025 года "Война с наркотиками" и конституционными поправками, запрещающими производство, потребление и пропаганду наркотиков. Изучаются ключевые компоненты венгерской стратегии, включая программу DELTA, предоставляющую полиции широкие полномочия по закрытию предполагаемых наркопритонов и конфискации активов, а также систему "C-Schedule" для быстрого контроля новых психоактивных веществ (НПВ).

Кроме того, в статье подробно описываются профилактические модели “обучения с участием полиции”, такие как программы DADA и ELLEN-SZER, которые способствуют укреплению доверия между правоохранительными органами и молодежью. В заключение приводятся практические рекомендации для “Нового Узбекистана” с акцентом на цифровую трансформацию и механизмы быстрой оценки синтетических наркотиков.

**Ключевые слова:** Антинаркотическая политика, нулевая терпимость, Венгрия, международные стандарты, новые психоактивные вещества (НПВ), профилактика преступности, программа DELTA, Уголовный кодекс, наркотрафик, цифровая трансформация.

In the context of globalization and technological transformation, the illicit trafficking of narcotic drugs and psychotropic substances has emerged as one of the most formidable manifestations of transnational organized crime. This threat poses an existential risk not only to national security but also to the social stability of society, public health, and the irreparable degradation of the future generation's gene pool[1]. In the modern world, the Global Drug Policy Index (GDPI) occupies a central role in shaping drug policy by evaluating the compliance of states with international standards[2]. This index reflects the extent to which states have achieved a balance between punitive measures, human rights, public health, and development principles.

### *Analysis of the Global Drug Situation and the Global Drug Policy Index*

The contemporary landscape of global anti-drug policy is undergoing profound transformations. According to data provided by the *United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC),* in 2023, approximately ***316 million people*** (representing 6% of the population aged 15–65) used illicit substances globally. This figure reflects a substantial increase from 243 million over the past decade [4].

In particular, the proliferation of *synthetic opioids and amphetamine-type stimulants (ATS)* is compelling the international community to develop innovative and more robust regulatory and control mechanisms [5].

The *Global Drug Policy Index (GDPI)* evaluates national drug policies based on 75 indicators across five core dimensions. These include: the absence of extreme sentencing, the proportionality of criminal justice responses, the availability of harm reduction services, access to controlled medicines for medical purposes, and socio-economic development [2].

On a global scale, the expansion of the *synthetic drug market* – particularly the emergence of highly potent opioids such as nitazenes and fentanyl – has led to a significant increase in mortality rates [5]. UNODC maps and reports for the 2024–2025 period demonstrate a profound *transformation in drug trafficking routes:* alongside traditional channels, remote trade via the “Darknet” and digital payment systems has surged, now accounting for over 90% of certain market segments [1].

| Indicator | Global Status *(2023–2025)* | Trend |
|---|---|---|
| **Number of Users** | 316 million | **Increasing *(+23% over the last decade)*** |
| **Drug-Related Mortalities** | 450,000<br>*(Based on 2021 data)* | ***Increasing*** |
| **Share of Synthetic Drugs** | 50% of all seizures | ***Sharp Increase*** |
| **Access to Treatment** | 1 in 7 *(men)*, 1 in 18 *(women)* | ***Stagnant / Low Level*** |

## International Control Standards and Their Implementation

The contemporary international legal foundation for drug control is anchored in three primary United Nations conventions. These instruments establish mandatory control standards for member states [8].

### The UN Conventions of 1961, 1971, and 1988:

a) The Single Convention on Narcotic Drugs of 1961 (as amended by the 1972 Protocol): This convention regulates traditional narcotics such as opium, cannabis, and cocaine. Its primary objective is to limit the use of these substances exclusively to medical and scientific purposes [10]. The Convention established a system of **four Schedules (I-IV)**, classifying substances based on their risk level and therapeutic value [12].

b) The Convention on Psychotropic Substances of 1971: This instrument covers synthetic hallucinogens, stimulants, and depressants. In this context, the distinction between "psychotropic" and "narcotic" is legal rather than scientific; for instance, cocaine is regulated by the 1961 Convention, while amphetamine falls under the 1971 Convention [14].

c) The UN Convention against Illicit Traffic in Narcotic Drugs and Psychotropic Substances of 1988: This convention significantly strengthened the criminal law aspect of the control system. It introduced the regulation of *precursors* (chemicals used in the manufacture of drugs), bolstered anti-money laundering measures, and enhanced international legal assistance mechanisms [12].

## Implementation and International Cooperation

Hungary is a party to all of these conventions and has fully implemented their provisions into its national legislation. The Hungarian Government operates in close cooperation with the ***UN Commission on Narcotic Drugs (CND) and the International Narcotics Control Board (INCB) [16].***

## Anti-Drug Policy of Hungary: Historical Evolution and Strategic Approach

Over the past 25 years, Hungary's drug control policy has undergone a significant transformation, shifting from a relatively liberal approach to a rigorous "***zero tolerance***" model. While the period between 2000 and 2009 was characterized by a more progressive policy, repressive measures have gained strategic priority since 2013 [18].

## The "Clear Mind and Sobriety" Strategy (2013–2020)

The National Strategy for a "*Clear Mind, Sobriety, and the Fight Against Drug Crime*" adopted in 2013, is built upon five core values: human dignity and health, individual responsibility, community action, cooperation, and evidence-based science [20]. This policy document defined three primary pillars:

**1. Public Health and Prevention:** Promoting a healthy lifestyle among the youth.

**2. Treatment and Rehabilitation:** Providing medical and social assistance to individuals suffering from drug addiction.

**3. Supply Reduction:** Curbing drug trafficking through intensified law enforcement efforts [21].

Furthermore, while Hungary criminalized drug consumption, it initially maintained a "*diversion*" system – allowing offenders to choose treatment as an alternative to criminal prosecution for minor possession [19]. However, by 2025, this system has also undergone drastic structural changes.

## The Hungarian Criminal Code (Act C of 2012): Offense Categories and Sentencing System

Chapter XVII of the *Hungarian Criminal Code (Act C of 2012)* provides a detailed classification of drug-related offenses. The code mandates stringent penalties not only for the trafficking of illicit substances but also for unauthorized possession and consumption [22].

***Trafficking and Distribution of Narcotic Drugs (Article 176).*** According to this section, the offering, delivery, or distribution of narcotic drugs is punishable by imprisonment ranging from 2 to 8 years [23]. The sentence is aggravated to a range of 5 to 10 years under the following circumstances:

• **Criminal Organization:** If the offense is committed as part of a structured criminal group.

• **Abuse of Official Position:** If committed by a public official or a person performing a public task by exploiting their professional status.

• **Sensitive Locations:** If the offense occurs within the premises of the Armed Forces or law enforcement agencies.

In cases involving *particularly substantial quantities* of illicit substances, the penalty escalates significantly, ranging from *5 to 20 years*, or potentially resulting in *life imprisonment*.

***Possession and Consumption of Narcotic Drugs (Article 178).*** Hungary remains one of the few European Union member states to have re-criminalized drug consumption as a distinct offense, punishable by *up to 2 years of imprisonment* [19]. Article 178 also establishes criminal liability for the production, acquisition, storage, import, and export of illicit substances.

The severity of the penalty is strictly determined by *quantity thresholds*, categorized into four primary tiers under Hungarian law:

**1. Minor Quantity:** Defined as the limit for personal consumption. The penalty is up to 2 years, which is frequently substituted with mandatory treatment *(diversion)* [24].

**2. Basic Quantity:** Punishable by **1 to 5 years** of imprisonment.

**3. Substantial Quantity:** Defined as 20 times the minor quantity. The penalty ranges from **5 to 15 years.**

**4. Particularly Substantial Quantity:** Defined as 200 times the minor quantity. Penalties range from **5 to 20 years, or life imprisonment.**

Notably, under Hungarian jurisprudence, cultivating as few as six cannabis plants can lead to prosecution under trafficking charges [18].

***Protection of Minors (Articles 177 and 179).*** The law provides heightened protection for minors. Any person over the age of 18 who provides drugs to a minor or involves them in drug trafficking faces *5 to 10 years of imprisonment* [23]. Penalties are further aggravated if such acts occur within or near educational or childcare institutions [24].

## Control Mechanisms for New Psychoactive Substances (NPS)

Hungary possesses one of Europe's most sophisticated legal frameworks for combating **"designer drugs"** or **New Psychoactive Substances (NPS)**. Government Decree 66/2012 established a rapid response mechanism to bring emerging substances under immediate control [25].

***Rapid Assessment and Temporary Prohibition.*** Upon the detection of a new substance, the *National Drug Focal Point* convenes an expert panel. If the substance is deemed hazardous, it is placed on the ***"C-Schedule"*** *(provisional list)* [25]. This process is completed within weeks rather than months.

A substance remains on the provisional list for one year (extendable by another year), during which its medical and social risks are thoroughly evaluated before a final decision is made regarding its permanent classification as a **"psychotropic substance"** [21].

***Recent Regulatory Updates (2024).*** In October 2024, amendments to Decree **78/2022** resulted in the immediate ban of *17 new substances*, including *metonitazepyne* and various synthetic cannabinoids [26]. These substances were identified through the EU *Early Warning System (EWS)*, highlighting that their risks are equivalent to those of traditional narcotics.

| Substance Group | Current Status (2024–2025) | Primary Health Threat |
|---|---|---|
| **Synthetic Cathinones** | 33.4 tons of 2-MMC seized (2024) | Cardiovascular failure |
| **Nitazene Opioids** | 7 new variants identified | 100 times more potent than heroin |
| **Synthetic Cannabinoids** | Distributed as "Spice" and in vape forms | Psychosis and aggressive behavior |

**The 2025 "War on Drugs" and the New Legislative Package.** In 2025, the Hungarian government elevated its drug policy to an unprecedented level of rigor. Following the personal initiative of Prime Minister Viktor Orbán, a ***"War on Drugs"*** was officially declared, accompanied by radical legislative amendments [29].

***Constitutional Prohibition.*** On April 15, 2025, the 15th Amendment to the Fundamental Law (Constitution) of Hungary was enacted. This amendment established a constitutional-level norm stating: ***"The production, consumption, distribution, and promotion of narcotic drugs are prohibited in Hungary"*** [19]. The strategic objective of this provision is to create a permanent constitutional barrier against any future liberalization attempts, such as the legalization of cannabis. According to the Ministerial Justification of the 2025 legislative amendment, the Act aims to reorganize and bolster the legal toolkit against narcotics and illicit mind-altering substances. This legislation introduces a modern regulatory foundation for the fight against drug-related crimes. A pivotal element of this reform is the implementation of a legal mechanism that enables the administrative blocking of foreign websites dedicated to drug trafficking. By mandating the restriction of access to electronic data, the state aims to sever the digital supply chains that facilitate the domestic distribution of illegal substances via international web domains.

Under the newly established protocols, the administrative restriction of access to drug-related illicit content must be carried out regardless of whether criminal prosecution is feasible. This ensures that the state can intervene even in the absence of sufficient evidence for a full-scale trial, or when the perpetrator operates under a foreign jurisdiction beyond the reach of Hungarian law, thereby circumventing traditional legal barriers to prosecution. Implementing these measures necessitates a regulatory paradigm shift that moves beyond the traditional scope of criminal justice. Conventionally, law enforcement intervention requires an expert determination that a physical substance is indeed an illegal drug. In contrast, the threshold for content blocking is determined by the informational nature of the digital medium itself. Access is restricted whenever the content serves as a clear gateway to obtaining substances that align with Hungary's list of prohibited narcotics, effectively prioritizing preemptive safety over retrospective chemical analysis.

The regulatory framework has been further strengthened by a new provision mandating the closure of premises linked to drug-related offenses. Specifically, a temporary closure order becomes mandatory if a second narcotic-related crime occurs within a single year in connection with the establishment's operations. Under these circumstances, the legally required duration of closure is strictly defined: it must span at least six months but cannot exceed one year, ensuring a significant deterrent effect against establishments that facilitate the trade of illicit substances.

By striking at the very core of criminal motivation – financial incentives – the broadened rules on asset recovery provide a formidable tool for both specific and general deterrence. When traffickers are stripped of the material wealth that defines the purpose of their enterprise, the legal sanction transcends mere formality and becomes a tangible loss. This uncompromising stance not only reinforces the public's trust in the justice system but effectively dismantles the logistical backbone of the trade. Under the new Section 72(2a) of the Btk. (Criminal Code), the state is empowered to seize any property involved in the illicit trade, ranging from specialized processing equipment and transport vehicles to the real estate used to facilitate the concealment and distribution of narcotics and new psychoactive substances.

**The DELTA Program and Expanded Police Powers.** Launched on March 1, 2025, the "DELTA" Program serves as a ***"formidable instrument"*** for law enforcement in the combat against

drug-related crimes [31]. The program introduces several critical enforcement mechanisms:

**1. Administrative Closure of Premises:** Law enforcement is now authorized to close any commercial establishment (shops, restaurants, or nightclubs) suspected of facilitating drug use or distribution for up to *3 months without a prior court order.* Repeat offenses within a year may lead to closure for up to one year [19].

**2. Public Safety Detention:** Individuals disrupting public order while under the influence of illicit substances can be detained for up to *72 hours* [19].

**3. Asset Forfeiture:** Any property associated with drug trafficking (including vehicles and real estate) is subject to confiscation, even if registered under the name of a third party [31].

**4. Preventive Supervision:** Suspected indi viduals are mandated to maintain regular reporting to the police and cooperate with ongoing investigations [19].

Within the framework of this program, an elite *Narcotics Enforcement Directorate (KBEH)*, comprising 150–210 personnel, was established under the National Police, supported by the specialized *Counter-Terrorism Centre (TEK)* units [29].

**Tightening of Diversion Requirements.** According to legislative amendments effective from June 2025, individuals apprehended with minor quantities of illicit substances can only qualify for diversion (exemption from punishment in exchange for treatment) under a specific condition: they must expose and provide evidence against the dealer who supplied the substances [18]. Furthermore, this opportunity is limited to *twice in a lifetime;* a third offense results in mandatory imprisonment without the possibility of diversion [19].

**Integrated Prevention:** *The Police-Education Partnership Model.* The Hungarian prevention strategy is anchored in a “police-based education” model. Law enforcement officers do not merely function in an enforcement capacity but are actively integrated into the school system as educators [21].

**Analysis of the DADA and ELLEN-SZER Programs**

• **DADA Program:** An acronym for Tobacco *(Dohányzás)*, Alcohol *(Alkohol)*, Drugs *(Drog)*, and AIDS. It is designed for primary school students up to age 14 [21]. The curriculum focuses on developing life skills, including stress management, conflict resolution, and resisting negative peer pressure.

• **ELLEN-SZER (Antidote) Program:** Targeted at students in grades 9–10 *(ages 15–18).* This program utilizes open discussions, role-playing, and forensic case studies to demonstrate the legal and medical consequences of drug use [21]. A unique feature is that lessons are conducted by police officers in civilian clothing to foster trust between the youth and law enforcement.

**The 2025 REDP Framework.** Under the **REDP** *(Rapid Educational Defense Program)* of 2025, 2,200 police officers and hundreds of security personnel have been permanently assigned to schools. Their presence serves as a proactive measure against the infiltration of drug dealers into educational environments [34].

**International Cooperation and Joint Operations.** Given the trans-border nature of narco-trafficking, Hungary maintains active operational ties with Europol and Eurojust. The country plays a pivotal role within the framework of EMPACT *(European Multidisciplinary Platform Against Criminal Threats),* focusing on dismantling synthetic drug production networks and disrupting trafficking routes [21].

**Operations in Southern Europe and the Balkan Route.** Hungary is strategically situated at the intersection of the “Balkan Route” *(the primary corridor for heroin from Afghanistan)* and the “**Southern Route**” *(cocaine from Latin America)* [38].

**Significant successful operations in 2024–2025 include:**

• **Slovakia-Hungary JIT (Joint Investigation Team):** In 2024, Hungarian and Slovak authorities, supported by **Eurojust**, dismantled a criminal network involved in trafficking cocaine

*Researcher at the Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan.*



*Aynidinov Sardor Ikrom o'g'li*

*O'zbekiston Respublikasi IIV Jamoat xavfizligi departamenti mas'ul xodimi.*

*Aynidinov Sardor Ikrom ugli*

*Responsible officer of the Public Safety Department of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada zamonaviy kriminologiyada narkojinoyatlarga qarshi ilmiy tadqiqotlar o'tkazishda qo'llanilayotgan yangi usul va metodlar tahlil qilinib, unda narkojinoyatlarning mazmunan va shaklan murakkablashib borayotgani, xususan ularning transmilliy, yashirin va raqamli ko'rinishlari kuchayib borayotgani sharoitida an'anaviy yondashuvlar yetarli bo'lmay qolayotgani asoslangan. Shu munosabat bilan interdisiplinar, dalillarga asoslangan, raqamli-tahliliy va prognostik yondashuvlarning ilmiy ahamiyati ochib berilgan hamda narkojinoyatlarga oldini olishda doir tadqiqotlar samaradorligini oshirishga bo'yicha ilmiy xulosalar va takliflar ilgari surilgan.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy kriminologiya, narkojinoyatlar, millat genafondi, ilmiy tadqiqotlar, yangi metodlar, interdisiplinar yondashuv, dalillarga asoslangan tahlil, risk assessment, kriminologik prognozlash, raqamli kriminologiya, hududiy monitoring.

**Abstract.** This article analyzes new methods and techniques used in scientific research on drug crimes within modern criminology. It establishes that traditional approaches are becoming insufficient in the context of the growing complexity of drug crimes in both substance and form, particularly with the intensification of their transnational, latent, and digital manifestations. In this regard, the article reveals the scientific significance of interdisciplinary, evidence-based, digital-analytical, and prognostic approaches. It also puts forward scientific conclusions and proposals to increase the effectiveness of research on the prevention of drug crimes.

**Keywords:** modern criminology, drug crimes, national gene pool, scientific research, new methods, interdisciplinary approach, evidence-based analysis, risk assessment, criminological forecasting, digital criminology, territorial monitoring.

Nowadays, drug crimes are manifested as one of the most complex, hidden, and transnational manifestations of modern crime. Their danger is explained not only by drug trafficking, but also by their direct impact on public health, social stability, economic security, youth education, the family environment, and national security. The sharp changes observed in the forms, methods, and organizational mechanisms of drug crimes, especially in recent years, indicate that studying this phenomenon based on traditional approaches is insufficient[1]. The expansion of digital technologies, encrypted communications, social networks, internet platforms, crypto assets, cross-border logistics, and hidden networks is making the detection, analysis, and prevention of drug crimes even more difficult[2].

In such conditions, scientific research aimed at preventing drug crimes must not only describe the circumstances of the crime but also identify its internal mechanisms, social roots, organizational networks, risk factors, and future development trends. This is because drug crime is not a simple criminal phenomenon, but rather a multifaceted and complex, latent, dynamic, and highly adaptable socio-legal process. Therefore, its in-depth study cannot be limited to classical legal or statistical analysis alone. Modern criminology, stemming from this very need, is developing new methods and approaches in scientific research aimed at preventing drug crimes.

From a criminological perspective, drug crimes are distinguished by several important features. First, they often have a high degree of latency, meaning they may not be fully reflected in official statistics. Second, drug crimes are frequently intertwined with other types of offenses, including corruption, illicit arms trafficking, human trafficking, money laundering, and violent crimes. Third, these crimes manifest in various organizational forms, ranging from the individual level to organized criminal groups, regional networks, and transnational criminal chains. Fourth, drug crimes create a field of risk involving youth, the unemployed, socially vulnerable groups, and audiences highly susceptible to the influence of the internet. Consequently, studying them requires not a narrow criminal analysis, but a multifaceted scientific approach.

The ongoing renewal of approaches to the study of drug crimes in modern criminology is directly linked to the transformation of the crime itself. Whereas drug crimes were previously committed mainly through traditional trade channels, clandestine distribution networks, and physical contact, at the present stage, they are becoming more complex, decentralized, and rapidly adaptable through the use of digital tools [3]. In particular, online communication tools, anonymous messengers, cryptocurrency-based transactions, "darknet markets" and technologies that allow for the concealment of one's identity are elevating the fight against drug crimes to a new level, not only practically but also scientifically. This, in turn, creates the need for new methodological solutions.

This need is leading to the formation of new scientific methods and techniques in modern criminology. Specifically, approaches such as interdisciplinary analysis, evidence-based criminology, digital criminology, potential threat analysis, territorial monitoring, criminological forecasting, socio-psychological assessment, and analytical modeling are enabling a deeper and more precise study of drug-related crimes. Such methods serve to identify not only the recorded instances of drug crimes but also their hidden segments, the logic of their distribution, inter-subject connections, geographical distribution, risk levels, and potential future development trends. In this respect, the methodology of scientific research on drug crimes in modern criminology is undergoing a qualitative renewal.

An effective study of modern drug-related crimes yields superior results only when it is conducted not just with classical legal-statistical approaches, but also on the basis of interdisciplinary, evidence-based, digital, and prognostic methods.

Main Part

In modern criminology, the study of crimes related to narcotic drugs and psychotropic substances is becoming increasingly complex. This complexity is primarily explained by the organizational forms of drug crimes, their covert mechanisms, transnational connections, reliance on digital communications, and the expansion of their social base. Whereas in the past, drug crimes were more associated with traditional methods of trade and clandestine distribution, at the present stage, they are taking on a more sophisticated nature.

Of course, the role of classical methods in the study of drug-related crimes cannot be denied. Methods such as statistical analysis, legal characterization, the study of criminal case materials, surveys, and interviews still retain their importance [4]. However, in modern conditions, these methods often only record the external signs of drug crimes and are incapable of fully revealing their internal network-like structures, hidden connections, socio-psychological determinants, and territorial dynamics. For example, simple statistical data may show an increase in the number of drug-related crimes in a certain region, but it does not provide a complete picture of why such an increase is being observed in that specific area, which social groups are at risk, what communication channels are being used for illicit trafficking, or what new forms this process is taking.

Therefore, to study modern drug-related crimes, it is necessary not only to describe them but also to conduct in-depth analysis, develop scientific models, assess risks, and foresee potential changes.

It is precisely at this point that an **interdisciplinary approach** emerges as one of the most significant methodological advantages of modern criminology. Drug-related crimes are simultaneously legal, social, psychological, economic, medical, and information-communication phenomena. Therefore, their complete study is not possible within the framework of a single discipline [5]. While jurisprudence explains the legal nature of crime and accountability mechanisms, sociology reveals the connection between drug crimes and the social environment. Psychology analyzes drug addiction, motivation, and deviant behavior; pedagogy studies risk factors among minors and youth; economics explains the illicit market and the chain of interests; and information technology helps to identify hidden networks in the digital environment. Such a comprehensive approach makes it possible to understand drug crimes not superficially, but in conjunction with their real mechanisms.

One of the most effective directions for scientific research on drug crimes in modern criminology is the **evidence-based approach**. This approach, known as evidence-based criminology, entails developing scientific conclusions and practical recommendations based on verified empirical data rather than subjective assumptions or general perceptions [7]. This is especially important in the field of drug crimes, as most of these offenses are latent, flexible, and rapidly changing in nature. For this reason, it is necessary to jointly analyze official statistics, sociological surveys, anonymous monitoring, criminal case materials, recidivism cases, risk signals in the youth environment, medical and social data, and regional differences. The advantage of an evidence-based approach is that it moves the fight against drug crime away from an emotional or generalized response, transforming it into a management model based on specific facts and indicators.

In such studies, the method of **risk assessment** is of particular importance. In drug-related crimes, risk is formed not only after the crime has been committed but also through a combination of preceding social, psychological, and territorial factors. Therefore, the risk assessment method allows for the identification of at-risk groups, vulnerable areas, population segments with increased social deviation, environments with a growing interest in narcotics,

and individuals with a high probability of recidivism [12]. The strength of this method is that it reinforces a proactive, rather than reactive, approach. That is, it is not limited to response measures after a crime has occurred but enables the early detection of the likelihood of a crime and the ability to influence it. This method is especially effective in studying susceptibility to narcotics among young people, analyzing dangerous content disseminated via the internet, and monitoring warning signs in the social environment.

Another important direction of modern criminology in the study of drug crimes is **digital criminology**. Today, a significant portion of the drug trade and distribution has moved into the virtual space [6]. Anonymous messengers, encrypted correspondence, darknet markets, covert coded advertisements on social networks, the geolocation-based "dead drop" system, and payment methods using crypto-assets have fundamentally changed this field. As a result, relying solely on traditional observation methods in the study of drug crimes is scientifically insufficient. Digital criminology focuses on studying activity in the internet space, the structure of online networks, virtual behavior, digital footprints, and hidden communications, making it possible to understand the real configuration of modern drug crimes. This method is especially important when researching the mechanisms of new-generation drug trafficking.

In this context, **network analysis** is also emerging as one of the new methods for studying drug crimes. Drug-related offenses are often committed not as the activity of a single individual, but in the form of a clandestine network between interconnected entities, intermediaries, suppliers, distributors, financial facilitators, and consumers [10]. Network analysis makes it possible to determine the configuration of these connections, identify central figures, distinguish peripheral participants, and assess the intensity of the connections. While the classic investigative approach often emphasizes an individual or a single episode, network analysis helps to view the crime as an entire system. This is crucial not only from a scientific standpoint but also for improving practical prevention and detection mechanisms.

Among modern methods, conducting **territorial monitoring and forming criminological maps** hold a special place. Drug-related crimes do not manifest uniformly across all regions. Some areas become risk zones due to their proximity to transit routes, others due to a high concentration of socially vulnerable populations, and still others because they are environments where young people gather, entertainment venues, or places with weakened oversight. GIS-based mapping, a method utilizing geoinformation systems, helps to identify the territorial distribution of drug crimes, their concentration in time and space, risk hotspots, and logistical routes [8,9]. Through this method, drug crimes can be viewed not just as general statistics, but as a specific territorial configuration. As a result, preventive measures also become precise and targeted.

The method of **criminological forecasting** is also becoming increasingly important in scientific research on drug-related crimes. Since the drug market is a highly dynamic, rapidly adapting system capable of responding immediately to new situations, studying it through retrospective analysis alone is insufficient. The forecasting method allows for the development of potential future scenarios based on specific trends, risk indicators, demographic changes, digital activity, regional differences, and previous dynamics [11]. The advantage of this is that scientific research begins to answer not only the question, "What happened?" but also, "What might happen in the near future?" This is crucial for proactively planning strategies against drug crime.

Furthermore, **socio-psychological assessment methods** are of particular importance in the study of drug-related crimes. Addiction or interest in narcotic substances is often linked not only to criminal gain but also to psychological instability, identity crises, stress, peer pressure, family problems,

social exclusion, and a lack of purpose in life [13]. Therefore, to effectively research drug crimes, methods such as psychological diagnostics, motivational analysis, the study of behavioral indicators, and assessment of social adaptation levels are necessary. This is of great scientific and practical significance, especially for applying preventive measures and the early identification of at-risk groups among youth.

At this point, a critical issue comes to light: no matter how **advanced modern methods** may be, they may not yield the expected results if they are not adapted to national conditions. Every state has its own unique legal system, social environment, demographic composition, institutional capacities, and criminogenic situation. For this reason, when applying modern criminological methods to research on the prevention of drug-related crimes, the real conditions of Uzbekistan, the specific characteristics of its youth environment, its geographical location, its institutions of social control, and its information space must be given special consideration. Only an adapted approach can transform scientific results into practical value.

Several priority areas can be identified to increase the effectiveness of research aimed at preventing drug-related crimes in the context of Uzbekistan. First, it is necessary to strengthen the interdisciplinary foundation of the research. Second, alongside official statistics, there should be comprehensive use of empirical observations, surveys, data on youth environments, and the results of digital monitoring. Third, GIS mapping, a system of risk indicators, and forecasting models must be put into practice. Fourth, digital analysis methods specializing in the investigation of drug crimes committed via the internet and hidden networks need to be developed. Fifth, it is essential to form clear mechanisms for integrating research findings into prevention programs, educational institutions, the mahalla system, and administrative decisions. Only then will scientific research become a tool that has a tangible impact on real life.

The analysis conducted shows that in modern criminology, using new methods and approaches to study crimes related to narcotic drugs and psychotropic substances can significantly increase the effectiveness of scientific research. Above all, the results confirmed that drug crime now manifests as a multi-layered and constantly transforming phenomenon that can no longer be explained solely by a criminal-legal description. For this reason, while traditional statistical and descriptive approaches are useful to a certain extent in studying them, they cannot fully reveal hidden connections, digital communications, risk groups, socio-psychological determinants, and transnational networks. This situation demonstrated that the need for new methods has moved from being a theoretical issue to a practical necessity.

The research findings also indicated that no matter how advanced modern methods may be, adapting them to national conditions is a crucial issue. During the discussions, the view that mechanically adopting foreign models is not always effective was reinforced. This is because Uzbekistan's legal environment, community relations, the mahalla institution, population composition, youth environment, and information space all have their own unique characteristics. Therefore, modern methods and approaches – especially digital analysis, risk indicators, territorial monitoring, and preventive forecasting mechanisms – will be highly effective when they are implemented in a way that is adapted to local needs and capabilities.

The summarized results showed that in modern criminology, new methods and approaches for scientific research against drug crime are not separate, isolated tools but rather form an interconnected, complex system. The true mechanisms of drug crime can only be deeply revealed when interdisciplinary analysis, an evidence-based approach, digital monitoring, network analysis, territorial mapping, risk assessment, and forecasting are all applied together. Consequently, increasing the effectiveness of

this field is not about introducing a single method, but about modernizing the entire research model.

In general, new methods and approaches in scientific research on drug crime within modern criminology are elevating this field to a new level. They allow drug crime to be viewed not as an accomplished fact, but as a dangerous, covert, networked, and evolving social process. Most importantly, these methods shift the fight against drug crime from a punishment-centered model toward one of prevention, risk assessment, scientific diagnosis, and evidence-based governance. In this sense, new methods are not only a scientific innovation but also an important element in ensuring practical security.

Conclusion. This article provides a theoretical and practical analysis of new methods and approaches used in scientific research on drug-related crime within modern criminology. The analysis demonstrates that crimes involving narcotic drugs and psychotropic substances are no longer simple criminal phenomena. Instead, they manifest as a complex socio-legal process that is highly adaptive, covert, networked, intertwined with the digital environment, and increasingly transnational in nature. Consequently, it is argued that relying solely on traditional legal and statistical approaches for their study is insufficient, both from a scientific perspective and in terms of practical effectiveness.

The research findings confirm that interdisciplinary, evidence-based, digital, analytical, and prognostic approaches are paramount for the effective study of drug-related crime in modern criminology. Specifically, research that integrates jurisprudence, sociology, psychology, pedagogy, economics, and information technology enables a deeper understanding not only of the overt manifestations of drug crimes but also of their internal mechanisms, social roots, at-risk groups, and developmental trends. This indicates that modern criminological research is transitioning from a classical descriptive model to a new stage focused on scientific modeling and predictive risk assessment.

One of the key conclusions substantiated in this article is that evidence-based criminology should be the central methodological principle in scientific research on drug-related crime. Because drug crimes are often covert and highly latent, scientific conclusions about them are reliable only when based not just on official statistics, but on a comprehensive analysis of multi-source empirical data, sociological observations, territorial monitoring, recidivism cases, risk signals within youth communities, and digital footprints. Thus, the robustness of the evidence and empirical foundation becomes a primary criterion for the scientific outcome when studying modern drug-related crime.

At the same time, the analysis revealed the sharply increasing importance of digital technologies and analytical tools. Methods such as digital criminology, network analysis, geoinformational mapping, territorial monitoring, criminological forecasting, and risk assessment have proven to be particularly effective in uncovering new forms of drug-related crime. Using these methods, drug crimes can be studied not as isolated episodes or recorded offenses, but as an integrated process involving dangerous connections, covert logistics, territorial concentration, social vulnerability, and digital activity. This enhances the effectiveness of the research not only theoretically but also practically.

The article also scientifically substantiates another crucial aspect: in research against drug-related crime, it is essential not to simply copy advanced methods but to adapt them to national conditions. This is because every state has its own unique legal system, social environment, demographic composition, cultural characteristics, and criminogenic situation. It has been shown that in the context of Uzbekistan, the most effective approach to increasing the efficacy of scientific research on drug-related crime is to implement modern methods and techniques while considering the specifics of the mahalla environment, youth policy, regional

differences, institutions of social control, and the national characteristics of the digital space. Therefore, an adapted methodology is one of the main prerequisites for achieving high scientific and practical impact.

Based on this article, the following scientific conclusions have been formulated:

• first, modern drug-related crimes, due to their covert, networked, transnational, and digital nature, must be studied using new scientific methods and approaches;

• second, interdisciplinary, evidence-based, and prognostic approaches provide the highest effectiveness in scientific research on drug-related crime;

• third, digital criminology, risk assessment, network analysis, territorial monitoring, and socio-psychological evaluation should form the methodological foundation of modern research;

• fourth, in the context of Uzbekistan, adapting these methods to national needs and capacities is the primary factor in enhancing their practical effectiveness.

In conclusion, the introduction of new methods and techniques for scientific research on drug-related crime within modern criminology is not only a demand of scientific progress but also a necessary condition for ensuring public safety, preventing such offenses, and improving the quality of administrative decisions. When these studies are organized based on modern methodology, they transform into a strategic resource for combating drug-related crime, providing results that are not random or superficial, but rather deeply evidence-based, targeted, and sustainable.

## Foydalanilgan manbalar / References

1. Liebling A., Maruna S., McAra L. (eds.). The Oxford Handbook of Criminology. 7th ed. Oxford: Oxford University Press, 2023.

2. Gadd D., Karstedt S., Messner S. F. (eds.). The SAGE Handbook of Criminological Research Methods. London: SAGE Publications, 2012.

3. Rennison C. M., Hart T. C. Research Methods in Criminal Justice and Criminology. 2nd ed. Thousand Oaks, CA: SAGE Publications, 2022.

4. Miller J. M. (ed.). 21st Century Criminology: A Reference Handbook. Thousand Oaks, CA: SAGE Publications, 2009.

5. Ayres T. C., Ancrum C. (eds.). Understanding Drug Dealing and Illicit Drug Markets: National and International Perspectives. London; New York: Routledge, 2023.

6. Ratcliffe J. H. Intelligence-Led Policing. 2nd ed. London; New York: Routledge, 2021.

7. Ratcliffe J. H. Evidence-Based Policing: The Basics. London; New York: Routledge, 2023.

8. Santos R. B. Crime Analysis with Crime Mapping. 5th ed. Thousand Oaks, CA: SAGE Publications, 2022.

9. Wortley R., Townsley M. (eds.). Environmental Criminology and Crime Analysis. 2nd ed. London; New York: Routledge, 2017.

10. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). World Drug Report 2025. Vienna: United Nations, 2025.

11. European Union Drugs Agency (EUDA). European Drug Report 2025: Trends and Developments. Lisbon: EUDA, 2025.

12. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Crime Prevention Assessment Tool. New York: United Nations, 2010.

13. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Handbook on the Crime Prevention Guidelines: Making Them Work. New York: United Nations, 2010.



# ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МИЛЛИЙ ГЕНОФОНДНИ САҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

# THE SIGNIFICANCE OF COMBATING DRUG ABUSE IN PRESERVING THE NATIONAL GENE POOL


***Хамидов Асилбек Алишер ўғли***

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходим-тадқиқотчиси, капитан*

***Khamidov Asilbek Alisher ugli***

*Research Institute of Criminology research fellow, captain.*



**Аннотация.** мақолада гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи йўналишида кузатилаётган тенденциялар ва уларнинг омиллари, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг оммалашуви, унинг миллат генофонди, демографик хавфсизлик ва жиноятчилик даражасига таъсири комплекс таҳлил қилинади.



**Калит сўзлар:** тенденция, омил, гиёҳвандлик, ёшлар, генофонд, демографик хавфсизлик, наркотик моддалар, профилактика, жиноятчилик.



**Annotation:** the article comprehensively analyzes the trends observed in the illegal trafficking of narcotic drugs, their analogues, or psychotropic substances and their factors, the prevalence of drug addiction among young people, its impact on the nation's gene pool, demographic security, and crime rates.



**Key words:** trend, factor, drug addiction, youth, gene pool, demographic security, drugs, prevention, crime.

Сўнгги йилларда жиноятчилик, унинг сабаб ва омилларига қарши курашиш барча давлатларнинг устувор вазифаларидан бирига айланиб бормоқда. Шу сабабли бу йўналишда катта миқдордаги ресурслар сафарбар этилмоқда.

Гарчи, жиноятларнинг олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бўлса-да, жиноятчилар ҳам, жиноятлар ҳам замон талабларига мослашиб, трансформацияга учраб, янада яширин ва мураккаб кўринишга ўтмоқда. Шундай жиноятлардан бири бу – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидир.

Глобаллашув шароитида гиёҳвандлик муаммоси нафақат тиббий ёки ҳуқуқий, балки ижтимоий-иқтисодий ва демографик хавфсизлик масаласига айланди. Айниқса, ёшлар ўртасида наркотик моддалар истеъмолининг ортиши миллат генофондига, яъни келажак авлоднинг соғлом ва барқарор ривожланишига жиддий таҳдид солмоқда.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) таҳлилларига кўра, айни пайтда дунё миқёсида наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони **316 млн кишини** ташкил этиб, [1] уларнинг асосий салмоғи 18-35 ёш тоифасига тўғри келади.

Ўз навбатида, бу ҳолат ҳар давлат учун миллий генофонд ва демографик барқарорлик нуқтаи назаридан стратегик таҳдид ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Гиёҳвандликка қарши курашиш, унинг ёшлар ҳаётига, жамият хавфсизлигига ва миллат генофондига таъсирини ўрганиш масаласи сўнгги йилларда ҳуқуқшунослик, криминология, тиббиёт ва социология соҳаларидаги тадқиқотларда кенг ёритилмоқда. Мазкур масалага оид илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик нафақат тиббий ёки ҳуқуқий муаммо, балки, ижтимоий-демографик хавфсизликка дахлдор комплекс масала сифатида қаралмоқда.

Аввало, халқаро ташкилотлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар гиёҳвандлик муаммосининг глобал миқёсда кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Хусусан, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан тайёрланган ҳисоботларда наркотик моддалар истеъмолининг глобал тенденциялари, синтетик наркотиклар бозорининг кенгайиши, интернет орқали наркосавдонинг ривожланиши ҳамда ёшлар ўртасида наркотик моддаларга қизиқиш ортиб бораётганлиги қайд этилган. Ушбу ҳисоботларда наркотик моддалар истеъмоли жиноятчилик, соғлиқни сақлаш ва демографик барқарорликка салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида баҳоланади. Шунингдек, мазкур манбаларда профилактика чораларини кучайтириш, рақамли муҳитда наркосавдога қарши курашиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланган.

Миллий даражада ҳам гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликка қарши курашиш масаласи илмий ва амалий жиҳатдан кенг ўрганилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрда қабул қилинган "Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-207-сон фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда гиёҳвандликнинг барвақт профилактикаси, наркожиноятларга қарши жиноий-ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, ёшларни наркотик моддалар таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, "Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025–2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури"да мазкур муаммони ҳал этишнинг институционал ва ташкилий

механизмлари белгиланган. Илмий адабиётларда ушбу дастур наркожиноятчиликка қарши курашишда профилактик ёндашувни кучайтириш, ёшлар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий этиш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Гиёҳвандлик моддаларининг инсон организмига таъсири, табиий ва синтетик наркотикларнинг хавфи ҳамда уларнинг ижтимоий оқибатлари масалалари тиббий-биологик тадқиқотларда ҳам кенг ёритилган. Хусусан, С.Б. Пардаева, Ш.С. Хабибуллаев, М.О. Умирбоева ва Э.Т. Охоновлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда табиий ва синтетик наркотик моддаларнинг турлари, уларнинг инсон организмига физиологик ва психик таъсири ҳамда узоқ муддатли салбий оқибатлари таҳлил қилинган. Муаллифлар синтетик наркотиклар тез таъсир қилиш хусусиятига эга бўлиб, инсон организмида кучли психологик ва жисмоний қарамликни келтириб чиқаришини таъкидлайдилар. Шунингдек, бундай моддаларнинг истеъмоли репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатиши ва ирсий ўзгаришларга олиб келиши мумкинлиги қайд этилган.

Гиёҳвандликнинг жамият тараққиётига таъсирини ўрганишда демографик ва ижтимоий омиллар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Илмий тадқиқотларда гиёҳвандлик ёшлар орасида кенгайиши натижасида меҳнат ресурсларининг камайиши, инсон капитали салоҳияти пасайиши ҳамда жиноятчилик даражаси ошиши мумкинлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назардан, гиёҳвандлик муаммоси демографик хавфсизлик ва миллий генофондни сақлаш билан бевосита боғлиқ муаммо сифатида баҳоланади.

Умуман олганда, таҳлил қилинган илмий ва норматив манбалар гиёҳвандликка қарши курашиш масаласи комплекс ёндашувни талаб қилишини кўрсатади. Илмий адабиётларда мазкур муаммони ҳал этишда профилактика ишларини кучайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий назорат механизмларини такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш муҳим эканлиги таъкидланади. Шу билан бирга, гиёҳвандликка қарши курашиш миллий генофондни сақлаш, демографик барқарорликни таъминлаш ва жамият хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида баҳоланади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятга салбий таъсири, бундай жиноятларнинг сабаб ва омиллари, шунингдек, замонавий тенденциялари ўрганилди. Бу турдаги жиноятларга қарши курашишда мавжуд тизим самарадорлиги тадқиқ қилинди. Таҳлиллар давомида илмий билишнинг тизимли, статистик, омилли таҳлил каби услубларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Охирги йилларда жаҳон наркожиноятлари кесимида юз бераётган тенденциялар Ўзбекистонда ҳам кўзга ташланмоқда. Наркожиноятларнинг ёшлар орасида кенгайиб, оммалашиб бораётганли – шундай тенденциялардан биридир.

Хусусан, **2025 йилда 3 744** нафар *(2024 йилда 3 167 нафар)* **ёшлар**, шу жумладан **111** нафар *(2024 йилда 97 нафар)* **вояга етмаганлар, 59** нафар *(2024 йилда 59 нафар)* **мактаб ўқувчилари, 124** нафар *(2024 йилда 126 нафар)* **талаба**лар томонидан шу турдаги жиноятлар содир этилган.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб **60 фоизини 30 ёшгача бўлган** ёшлар ташкил этиши [2] ҳамда улар ўртасида наркожиноятлар ўсиб бориши давлат олдида ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўришни тақозо этади.

*“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунга кўра, ёшлар деганда – 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаганлар назарда тутилади. Ҳозирда мамлакат аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади.*

Шу мақсадда, давлат раҳбарининг сиёсий

иродаси билан бу йўналишда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2025 йил 3 ноябрь кунги Президент Ш.М. Мирзиёевнинг томонидан Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ва миллат генофондига жиддий таҳдид солаётган гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш ҳамда бунга сабаб бўлаётган уюшган наркожиноятчиликка чек қўйишга қаратилган норматив-ҳуқуқий, тезкор-профилактик ва ташкилий-тарбиявий чоралар комплексини белгилаш, шунингдек, вояга етмаганлар ва ёшларимиз келажагини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан ҳар томонлама асраш – барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларининг долзарб вазифаси эканини алоҳида қайд этиш ҳамда уларнинг бу борадаги масъулиятини тубдан ошириш мақсадида қабул қилинган **“Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-207-сон** фармони [3] бу йўналишдаги янги даврни бошлаб берди.

Мазкур фармон билан **“Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури”** қабул қилинди ҳамда **“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси”** таркиби тасдиқланди.

Қолаверса:

• таълим муассасаларида, ўқувчи ва талабалар орасида психофаол моддаларнинг тарқалишига батамом чек қўйиш, ёшларда гиёҳвандлик иллатига муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш;

• гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар (кейинги ўринларда – гиёҳвандлик воситалари) ноқонуний айланмасига қатъий жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали барҳам бериш, бу борадаги жазо чораларини кескин кучайтириш ҳамда ёшларга нисбатан содир этиладиган наркожиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштириш;

• гиёҳвандлик воситаларини республика чегарасидан олиб кириш йўналишларини, интернет тармоқлари орқали тарқатиш ҳаракатларини, ноқонуний нарколаборатория-ларни ва наркожиноий уюшмаларни, шу жумладан, уларга ҳомийлик (раҳнамолик) қилаётган мансабдор шахсларни аниқлаш, улар фаолиятига чек қўйиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини йўлга қўйиш;

• гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган кимёвий моддалар (прекурсорлар) айланмаси устидан қатъий давлат назоратини ўрнатиш, гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланувчи тиббиёт муассасалари, фармацевтика корхоналари ва дорихоналарнинг фаолиятини назорат қилиш амалиётига рақамли ечимларни жорий этиш;

• аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида гиёҳвандлик ҳамда заҳарвандликни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган манзилли чора-тадбирларни белгилаш – ҳар бир гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш фаолиятини амалга оширишга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг **устувор вазифалари** этиб белгиланди.

Биргина мазкур фармоннинг қабул қилиниши вояга етмаганлар ҳамда ёшларнинг гиёҳвандлик таъсиридан ва шу турдаги жиноятлардан ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг далолати бўлди.

**Миллат генофондини асраш – геосиёсий стратегик вазифа.**

Тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ёки миллат ўзининг узоқ ва барқарор умр кўришини истар экан миллат

генофондини сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади. Ўз навбатида, бу ҳолат объектив заруратдир.

Ривожланган давлатларда, шу жумладан ғарбий европа ва узоқ шарқ минтақаларида аҳоли сонининг камайиши ҳамда кексалар қатламининг ошиб бораётганлиги уларда бир қатор демографик муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Мазкур муаммолар аҳолиси кўп ва ижобий ўсиш тенденцияларига эга Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда кузатилмаётган бўлса-да, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг тарқалиши ва шу турдаги жиноятларнинг содир этилиши кўпайиб бораётганлиги миллат генофондига таҳдид туғдирмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, **генофонд** – миллатнинг асосий ирсий белгилари; бир типдаги организмларга хос бўлган хусусиятлар мажмуаси[4] бўлиб, миллатнинг биологик ва интеллектуал салоҳиятини ифодаловчи асосий омилдир.

Шунга кўра, соғлом ёшлар – соғлом авлод, барқарор иқтисодиёт ва кучли давлат гарови бўлиб, улар ўртасида гиёҳвандликнинг кенг тарқалиши қуйидаги демографик муаммоларни келтириб чиқаради.

Жумладан, соғлом ёшлар улуши камайиб кетади. Бу эса жамиятда носоғлом муҳитни юзага келтириб, келажакда ногирон фарзандлар туғилиши хавфини кескин оширади. Бу эса давлат учун энг қиммат ресурс бўлган инсон ресурсларининг жисмонан ва руҳан заифлашувига олиб келади.

Шунингдек, жиноятчиликнинг занжирли реакцияси кучаяди. Яъни гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш учун ўғрилик, фирибгарлик каби мулкий жиноятларни, шунингдек, қотиллик, қасддан тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, безорлик каби жиноятларни содир этиш эҳтимоли ошади.

Бундан ташқари, ёшларнинг гиёҳвандлик гирдобига тушиб қолиши, давлат учун жамиятнинг энг фаол ва фойдали иш коэффициенти юқори бўлган қатламини "ўйиндан чиқаради". Натижада жамиятга юк бўладиган кераксиз, муомалага лаёқатсиз қатлам шаклланади. Бу эса оила институтининг парчаланишига ҳамда инсон капитали таназзулига олиб келади.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг тарқалиши – миллатнинг келажаги ва генофондига (ирсий захирасига) бериладиган энг оғир зарба бўлиб, миллатнинг биологик сифати пасайиши ва кейинги авлодларнинг яшаб қолиш имконияти хавф остида қолишини англатади.

Бу жараён қандай содир бўлишини қуйидаги асосий йўналишларда ўзида намоён бўлади.

**1. Репродуктив** [5] **саломатлик издан чиқади.** Гиёҳвандлик моддалари инсоннинг кўпайиш тизимига салбий таъсир кўрсатади ва ёшларнинг ҳали шаклланиб улгурмаган организмида гормонал мувозанат бузилади. Бу эса бепуштлик [6] ҳамда инсон ҳужайралари ДНК тузилиши шикастланишига олиб келади.

**2. Ёшлар ўртасида мутациялар ва нуқсонли туғилишлар** кузатилади. Ирсий касалликлар авж олади ва касалликлар авлоддан-авлодга ўтиши кузатилади. Гиёҳвандлик таъсирида ногирон, ақли заиф фарзандлар дунёга келади.

**3. Фарзандлар гиёҳвандлик синдроми** билан туғилади. Бола ҳали туғилмасданоқ гиёҳванд бўлиб қолади ва туғилибоқ – абстиненция [7] ҳолатини бошидан ўтказади. Уларнинг иммунитети ўта паст бўлиб, соғлом авлод бўла олмайди.

**4. Ижтимоий ва маънавий генофонд** заифлашади. Миллат генофонди фақат биологик бўлмасдан, интеллектуал салоҳиятни ҳам ўз ичига олади. Ёшларнинг ақлий заифлашуви натижасида миллатнинг илмий, маданий ва ижодий салоҳияти йўқолади. Тарбия йўқолади. Ота-оналар фарзандларига тарбия бера олмай қолади ва антисоциал хулқ-атворли шахслар кўпайиб бориб, криминал муҳит шаклланади.

**Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга**

**хилоф муомаласи йўналишида кузатилаётган тенденциялар ва уларнинг омиллари.** Дунё миқёсида, қолаверса Ўзбекистонда ушбу турдаги жиноятлар соҳасида қуйидаги тенденциялар кучайиб бормоқда.

**Биринчидан, наркожиноят содир этган ёшларнинг ўсиб бориши.** [8] Айни вақтда, наркожиноятларнинг асосий салмоғи ёшлар томондан содир этилмоқда. Авваллари, бу турдаги жиноятлар ёшлар орасида асосан **истеъмол қилиш** ва **сақлаш** шаклида кўзга ташланган бўлса-да, сўнгги вақтларда ёшлар асосан **етказиб берувчи** сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Бу эса қуйидаги омиллар таъсирида юз бермоқда.

**Психологик омиллар** – стресс, депрессия, ўзини ижтимоий изоляцияда ҳис қилиш ёшларни наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласига интиладиган асосий омиллардан бири саналади.

**Ижтимоий босим** – ёшлар ўртасида тенгдошлар таъсири ва ундови наркотик моддаларни синаб кўришга ва унга қизиқишга сабаб бўлади. Атрофдаги "намунали" тенгдошлар томонидан наркотик моддалар истеъмол қилиниш ёки етказиб берилиши, унинг бошқа танишлари ўртасида ҳам қизиқиш уйғотади.

**Интернет ва ижтимоий тармоқлар таъсири** – телеграмм, инстаграмм каби платформалар наркотик савдоси ва реклама учун қулай майдонга айланаётганлиги, бундай моддаларнинг ноқонуний муомаласини янада осонлаштирмоқда.

**Мисол тариқасида**, муқаддам Тошкентда гиёҳванд моддалар сотиладиган сайтга элтадиган QR-кодли реклама баннери аниқланган эди[9].

**Иқтисодий ва ижтимоий шароитлар** – ишсизлик ва иқтисодий беқарорлик ёшларда "осон даромад" фикри билан ноқонуний савдога жалб этиш хавфини оширади. Яъни, таклиф этилаётган ноқонуний ҳаракат (*наркотик моддани етказиб бериш*)ни содир этиш иқтисодий жиҳатдан жозибадор бўлиб кўринади.

**Иккинчидан, нарко бозорнинг рақамли муҳит орқали кенгайиши.** Наркотик моддаларни жисмоний ҳолатда, қўлдан-қўлга етказиб бериш тобора эскилик сарқити ёки эскирган усулга айланиб бормоқда. Чунончи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги ишларининг фаоллашуви жиноятчилилар орасида ҳам ўзаро ишончга путур етказмоқда. Бу эса уларнинг ўзларини янада кучли ниқобланишига туртки бермоқда. Қолаверса, мазкур ҳолатга қуйидаги омиллар "ижобий" таъсир кўрсатмоқда.

**Ижтимоий тармоқ ёки мессенжерлар орқали онлайн савдо қилиш имкониятининг кенглиги** – тез суратлар билан ривожланиб бораётган рақамли муҳит нарко савдони офлайн моделдан онлайн моделга ўтказмоқда. Жиноятчилар телеграмм, инстаграмм маркетплейслари орқали реклама, қабул ва етказиб беришни йўлга қўймоқда.

**Онлайн савдонинг нисбатан хавфсизлиги – айбдорни топиш имкониятининг пастлиги, анонимликнинг юқорилиги.** Онлайн савдо жиноятчилар учун анонимликни оширади. Чунончи, тўловларнинг "Bitcoin" ёки "Monero" усуллари орқали амалга оширилиши молиявий изни кузатишни, End-to-end encryption (шифрлаш), VPN ва TOR браузерлари, фейк аккаунтлар имкониятлари жиноятчиларни идентификация қилиш имконияти қийинлаштиради.

***End-to-end encryption:*** *бу фақат алоқа қилувчи фойдаланувчилар ("учувчилар") хабарларни ўқий оладиган хавфсиз алоқа тизими, бу хизмат кўрсатувчи провайдерлар, хакерлар ёки учинчи шахслар транзит пайтида маълумотларга кира олмаслигини таъминлайди.*

***Virtual Private Network (VPN):*** *интернетга уланишни шифрлайдиган ва ИП-манзилингизни яшириб, бошқа сервер орқали йўналтирадиган хавфсизлик воситаси. У маълумотларни хакерлардан ҳимоя қилади, жамоат WiFi тармоғида махфийликни таъминлайди ва географик блокланган сайтларга кириш имконини беради.*

***The Onion Router (TOR) браузерлари:*** *прокси-сервер тизими бўлиб, тинглашдан ҳимояланган аноним тармоқ уланишини ўрнатиш имконини беради. Шифрланган маълумотларни узатишни таъминловчи виртуал туннелларнинг аноним тармоғи сифатида кўриб чиқилади. Бу тармоқда даркнетга кириш имкони ҳам бор. Бу аноним мулоқотни ёқиш учун эркин ва очиқ кодли дастур.*

***Фейк аккаунт (сохта профиль)лар:*** *ижтимоий тармоқларда бошқа бир шахс, ташкилот ёки мавжуд бўлмаган шахс номидан очилган профиль.*

**Онлайн савдонинг камхаржлиги** – онлайн моделда сотувчига анъанавий наркосавдога хос логистика, хавфсиз жой, воситачилар керак эмас. Бу харажатларни камайтиради ва даромадни оширади. Бу эса наркотикларнинг нархини янада арзонлаштиришга олиб келади.

**Қисқа вақтда юқори аудиторияга мижозларга эга бўлиш имконияти** – наркотиклар баъзан **"энергетик"**, **"креатив стимулятор"**, **"party drug"** сифатида реклама қилинади. Бу орқали каналлар қисқа вақтда минглаб обуначини тўплаш имконига эга бўлади.

**Учинчидан, етказиб бериш – "закладчик"**[10] **хизматининг авж олаётганлиги.** Наркжиноятчилар сўнги вақтларда, қуйидаги омиллар сабабли "Закладка" усулидан кенг фойдаланишга ўтмоқда:

**Рақамли инфратузилманинг кенгайиши** – телеграмм ва бошқа шифрланган мессенжерлар орқали буюртма қабул қилиш, геолокация юбориш, ботлар орқали автоматлаштиришнинг осонлигида кўзга ташланади. Бунда "Закладчик" харидор билан юзма-юз учрашмайди, буюртма – онлайн, тўлов – криптовалютада, етказиб бериш эса – яширин жойга қўйиб кетиш орқали амалга оширилади.

**Иқтисодий рағбат ва ёшлар оммаси** – ишсизлик, тез даромад иллюзияси, ижтимоий тармоқларда "осон пул" рекрутинг рекламасида намоён бўлади. "Закладчик"лар кўпинча 18–25 ёшда бўлади ва қисқа вақтда юқори даромад ваъдаси билан жиноятга жалб этилади.

**Контактсиз усулнинг криминал самарадорлиги** – юзма-юз алоқанинг йўқлиги, видеокузатувдан қочиш тактикаси, кичик партияларни тезда тарқатиш имконида акс этади. "Закладчик" криминал паст бўғин бўлиб, юқоридаги звеноларни танимайди, фош бўлиш ҳамда занжирнинг узилиш хавфини камайтиради.

**Криптовалюта ва аноним тўловлар** – "Закладчик" ва наркосавдогар ўртасидаги изни яшириш, ниқоблаш имконини беради. Бу эса наркосавдогарларни нисбатан хавфсиз бўлган "закладчик"лардан фойдаланишга ундайди.

**Тўртинчидан, синтетик наркотиклар бозорининг ўсиши.** [11] Наркотик моддаларни табиий усулда етиштириш унинг фош этилишини осонлаштирганлиги сабабли. Масалан, уларни очиқ майдонларда етиштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларни кузатиш имконини беради. Шу билан бирга бошқа бир қанча омиллар уларни синтетик усулда тайёрлашни жозибадор қилади:

**Ишлаб чиқаришнинг соддалиги ва арзонлиги** – синтетик моддалар [12] (метамфетамин, MDMA, синтетик каннабиноидлар, фентанил туркуми) ўсимлик хомашёсига боғлиқ бўлмасдан, уларни айрим муомаласи тақиқланмаган маҳсулотлардан, шу жумладан дорилардан ҳам тайёрлаш имкони мавжуд. Бунда ер, сув, қуёш нури, ўғит каби аграр ресурслар талаб этилмайди. Уйнинг ичида, кичик лабораториялар кўринишида ҳам тайёрлаш имкони мавжуд.

**Юқори фойда имконияти** – синтетик моддаларни тайёрлашда ишлатиладиган хомашё арзон, чакана нарх эса юқори. Чунончи, бир килограмм прекурсордан минглаб доза синтетик моддалар тайёрлаш мумкин. Қолаверса, логистика харажатлари ҳам паст.

**Талабнинг ўсиш тенденцияси** – синтетик аркотиклар энергия берувчи стимуляторлар, стресс ва психоэмоционал босимни камайтиришга ёрдам бериши тўғрисидаги рекламалар уларни ёшлар орасида машҳур қилади. Метамфетамин, экстази каби синтетик каннабиноидлар **клуб маданияти** ва **ёшлар**

**субкультураси** билан кенг боғланмоқда.[13]

*Ёшлар бундай моддаларни **тунги клублар**да, **мусиқий фестивал**лар каби кўнгилочар жойларда истеъмол қилиши ҳолатлари юқори.*

**Қонуний тартибга солишдаги кечикиш** – турли хил формулалардан фойдаланган ҳолда тақиқланган моддалар рўйхатига киритилмаган синтетик наркотик моддаларни яратишнинг кенг имконияти мавжуд. Бундай ҳолатларда тезкор рўйхатга олиш механизмлари йўқлиги такрорлануви қонуний бўшлиқни пайдо қилади.

**Бешинчидан, ёшлар орасида дорихона наркоманиясининг ўсиши.** [14] Дорихоналарда қонуний сотиладиган дори *(оғриқ қолдирувчи, уйқусизлик ва томир тортишишига қарши каби)* воситаларини *(рецептли ёки айрим ҳолларда рецептсиз)* тиббий мақсаддан ташқари, мастлик ёки психоактив таъсир олиш мақсадида мунтазам истеъмол қилиш *(қонуний дори воситаларининг ноқонуний истеъмоли орқали шаклланадиган наркологик ва криминологик муаммо)* ҳолати ошиб бормоқда. Илмий адабиётларда, мазкур феномен турлича талқин қилинган бўлса-да, ушбу тадқиқот доирасида "дорихона наркоманияси"ни қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ:

***Дорихона наркоманияси*** *– бу тиббий муассасалар, хусусан дорихоналар орқали назоратсиз ёки етарли даражада тартибга солинмаган ҳолда тарқатиладиган психоактив хусусиятга эга доривор воситаларни мунтазам ва номувофиқ қўллаш натижасида шаклланадиган моддага қарамлик феномени бўлиб, у жисмоний ва психик тобелик, толерантликнинг ортиши ҳамда абстиненция синдроми билан намоён бўлади.*

Бундай салбий ҳолатларнинг кузатилишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда.

**Қонуний манбанинг мавжудлиги** – модда дорихона орқали, қонуний тартибда сотиб олинади, бироқ, психоактив кайф олиш мақсадида фойдаланилади.

**Хавфсизликка оид хато қараш** – психоактив модда дорихонада сотилганлиги ва тақиқланмаганлиги боис, мижозларда зарарсиз деган нотўғри фикр уйғотади. модда дорихона орқали, қонуний тартибда сотиб олинади,бироқ,психоактивкайфолишмақсадида фойдаланилади.

**Назорат қилиш қийинлиги** – мазкур моддалар рецептсиз ёки рецепт билан берилганда ҳам, уларни тўғри мақсадда ишлатилаётганлигини назорат қилиш имконияти паст.

**Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки,** ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши курашиш – миллат генофондини асрашнинг энг муҳим стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда давлат, жамият ва оила ҳамкорлиги, илмий асосланган профилактика дастурлари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, фақатгина комплекс ва тизимли ёндашув орқали соғлом, интеллектуал салоҳиятли ва барқарор авлодни шакллантириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб, чиқиб қуйидагилар таклиф этилади:

***биринчидан,*** *сўнгги йилларда кўпайиб бораётган граффити-реклама: бинолар деворига нарко-сайтларнинг манзилларини ёзиб кетишни ҳам жиноят тури сифатида қайд этиш ва жавобгарлик белгилаш;*

***иккинчидан,*** *"Дорихона наркоманияси"га қарши курашиш мақсадида таркибида психотроп моддалар бўлган дориларни беришнинг алоҳида тартибини ишлаб чиқиш орқали назоратни кучайтириш;*

***учинчидан,*** *синтетик наркотиклар савдосининг тахминан 90 фоизи виртуал маконда кечишини инобатга олиб, Сингапур тажрибаси асосида "Digital Guardian" – СИ асосидаги киберпатруль тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;*

***Бунда:*** *Telegram ва ижтимоий тармоқлардаги нарко-рекламаларни автоматик блоклайдиган ва тарқатувчининг геолокациясини аниқлайдиган Сунъий интеллект (AI) нейротармоғи ишга туширилади.*

***тўртинчидан,*** *"Генетик паспорт" ва эрта диагностика тизимини ташкил этиш. Яъни,*

*Жанубий Корея тажрибаси асосида олийгоҳ ва мактабларда йиллик тиббий кўрик доирасида “Нейромедиаторлар баланси” тестини ўтказиш. Бу нарко-тест бўлмасдан, бор эътибор организмдаги дофамин ва серотонин даражасини ўлчашга қаратилади. Агар кўрсаткич кескин тушиб кетса, бу шахснинг ё наркотик истеъмол қилаётгани ёки чуқур депрессияда (демак, потенциал истеъмолчи) эканини англатади.*

***бешинчидан,** гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга қарамликдан воз кечиш бўйича маслаҳатлар берувчи, анонимликни таъминлайдиган ва 24/7 соат ишлайдиган ишонч телефонларини ташкил этиш.*

***олтинчидан,** тақиқланган психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва шу доирадаги дорилар ва муомаласи чекланган воситаларни ўз вақтида аниқлашга мақсадида, тадбиркорлик субъектлари бўлган дорихоналарни навбатдан ташқари ва тўсатдан текшириш механизмларини ишлаб чиқиш.*

## Фойдаланилган манбалар / References

1. Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2025 йилги ҳисоботи. UNODC. United Nations. New York, 2025. https://www.unodc.Org/ documents/data-and-analysis /WDR 2025/WDR25B1Keyf indings.pdf
2. Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати Испания ОАВ нигоҳида. Мақола. Дунё ахборот агентлиги. 19.07.2024 й. https://dunyo.info/ uzk/mir-ob-uzbekistane/El-Mundo-Financiero-sistemnye-reformy-v-uzbekistane-priveli-k-znachitelnym-dostizheniyam-v-oblasti-obrazovaniya-duhovnogo-intellektu alnogo-fizicheskogo-i-nravstvennogo-razvitiya-molodezhi
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-207-сон фармони. 03.11.2025 й. https://lex.uz/docs/7818774#7831618
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири. 493-бет. 2018 й. https://izoh.uz/uz/word/genofond
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири. 378-бет. 2018 й. https://izoh.uz/uz/word/reproduktiv
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири. 232-бет. 2018 й. https://izoh.uz/uz/word/bepushtlik
7. Институт прикладной психологии. https://ippss.ru/glossary/abstinenciya
8. “Ўзбекистонда охирги 5 йилда наркобеморлар рўйхатига олинганлар сони 53 фоизга кўпайди” – бош нарколог. Мақола. Дунё ўзбеклари расмий веб-сайти. 02.12.2025 й. https://dunyouzbeklari.com/?p=265599
9. Тошкентдаги баннерда гиёҳванд моддалар сотиладиган сайт реклама қилингани аниқланди. Тезис. Газета. уз расмий веб-сайти. 22.11.2019 й. https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/22/drug-banner/
10. Официальный сайт Муниципального Совета и Местной Администрации ВМО МО сосновское. https://mo-sosnovskoe.ru/profilaktiki-i-inye-napravleniya-deyat/profilaktika-narkomanii-i-tabakokur /profilaktika narkomanii /zakladka-narkotikov-samyj-rasprostranennyj-sposob-sbyta/
11. “Ёшлар орасида “дорихона наркоманияси” кенг тарқалаётганидан ташвишдамиз” – Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази. https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/15/narco/
12. Табиий ва синтетик наркотик воситалар. Зарари ва фойдаларини ўрганиш. Мақола. С.Б. Пардаева. 2025 й. https://cyberleninka.ru/article/n/tabiiy-va-sintetik-narkotik-vositalar-foydasi-va-zararlarini-o-rganish
13. “Тошкентда ўқувчилар орасида синтетик наркотик истеъмол қилиш кўпайяпти” – Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари. Д.Рахимова. 2024 й. https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/19/narco/
14. “Ёшлар орасида “дорихона наркоманияси” кенг тарқалаётганидан ташвишдамиз” – Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази. https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/15/narco

## HUQUQIY, INSTITUTSIONAL VA AMALIY MEXANIZMLAR

## LEGAL, INSTITUTIONAL AND PRACTICAL MECHANISMS

## ЮРИДИЧЕСКИЕ, ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ



# GIYOHVANDLIK VOSITALARI YOKI PSIXOTROP MODDALARNI QONUNGA XILOF RAVISHDA O'TKAZISH YOKI O'TKAZISH MAQSADIDA SODIR ETILGAN BOSHQA HARAKATLAR UCHUN JAVOBGARLIKNI NAZARDA TUTUVCHI QONUN NORMALARINI TAKOMILLASHTIRISH



*Abdurasulova Qumriniso Raimkulovna*

*Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlar doktori, professor.*

*Abdurasulova Kumriniso Raimkulovna*

*Tashkent state university of Law, doctor of law, professor.*



*Rasulev Akbar Alisherovich*

*O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori, dotsent*

*Rasulev Akbar Alisherovich*

*Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, doctor of philosophy (PhD) in law, associate professor.*

# IMPROVING LEGAL NORMS THAT ESTABLISH LIABILITY FOR THE ILLEGAL SALE OF NARCOTIC DRUGS OR PSYCHOTROPIC SUBSTANCES, OR FOR OTHER ACTIONS COMMITTED WITH THE INTENT TO SELL

**Annotatsiya.** Maqola aholi sog'ligini muhofaza qilishning muhimligiga, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda o'tkazish yoki o'tkazish maqsadida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashga qaratilgan jinoiy-huquqiy normalarni yanada takomillashtirish masalalariga bag'ishlangan bo'lib, aksariyat xorijiy davlatlar, xususan, Janubiy Koreya, Turkiya, Rossiya, Ukraina, Ozarbayjon, Gruziya, Armaniston, Qozog'iston Respublikalari jinoyat qonunlarida giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni iste'mol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalar tashkil qilish yoki saqlash uchun javobgarlik normalari, sud-tergov amaliyotida mazkur turdagi jinoyatlarni tergov qilish amaliyoti tahlil qilinib, taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar, o'tkazish maqsadi, iste'mol qilish, bangixona, jinoiy-huquqiy norma.

**Abstract.** This article is dedicated to the importance of protecting public health and to the further improvement of criminal law norms aimed at combating crimes involving the illegal sale of narcotic drugs or psychotropic substances or actions committed with the intent to sell them. It analyzes the norms establishing liability for organizing or maintaining drug dens for the consumption or distribution of narcotic drugs or psychotropic substances within the criminal codes of several foreign countries, including South Korea, Turkey, Russia, Ukraine, Azerbaijan, Georgia, Armenia, and the Republic of Kazakhstan. The article also examines the judicial and investigative practices for this category of crimes and develops relevant proposals and recommendations.

**Keywords:** narcotic drugs, psychotropic substances, intent to sell, consumption, drug den, criminal law norm.

Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda oʻtkazish yoki oʻtkazish maqsadida sodir etiladigan boshqa harakatlar uchun javobgarlik masalasi hozirgi jamiyatning muhim muammolaridan biri hisoblanadi.

Aholini sogʻligini muhofaza qilishning muhimligi giyohvandlik vositalarni yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda oʻtkazish yoki oʻtkazish maqsadida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashga qaratilgan jinoyat-huquqiy normalarni yanada takomillashtirish zaruratini taqozo etadi.

Dastavval, koʻrilayotgan jinoyat tarkibining Jinoyat kodeksida foydalanilgan qonunchilik texnikasiga muvofiqlik masalasiga murojaat qilishimiz zarur.

**Birinchidan,** jinoyat huquqida foydalaniladigan atamalarni tahlil qilish natijasida, Jinoyat kodeksidagi "giyovandlik" soʻzi Oʻzbekiston Respublikasining 1999-yil 19-avgustda qabul qilingan "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida"gi[1] qonunida, Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 12-noyabrda qabul qilgan "Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlarni Oʻzbekiston Respublikasi hududiga olib kirish, undan olib chiqish va tranzit tarzida oʻtkazish tartibini, shuningdek, ularning muomalada boʻlishi yuzasidan nazoratni takomillashtirish toʻgʻrisida"gi [2] qarorida, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining "Oʻzbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qoʻyish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta'sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari toʻgʻrisida"gi [3] farmonida "giyohvandlik" deb yuritiladi.

Qonunchilik texnikasi qoidalariga koʻra, qonun hujjatlarda foydalaniladigan atamalar tegishli huquqiy tizim doirasida bir xil izohlanib qoʻllanilishi lozimligini inobatga olib, Jinoyat kodeksining 19-moddasida, 56-moddasining 1-qismi "o" bandida, 72-moddasining 3-qismida, 127-moddasining 1, 2 va 3-qismining "a" bandida, 207-moddasining 3-qism "b" bandida, 246-moddaning 1 va 2-qismlarida, 261-moddasida, Jinoyat kodeksi Maxsus qism XIX bobning nomida hamda 270, 271, 273–276-moddalaridagi "giyovandlik" soʻzini "giyohvandlik" soʻzi bilan almashtirish maqsadga muvofiqdir.

Ikkinchidan, Jinoyat kodeksi 273-moddasining amaldagi tahriri ikkita mustaqil jinoyat tarkiblarni oʻz ichiga oladi (giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash, tashish yoki joʻnatish, shuningdek, ularni qonunga xilof ravishda oʻtkazish, sotish jinoyati va ushbu vositalarni iste'mol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalar tashkil qilish yoki saqlash jinoyati). Mazkur holatda, bizning fikrimizcha, qonunchilik texnikasi buzilgan, chunki, normativ hujjatning har bir moddasi ichki yaxlit, bir butun xususiyatga ega boʻlib, oʻzida tugallangan fikrni ifodalaydi. Shu sababli, bir-biriga bevosita bogʻliq boʻlmagan normalarni bitta moddada keltirish, normativ hujjat normalari sonini sun'iy ravishda kamaytirish boʻladi. Bundan tashqari, alohida moddani shakllantirishning asosiy belgisi – moddada mujassamlashtirilgan normalarning oʻzaro uzviy bogʻliqligi va aloqasidir.

Agar ikkita yoki bir nechta normalar oʻzaro bogʻliq boʻlsa, bir-birini toʻldirsa va faqatgina birgalikda muayyan masalaga javob bera olsa, ulardan foydalanishda qulaylik yaratish uchun bitta moddada joylashtirish mumkin. Bitta moddada bir nechta normalarni mujassamlashtirish uchun ular mantiqiy aloqador, bir-birini belgilab beruvchi, umumiydan xususiyga borgan boʻlishi lozim [4].

Amaliyot xodimlari oʻrtasida oʻtkazilgan soʻrovnoma natijalariga koʻra, respondenlarning 84 % Jinoyat kodeksining 273-moddasida nazarda tutilgan bangixona tashkil etish yoki saqlash uchun javobgarlikni alohida moddada belgilash maqsadga muvofiqligini bildirishdi.

Aksariyat xorijiy davlatlarning (Koreya, Turkiya, Rossiya, Ukraina, Ozarbayjon, Gruziya, Armaniston, Qozogʻiston) jinoyat qonunlarida giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni iste'mol

qilish yoki tarqatish uchun bangixonalar tashkil qilish yoki saqlash uchun javobgarlik alohida moddalarda nazarda tutilgan.

Yuqoridagilarga asoslanib, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni iste'mol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalar tashkil qilish yoki saqlash uchun javobgarlikni og'irlashtiruvchi va alohida og'irlashtiruvchi holatlarni inobatga olgan holda, quyidagi tahrirda bayon etish maqsadga muvofiq:

**273[1]- modda.** Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalari yoki ularning analoglarini iste'mol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalar tashkil qilish yoki saqlash, shuningdek, bunday maqsadlarda xona taqdim etish.

**Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalari, ularning analoglarini yoki shaxsning aql-idrokiga ta'sir etuvchi boshqa moddalarni iste'mol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalar tashkil qilish yoki saqlash, shuningdek, bunday maqsadlarda xona taqdim etish –**

• *uch yildan besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

**O'sha harakatlar:**

*a) voyaga yetmagan shaxsni jalb qilgan holda;*

*b) bir guruh shaxslar tomonidan oldindan til biriktirib;*

*v) takroran, xavfli residivist yoki ilgari giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatni sodir etgan shaxs tomonidan sodir etilgan bo'lsa, –*

• *besh yildan sakkiz yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

**O'sha harakatlar:**

*a) uyushgan guruh tomonidan yoki uning manfaatlarini ko'zlab;*

*b) o'quv yurtlarida yoki o'quvchilar, talabalar tomonidan o'quv, sport va jamoat tadbirlarini o'tkazish uchun foydalaniladigan boshqa joylarda sodir etilgan bo'lsa, –*

• *sakkiz yildan o'n ikki yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

Uchinchidan, amaldagi Jinoyat kodeksining 273-moddasi 5-qismida giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda sotish uchun javobgarlik belgilangan. Giyohvandlik vositalarni yoki psixotrop moddalarni yoxud ularning analoglarini qonunga xilof ravishda sotish ushbu predmetlarni o'tkazishning eng xavfli shaklini tashkil etib, ular evaziga pul yoki boshqa moddiy qimmatliklarni olishni anglatadi. Ilgari giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda sotganlik uchun javobgarlik Jinoyat kodeksi 272-moddasida nazarda tutilgan edi. Biroq, 1999-yil 20-avgustda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartishlar va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi [5] 832-I-son qonuniga asosan, 272-modda Jinoyat kodeksidan chiqarilib, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda ko'p miqdorda sotish uchun javobgarlik uning 273-moddasi 5-qismida belgilandi. Qonundagi ushbu o'zgarishlar huquqni qo'llash amaliyotida bir qator muammolar paydo bo'lishiga sabab bo'lmoqda. Jumladan, "sotish" va "o'tkazish" tamalarining o'zaro munosabatini aniqlashdagi turli yondashuvlar, mazkur jinoiy-huquqiy normani yagona tushunishdagi qiyinchiliklarga sabab bo'lmoqda. Masalan, amaliyot xodimlari o'rtasida o'tkazilgan anketa-so'rov natijalariga ko'ra, "Fikringizcha, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini sotish Jinoyat kodeksi 273-moddasining qaysi qismi bilan kvalifikatsiya qilinadi?" degan savolga, respondentlarning 48% "miqdoriga qarab Jinoyat kodeksi 273-moddasining tegishli qismi bilan", 38% esa, "sotish faqatgina ko'p miqdorda sodir etilsa, 273-moddaning 5-qismi bilan kvalifikatsiya qilinadi" deb javob berganlar.

Sud amaliyoti o'rganilganda ham giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari bilan sotishdan tashqari ko'p miqdorda qonunga xilof ravishda muomala qilish holatlari turlicha kvalifikatsiya qilinishi kuzatilmoqda. Masalan, fuqaro A. 2023-yil aprel oyining o'rtalarida tarkibida giyohvandlik vositasi bo'lgan

10 tup "kannabis" giyohvandlik oʻsimligini tomorqasidagi makkajoʻxori ekinining orqa tomoniga ekib, parvarish qilib kelgan. Bundan tashqari, fuqaro A. oʻzining jinoiy harakatlarini davom ettirib, tomorqasidagi 10 tup "kannabis" oʻsimligi ichidan 2 tupni ildiz, poya, shoxcha va barglari bilan sugʻurib olib qoʻyib, kelgusida qonunga xilof ravishda sotish yoxud oʻtkazish maqsadida, oʻzi istiqomat qilib kelayotgan uyining tandiri ichiga quritish uchun solib va saqlab kelgan. Ushbu holat 2023-yil 9-avgust kuni huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlari tomonidan aniqlanib, xolislar ishtirokida A.ning tomorqasidan sugʻurib olingan 8 tup, tandir ichiga quritish uchun solib qoʻygan 2 tup, jami 10 tup "kannabis" giyohvandlik oʻsimligi tegishli tartibda ashyoviy dalil sifatida hujjatlashtirib olingan. Ushbu holat boʻyicha oʻtkazilgan tergov harakatlari natijasida A.ga Jinoyat kodeksining 270-moddasi 1-qismi va 25, 273-moddasi 5-qismi bilan ayb e'lon qilinib, ishi sudga oshirildi. Sud hay'ati, sudlanuvchi A.ning taqiqlangan giyohvandlik oʻsimliklarini qonunga xilof ravishda ekib, parvarishda ifodalangan jinoiy harakatlari tergov organi tomonidan Jinoyat kodeksining 270-moddasi 1-qismi bilan toʻgʻri kvalifikatsiya qilingan deb hisoblaydi. Biroq, tergov organi sudlanuvchi A.ning harakatlarini Jinoyat kodeksining 25, 273-moddasi 5-qismi bilan notoʻgʻri kvalifikatsiya qilingan deb topib, uning qilmishini 73-moddaning 2-qismi bilan qayta kvalifikatsiya qildi [6].

Koʻrilayotgan moddaning amaldagi tahririga koʻra, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari aybdor shaxs tomonidan koʻp miqdorda hadya etilsa, qarz evaziga berib yuborilsa yoki boshqa (sotishdan tashqari) shakllarda oʻtkazilsa, qilmish Jinoyat kodeksi 273-moddasining ikkinchi qismi bilan kvalifikatsiya qilinishi nazarda tutiladi.

Fikrimizcha, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini noqonuniy oʻtkazish harakatlari uchun javobgarlik ularning miqdoridan kelib chiqib differensiatsiya qilinsa, yuqorida koʻrsatilgan muammo hal etiladi. Xorijiy tajribani oʻrganish shuni koʻrsatadiki, bunday qonunchilik tuzilish Rossiya [7], Ukraina [8], Gruziya [9], Ozarbayjon [10], Armaniston [11], Qozogʻiston [12] jinoyat kodekslarida qoʻllaniladi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, Jinoyat kodeksi 273-moddasining 5-qismidagi "sotish" atamasi "oʻtkazish" atamasi bilan almashtirilib, shu bilan birga giyohvandlik vositalarni, psixotrop moddalarni ularning analoglarini oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda koʻp miqdorda tayyorlash, olish, saqlash, tashish yoki joʻnatish, shuningdek, ularni koʻp miqdorda qonunga xilof ravishda oʻtkazish uchun javobgarlik belgilash maqsadga muvofiq.

Toʻrtinchidan, oxirgi yillarda giyohvandlik vositalarni, psixotrop moddalarni, ularning analoglarini, yangi psixofaol moddalarni "sotuvchi" va "xaridor" oʻrtasida bevosita jismoniy aloqa bogʻlanmasdan sotish usullari koʻpayib bormoqda. Bugungi kunda kompyuter texnologiyalari va telekommunikatsiya tizimlaridan keng foydalanish, ular asosida global kompyuter tarmoqlarini yaratish, "kibermakon" orqali jinoyat sodir etish holatlari koʻp kuzatilmoqda.

Zamonaviy kompyuter texnologiyalari va telekommunikatsiya tizimlarining hayotning barcha sohalardagi ijtimoiy munosabatlarda keng qoʻllanilishi, ular asosida global kompyuter tarmoqlarning yaratilishi, "kibermakon"dan giyohvandlik vositalari va ularning analoglarini tarqatish uchun faol foydalanishga sabab boʻldi.

Ushbu jinoyatlarni sodir etishda Internet va umuman axborot-telekommunikatsiya texnologiyalaridan keng foydalanish, jinoiy niyatni tez va anonim tarzda amalga oshirish imkonini beradigan tarmoqlar uzoqligi, shaxsni aniqlash imkoni yoʻqligi, yagona nazorat mavjud emasligi, yuqori latentligi, transmilliy xususiyatga egaligi va boshqalar bilan bogʻliqdir.

Kibermakondan foydalanish orqali giyohvandlik moddalarini sotish uchun jinoiy javobgarlikni belgilash bir qancha muhim asoslarga ega:

***Birinchidan,*** kibermakon jinoyatchilarga geografik cheklovlarsiz keng auditoriyani qamrab olish

imkonini beradi. Bu jiddiy ijtimoiy muammolarga, jumladan giyohvandlik, jamoat tartibini buzish va aholini sogʻligi uchun yuqori xavf tugʻdiradigan giyohvandlik vositalarining ommaviy tarqalishiga sabab boʻladi.

***Ikkinchidan,*** virtual makon giyohvandlik vositlarini gʻayriqonuniy oʻtkazish bilan shugʻullanuvchilar uchun yuqori darajadagi anonimlikni taʼminlaydi. Onlayn huquqbuzarlarni kuzatish va aniqlash murakkab boʻlib, maxsus koʻnikmalar va resurslarni talab qiladi.

***Uchinchidan,*** kibermakonda giyohvandlik vositalarining noqonuniy savdosi hukumatlar va hokimiyat organlarining giyohvandlik vositalariga qarshi kurash va huquqni muhofaza qilish organlarining saʼy-harakatlariga putur yetkazadi. Bu boshqa turdagi jinoyatlar va qonunbuzarliklar uchun asos boʻlishi mumkin.

Yuqoridagilar giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini Internet va telekommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda qonunga xilof ravishda oʻtkazish jinoyatlariga huquqiy javob berishning dolzarbligini belgilab, amaldagi Jinoyat kodeksining 273-moddasiga giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini telekommunikatsiya tarmoqlaridan, shuningdek, Internet jahon tarmogʻidan foydalanib qonunga xilof ravishda oʻtkazishni javobgarlikni ogʻirlashtiruvchi holat sifatida belgilashni taqozo etadi.

Shu bilan birga, ushbu holatlarni kvalifikatsiya qilishda, ayniqsa, nazorat ostida olish tezkor-qidiruv tadbiri oʻtkazilgan vaqtida, jinoyatni tugallanish vaqtini toʻgʻri aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. Yuridik adabiyotlarda ayrim mualliflar giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini "nazorat xarid" tadbirida sotib olish holatida "sotuvchi"ning harakatlarini tugallangan jinoyat sifatida baholashadi. Ularning fikricha, bunday hollarda "sotuvchi" jinoyat predmetini oʻtkazish uchun oʻziga bogʻliq barcha xatti-harakatlarni amalga oshirgani bois, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari noqonuniy muomala chiqib ketgan yoki chiqib ketmaganligidan qatʼi nazar, jinoyat tugallangan hisoblanadi [13]. Ayrim xorijiy davlatlarning sud amaliyoti ham giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini qonunga xilof ravishda oʻtkazish uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi moddaning dispozitsiyasida zaruriy belgi sifatida jinoiy oqibat belgilanmaganligi tufayli, yuqorida koʻrsatilgan holatlarni jinoyat subyekti tomonidan sotib oluvchi olishi uchun barcha xatti-harakatlarni bajarishi vaqtidan jinoyat tugallangan deb hisoblashni tavsiya etadi [14].

Mamlakatimiz sud-tergov amaliyoti tahlillari natijalariga koʻra, mazkur masala boʻyicha yagona yondashuv mavjud emasligi aniqlandi [15]. Masalan, fuqaro X. 2024-yilning 21 aprel kuni Qoʻqon shahrining Fitrat koʻchasi 9-uy oldida boshqa shaxs bilan oldindan jinoiy til biriktirib, koʻp miqdordagi (49,72 gramm) "gashish" giyohvandlik vositasini 8.000.000 soʻm evaziga "maxsus xaridor"ga qonunga xilof ravishda sotayotganda Qoʻqon shahar IIB JQB xodimlari tomonidan oʻtkazilgan "Nazorat xarid" tadbirida qoʻlga olingan. Ushbu jinoyat ishi 2024 yil 21 noyabr kuni Qoʻqon shahar sudi tomonidan koʻrib chiqilib, sudlanuvchi fuqaro X. Jinoyat kodeksining 25, 273-moddasi 5-qismida nazarda tutilgan, yaʼni giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda koʻp miqdorda sotishga suiqasd qilish jinoyatini sodir etganlikda aybli deb topilgan [16].

Shuningdek, sudlanuvchi U. giyohvandlik vositasini oʻzgaga sotish va oson daromad olish maqsadini koʻzlab, 2023-yil 1-sentyabr kuni soat 20.00 larda Jizzax shahar Obod MFY hududida tanishi Sh. bilan jinoiy til biriktirib, bir guruhga birlashib, unga 4 dona qora rangli polietilen paket boʻlaklariga oʻralgan, saqichsimon, yopishqoq, egiluvchan, plastilinsimon holdagi, malla-qoʻngʻir rangli moddani, sudga oid kimyoviy ekspertizaning 2023-yil 7-sentyabrdagi 668-sonli xulosasiga koʻra, koʻp miqdordagi (2,9 gramm) "gashish" giyohvandlik vositasini sotgan.

Sudlanuvchi Sh., oʻz navbatida, ushbu koʻp miqdordagi (2,9 gramm) "gashish" giyohvandlik

vositasini Jizzax viloyat IIB xodimlari tomonidan 2023-yil 6-sentyabr kuni oʻtkazilgan “Nazorat ostiga olish” tadbiri davomida, shartli xaridorga Jizzax shahrining Toshloq MFY hududida 1.600.000 soʻmga sotayotgan vaqtida ashyoviy dalillar bilan ushlangan. Dastlabki tergov yakunida Sh.ga nisbatan Oʻzbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 273-moddasi 5-qismida nazarda tutilgan jinoyatni sodir qilganlikda ayb e’lon qilingan[17].

Bizning fikrimizcha, Jinoyat kodeksining 273-moddasida nazarda tutilgan jinoyat oʻz tuzilishiga koʻra formal tarkibli jinoyat boʻlganligi sababli, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini qonunga xilof ravishda oʻtkazish (sotish) harakatlari ushbu vosita yoki moddalarning qonunga xilof ravishda muomalaga chiqib ketgan-ketmaganligidan qat’i nazar, ularni bevosita topshirish, shu jumladan nazorat ostida olish vaqtida, shuningdek, sotib oluvchi (xaridor) tomonidan olingan-olinmaganligidan qat’i nazar, shartlashilgan (saqlanadigan) joyga qoʻyilgan vaqtdan tugallangan hisoblanadi.

Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini muayyan joyga qoʻygan va ular saqlanayotgan joyni xaridorga shaxsan yoki vositachi (tarqatishni muvofiqlashtiruvchi shaxs) orqali bildirgan shaxsning xatti-harakati xaridor ushbu vositalarni yoki moddalarni olgan-olmaganligidan (masalan, qoʻlga olingan, olish fikridan qaytgan yoki tasodifiy shaxs tomonidan olib ketilgan) qat’i nazar, tugallangan oʻtkazish sifatida kvalifikatsiya qilinadi.

Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari saqlanadigan joyga qoʻyilgan boʻlsa-da, lekin, ularning saqlanadigan joyi toʻgʻrisida na xaridorga, na tarqatishni muvofiqlashtiruvchi shaxsga xabar berilmagan boʻlsa, qilmish giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini oʻtkazishga suiqasd sifatida kvalifikatsiya qilinadi. Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari saqlanadigan joyi toʻgʻrisidagi xabar faqat ularni tarqatishni muvofiqlashtiruvchi shaxsga berilgan boʻlsa, lekin, xaridorga yetib bormagan boʻlsa, bunday harakatlar ham oʻtkazishga suiqasd qilish hisoblanadi. Bundan tashqari, agar aybdor shaxs xaridor bilan saqlash joyi toʻgʻrisida oldindan kelishib olgan boʻlsa, biroq oʻziga bogʻliq boʻlmagan sabablarga koʻra jinoyat predmetlarini saqlash joyiga qoʻymagan boʻlsa, uning bu qilmishi ham oʻtkazishga suiqasd sifatida kvalifikatsiya qilinadi.

Bundan tashqari, Jinoyat kodeksining amaldagi 273-moddasi murakkab tuzilganligi sababli, uni qoʻllashda muayyan qiyinchiliklar vujudga kelmoqda. Jumladan, moddaning ikkinchi qismi birinchi qismga, uchinchi qismi birinchi va ikkinchi qismlariga, toʻrtinchi qismi esa ikkinchi va uchinchi qismlariga havola qilishi, koʻrilayotgan jinoyatning mazmuni va belgilarini aniqlashni ancha murakkablashtirmoqda. Oʻtkazilgan anketa-soʻrov natijalariga koʻra, amaliyot xodimlarning 72 % Jinoyat kodeksining amaldagi 273-moddasi murakkab tuzilganligini va uni soddalashtirish zaruratining mavjudligini qayd etganlar.

Yuqoridagilarni inobatga olib, Jinoyat kodeksi Maxsus qismi aksariyat moddalarining tuzilishida foydalanilgan qonunchilik texnikasiga amal qilgan holda hamda koʻrilayotgan moddani qoʻllashda mavjud boʻlgan qiyinchiliklarni bartaraf etish maqsadida, shuningdek, tadqiqot natijasida shakllantirilgan taklif va tavsiyalarni hisobga olib, Jinoyat kodeksining 273-moddasini quyidagi tahrirda bayon etish maqsadga muvofiq:

***273-modda. Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash va boshqa harakatlar qilish, shuningdek, ularni qonunga xilof ravishda oʻtkazish.***

*Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarini oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash, tashish yoki joʻnatish, shuningdek, ularni qonunga xilof ravishda oʻtkazish –*

*• uch yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash yoki uch yildan besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

*O'sha qilmishlar ozginadan ko'proq miqdorda sodir etilgan bo'lsa, –*

*• besh yildan yetti yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

*O'sha qilmishlar:*

*a) takroran, xavfli residivist yoki ilgari giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilish bilan bog'liq jinoyatni qasddan sodir etgan shaxs tomonidan;*

*b) bir guruh shaxslar tomonidan oldindan til biriktirib;*

*v) ozodlikdan mahrum qilish tariqasidagi jazoni o'tash joylarida;*

*g) o'quv yurtlarida yoki o'quvchilar, talabalar o'quv, sport va jamoat tadbirlarini o'tkazadigan boshqa joylarda;*

*d) telekommunikatsiya tarmoqlaridan, shuningdek, Internet jahon axborot tarmog'idan foydalanib sodir etilgan bo'lsa, –*

*• yetti yildan o'n yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

*O'sha qilmishlar:*

*a) laboratoriyalarda yoxud o'zganing mulki hisoblangan vositalar va asbob-uskunalardan foydalangan holda;*

*b) o'ta xavfli residivist tomonidan;*

*v) uyushgan guruh tomonidan yoki uning manfaatlarini ko'zlab sodir etilgan bo'lsa, –*

*• o'n yildan o'n besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

*Ushbu moddaning birinchi qismida nazarda tutilgan qilmishlar ko'p miqdorda sodir etilgan bo'lsa, –*

*• o'n yildan yigirma yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.*

*Ushbu moddaning birinchi qismida nazarda tutilgan qilmishlarni sodir etgan shaxs o'z ixtiyori bilan aybini bo'yniga olish to'g'risida hokimiyat organlariga arz qilsa va giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalarni yoki ularning analoglarini topshirsa, jazodan ozod qilinadi.*

## Foydalanilgan manbalar / References

1. [Elektron manba]. Kirish yo'li: https://lyex.uz/docs/86044 (Murojaat qilingan sana: 12.02.2025).
2. [Elektron manba]. Kirish yo'li: https://lyex.uz/docs/2815340 (Murojaat qilingan sana: 12.02.2025).
3. [Elektron manba]. Kirish yo'li: https://lyex.uz/docs/6912475 (Murojaat qilingan sana: 12.02.2025).
4. Najimov M.K., Saydullayev Sh.A. Qonunchilik texnikasi: O'quv qo'llanma. – T.: TDYUI, 2008. – B. 79.
5. "O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartishlar va qo'shimchalar kiritish to'g'risida" O'zbekiston Respublikasining 1999-yil 20-avgustdagi 832-I-son qonuni [Elektron manba]. Kirish yo'li: https://lyex.uz/docs/44853 (Murojaat qilingan sana: 12.02.2025).
6. Pastdarg'om tumani jinoyat ishlari bo'yicha sudining 1-1413-2302/325-son jinoyat ishi bo'yicha hukmi [Elekron manba]. Kirish yo'li: https:// https://public.sud.uz/report/CRIMINAL <https://public.sud.uz/> (murojaat sanasi: 8-oktyabr 2024-y.).
7. **Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.02.2025 г.). УРЛ:** хттпс://онлинэ.закон.кз/Досумэнт/?дос_ид=30397073
8. **Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-ИИИ** *(с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.06.2020 г.).* УРЛ: хттп://сонтинэнт-онлинэ.сом/Досумэнт/?дос_ид=30418109#пос=2633;-45
9. Уголовный кодекс Грузии от 22 июля 1999 года (Контрольный текст по состоянию на 1.10.2019г.). УРЛ: https://матснэ.гов.гэ/ру/досумэнт/виэw/16426?публисатион=212
10. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.12.2024 г.) УРЛ: хттпс://сонтинэнт-онлинэ.сом/Досумэнт/?дос_ид=30420353
11. Уголовный кодекс Армении (с изменениями и дополнениями по состоянию на 23 декабря 2022 г.). УРЛ: https://hrlib.kz/досумэнт/176585
12. Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.03.2025 г.). УРЛ: **хттпс://онлинэ.закон.кз/Досумэнт/?дос_ид=31575252**
13. Бугера Н.Н. Сбыт наркотических средств через тайники-закладки: правоприменительный аспект/Вестник Волгоградской Академии МВД России №1 (64) 2023, – С. 20.
14. Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 15 июня 2006 года "О судебной практике по делам о

# КРАТКОСРОЧНОЕ ЛИШЕНИЕ СВОБОДЫ: РЕШЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ

# SHORT-TERM IMPRISONMENT: SOLVING THE PROBLEM




***Якубов Александр Санджарович***

*Заслуженный юрист Республики Узбекистан, профессор, доктор юридических наук.*

***Yakubov Alexander Sanjarovich***

*Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan, Professor, Doctor of Law.*

***Азим Шухрат Обид ўғли***

*Заместитель начальника Исследовательского института криминологии Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам.*

***Azim Shuhrat Obid ugli***

*Deputy Head of the Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law.*





**Аннотация.** В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты института краткосрочного лишения свободы в уголовном праве Республики Узбекистан. Автор анализирует историю формирования минимальных сроков лишения свободы в отечественном и советском уголовном законодательстве, обращая внимание на законодательные изменения, понизившие минимальный срок до одного месяца. На основе анализа норм Уголовного и Уголовно-исполнительного кодексов выявляются противоречия и дискуссионные вопросы, связанные с эффективностью исправительного воздействия при краткосрочной изоляции осужденных. В статье обосновывается нецелесообразность чрезмерно коротких сроков лишения свободы ввиду отсутствия достаточного времени для реализации воспитательно-исправительных мероприятий и предлагается восстановление наказания в виде ареста как альтернативной меры. Сделаны выводы о необходимости совершенствования уголовного законодательства с учётом принципа гуманизма и дифференциации наказаний в зависимости от степени общественной опасности преступления и личности виновного.



**Ключевые слова:** лишение свободы; краткосрочное наказание; исправительное воздействие; арест; уголовное законодательство; эффективность наказания; гуманизм; уголовно-исполнительное право; ресоциализация; уголовная политика Республики Узбекистан.

Лишение свободы является одним из наиболее тяжких наказаний и применяется в случаях, когда виновного необходимо подвергнуть принудительно-исправительному воздействию в условиях изоляции его от общества. Следовательно, основным содержательным сущностным элементом наказания в виде лишения свободы является изоляция осужденного от общества. Это позволяет осуществлять необходимую защиту общества от новых преступлений со стороны лиц, лишённых свободы и исключает их негативное воздействие на других граждан. Лишение свободы, как и любое другое наказание, имеет целью охрану позитивных общественных отношений, предупреждение преступлений как со стороны осужденных, так и других законопослушных граждан, воспитание граждан в духе соблюдения Конституции, законов республики, повышение уровня правосознания и правовой культуры. Лишение свободы, как правило, применяется к лицам, совершившим тяжкие и особо тяжкие преступления, допустивших множественность преступлений, лицам с рецидивной установкой, свидетельствующей о стойком социально-психологическом отклонении в сторону криминального образа жизни, не желания и не восприятия законопослушного поведения. Это наказание может быть назначено судом только в тех случаях, когда оно непосредственно предусмотрено в санкции статьи, части статьи Особенной части Уголовного кодекса, по которой осуждается виновное лицо.

В соответствии со ст. 50 УК лишение свободы состоит в изоляции осужденного от общества посредством помещения в колонию по исполнению наказаний или тюрьму.

Лишение свободы назначается только в качестве основного вида наказания и в пределах сроков, указанных в санкции статьи, по которой квалифицировано преступление.

В соответствии с установлениями действующего уголовного закона (ст. ст. 50, 51 УК) следует выделить три разновидности лишения свободы, в зависимости от длительности изоляции:

1. лишение свободы на определённый срок (ст. 50 УК);
2. лишение свободы на длительный срок (ст. 50 УК);
3. пожизненное лишения свободы (ст. 51 УК).

Наказание в виде лишения свободы на определённый срок назначается на срок от одного месяца до двадцати лет включительно (ч.2 ст. 50 УК).

Вместе с тем из этого общего правила предусмотрены исключения, вытекающие из содержания других видов наказаний, на что обращает внимание Верховный суд Республики Узбекистан в п.27 постановления Пленума № 1 от 3 февраля 2006 года “О практике назначения судами уголовных наказаний”, в котором определяется, что наказание в виде лишения свободы может быть назначено в порядке замены наказания: а) в виде обязательных общественных работ в случаях, предусмотренных частью пятой статьи 45[1], – на срок менее одного месяца; б) в виде исправительных работ в случаях, предусмотренных частью четвёртой статьи 46 УК, – на срок менее одного месяца.

Осужденным к лишению свободы двум категориям лиц: а) лицам старше 60 лет; б) женщинам – срок наказания не может превышать двух третей максимального срока лишения свободы, предусмотренного соответствующей статьей или частью статьи Особенной части Уголовного кодекса (ч.6 ст. 50 УК). При назначении кратких сроков – менее одного года лишения свободы Верховный суд рекомендовал судам исходить из совокупности всех обстоятельств дела, личности виновного и мотивировать в приговоре невозможность применения наказания, не связанного с лишением свободы.

В соответствии с редакцией УК 1994 г. часть вторая ст. 50 устанавливала диапазон сроков от шести месяцев (минимальный срок) до двадцати лет (максимальный срок). В соответствии с Законом (№ЗРУ-421) Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительного мер по обеспечению гарантий надёжной защиты прав и свобод граждан"[1] минимальный срок наказания в виде лишения свободы понижен с шести месяцев до одного месяца.

Установление в действующем уголовном законодательстве минимального срока лишения свободы в один месяц вновь актуализирует одну из дискуссионных проблем теории наказания – эффективности и целесообразности краткосрочного лишения свободы.

Исторический экскурс, в соответствии с предложенной в специальной литературе этапизацией развития уголовного законодательства[2], позволяет установить, что в узбекистанском уголовном законодательстве устанавливались различные минимальные сроки лишения свободы. Так, в первом относительно систематизированном уголовно-правовом документе "Руководящих начал по уголовному праву Туркестанской Республики Российской Социалистической Федерации", принятым в 1920 году и действовавших на территории современного Узбекистана минимальный предел лишения свободы не определялся, что означало возможность его исчисления и месяцами, и сутками. Такое законодательное решение было вполне объяснимо, поскольку названный документ в основных положениях совпадал и текстуально дублировал "Руководящие начала по уголовному праву РСФСР" 1919 года, в которых также отсутствовало определение минимального срока лишения свободы.

В уголовном кодексе РСФСР 1922 г., который в дополненном виде был введён в действие на территории Туркестанской АССР с 21 июля 1922 г., на территории Бухарской Народной Республики с февраля 1924 г., на территории Хорезмской Народной Республики с октября 1924 г. и переведён на узбекский язык в октябре 1922 г. минимальный срок лишения свободы был установлен в шесть месяцев. В 1923 г. этот срок был сокращён до одного месяца, а в 1924 г. понижен до семи дней.

В первом уголовном кодексе Узбекской ССР, принятом 16 июня 1926 г. и введённом в действие постановлением Президиума ЦИК Советов Узбекской ССР 1 июля 1926 г.[3] до 1930 г. минимальный срок не был определён, т.е. фактически составлял один день. Такое положение было обусловлено тем, что в основу Общей части УК УзССР 1926 г. легли "Основные начала уголовного законодательства Союза СССР и союзных республик" 1924 г., где минимальный срок лишения свободы не был установлен.

Несмотря на то, что в ч.1 ст. 31 УК 1926 г. определён минимальный срок лишения свободы от одного года, в части 3 этой статьи было установлено, что "лишение свободы в общих местах заключения устанавливается на срок до трех лет", а в примечании к этой статье определено, что "для состоящих на непрерывной службе в частях Рабоче-крестьянской Красной Армии военнослу-

[1] См.: Якубов А.С. Этапы развития уголовного законодательства: В кн.: Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: Академия МВД республики Узбекистан, 1996 г. – С.11-24.

[2] Якубов А.С., Азим Ш.О. Уголовно-правовой комплекс отраслей права по борьбе с преступностью. Том I. Уголовное право Узбекистана: история и реальность юридической науки и законотворческой практики. Предпосылки и основание уголовно-правовой реформы – Т., 2025. – С. 16-27.

[3] См.: СУ УзССР, 1926, № 1-2, ст.54.

жащих кадров Рабоче-крестьянской Армии рядового и младшего начальствующего состава срочной службы лишение свободы устанавливается на срок от семи дней до десяти лет".

В "Основах уголовного законодательства Союза ССР и союзных республик" (декабрь 1958 г.) минимальный срок лишения свободы не был указан, а в Уголовном кодексе Узбекской ССР (21 мая 1959 г.) в статье 23 минимальный срок лишения свободы был определён в три месяца.

В УК 1994 г. как уже выше было отмечено минимальный срок в части 1 ст. 50 был определён в шесть месяцев. Такое решение было вполне обосновано, поскольку в систему наказаний был введён новый вид наказания в виде ареста, применение которого было целесообразно в случаях совершения, как правило, преступлений, не представляющих большой общественной опасности, лицами, в отношении которых для достижения исправительно-предупредительного эффекта не требуется продолжительной изоляции, а вполне достаточно "шокового" кратковременного воздействия, поскольку арест характеризовался как содержание лица в условиях строгой изоляции и устанавливался на срок от одного до шести месяцев.

Обусловленность установления в действующем уголовном законодательстве минимального срока лишения свободы от одного месяца, а главное целесообразность такого решения остались непонятными, разве только если не объяснять это исключением наказания в виде ареста и "механического" перенесения минимального срока, установленного для ареста в качестве минимального для абсолютного другого наказания –лишения свободы, с тем, чтобы как-то устранить образовавшийся пробел.

Целесообразность краткосрочного лишения свободы предопределяется сложившимся механизмом воздействия на осужденных к наказанию в виде лишения свободы.

Аксиоматично, что общие цели уголовного закона, в том числе и в рамках института наказания (ст. 2 УК) индивидуализируются в каждом конкретном случае совершения преступления, предусмотренного соответствующей нормой закона, в рамках которой определяется целесообразность применением того или иного вида наказания при его назначении. Принцип "экономии репрессии" закреплён в качестве принципа гуманизма в ст. 7 УК, индивидуальное проявление которого состоит в том, что каждому виновному в совершении преступления лицу должно быть назначено такое наказание, которое минимально необходимо и достаточно для его исправления, предупреждения совершения новых преступлений (ч.2. ст. 7 УК), а также общепривентивного воздействия на других лиц посредством назначения осужденному лицу справедливого наказания, соответствующего тяжести преступления, степени вины и общественной опасности его личности (ч.1 ст. 8 УК). Современное общество не заинтересовано в том, чтобы без необходимости применять строгие меры наказания, если цели наказания могут быть достигнуты посредством применения более мягких мер воздействия (ч.3. ст. 7 УК). Поэтому лишение свободы целесообразно тогда, когда совершено тяжкое или особо тяжкое преступление в силу одной лишь опасности такого деяния. Но, лишение свободы целесообразно и тогда, когда совершено и менее тяжкое преступление, но личность виновного обусловливает необходимость принудительного воздействия, свойственного этому виду наказания, его карательной сущности.

Сама по себе изоляция осужденного от общества посредством помещения в учреждение по исполнению наказания не способна достичь поставленных уголовным законодательством целей наказания. Их достижение возможно только если изоляция сопровождается необходимым процессом исправительного воздействия. В соответствии

со ст. 7 Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан исправление осужденного состоит в формировании у него правопослушного поведения, уважительного отношения к человеку, обществу, труду, нормам и традициям человеческого общежития, что в процессе отбывания наказания достигается посредством как соблюдения установленного порядка исполнения и отбывания наказания (режим), так и общественно-полезным трудом, воспитательной работой, общеобразовательным и профессиональным обучением профессиональной подготовкой, программ индивидуальной социальной адаптации на основе социально-психологического портрета осужденного.

Поэтому эффективность наказания в виде лишения свободы определяется не только фактором влияния на осужденного самого наказания, но и сопровождающими это состояние программами социальной адаптации, преследующих цели формирования законопослушного поведения, уважительного отношения к правилам поведения в обществе, воспитания в духе патриотизма, уважения к национальным и общечеловеческим ценностям. Но, если сам факт исполнения наказания можно оценивать лишь как начало трансформации сознания осужденного, то для достижения конечных целей исправления необходимо систематическое и целенаправленное, более или менее длительное позитивное воспитательное воздействие с учётом индивидуальных особенностей личности осужденного.

В любом случае, вряд ли такое воздействие будет эффективным, если оно будет исчисляться днями, неделями или даже месяцами. Исправительно-воспитательный процесс, осуществляемый в условиях определенного режима, предполагает привитие определенных трудовых навыков, повышение уровня общей и профессиональной образованности, привитию несвойственных личности осужденного позитивных убеждений, правильному восприятию общечеловеческих ценностей, принятых в обществе, и установленному в законодательной системе общепринятых правил поведения, что, несомненно, требует определённого времени.

Поэтому исправительно-воспитательное воздействие при краткосрочном лишении свободы либо крайне ограничено либо вообще исключено, поскольку его просто некогда осуществить. Следовательно, из двух слагаемых эффективности наказания в виде лишения свободы остаётся лишь сам факт применения этого наказания, а фактор исправительно-воспитательного воздействия исключается. Для некоторых категорий лиц, осужденных к кратким срокам лишения свободы, проводящим определённое время в следственных изоляторах, на этапах, время исправительно-воспитательного воздействия существенно сокращается либо отсутствует вообще, если, например, в процессе следствия была избрана мера пресечения в виде заключения под стражу, когда время содержания под стражей, а также при задержании или домашнего ареста засчитывается в назначенный краткий срок лишения свободы. Установлено, что минимально необходимое для эффективного осуществления исправительно-воспитательного воздействия время составляет один-два года, что научно предопределяет целесообразность установления минимального срока лишения свободы от одного года.

Исключение фактора исправительно-воспитательного воздействия при краткосрочной изоляции от общества не означает полного отказа от такого вида принуждения, которое целесообразно применять к лицам, для которых сам факт изоляции воспринимается как самое тягчайшее наказание, способное впоследствии удержать от совершения новых преступлений. Именно такие цели преследовало наказание в виде ареста, необоснованно исключенное из действующей системы наказания из-за необеспеченности его исполнения соответс-

твующими управленческими структурами. Представляется, что вопрос о возврате данного вида наказания с другим содержательным наполнением актуализируется в рамках решения другой проблемы: более дифференцированного подхода к категориям преступлений с учётом степени их общественной опасности и выделением из категории преступлений в самостоятельную категорию – уголовных проступков. К последним возможно будет отнести и умышленные деяния, за которые возможно будет применять наряду с другими видами воздействия краткосрочную изоляцию от общества в арестных поселениях до одного года и неосторожные деяния, наказуемые по действующему законодательству до трех лет лишения свободы.

Применение краткосрочной изоляции от общества (ареста) необходимо сопровождать обязательным привлечением к труду с удержанием до пятидесяти процентов заработной платы, что позволяет отнести такое наказание к менее тяжкому чем лишение свободы, но более жёсткому по отношению к ограничению свободы и исправительным работам. Краткосрочная изоляция от общества должна осуществляться по режиму действующих колоний-поселений, но в котором будут отбывать наказание только лица, приговорённые к аресту. Таким образом, в постановлении наказание в виде ареста состоит в удалении осужденного из привычной среды обитания с помещения в специальные арестные колонии-поселения с обязательным привлечением к труду и удержанием до пятидесяти процентов заработной платы.

Очевидно, что это наказание в основном будет применяться к такой категории лиц, которые не нуждаются в особом предупредительно-воспитательном воздействии для формирования позитивных установок в будущем, поскольку, например, лица, совершившие преступление по неосторожности, традиционно криминологически относятся к категории "случайных преступников". Поэтому, краткосрочная изоляция от общества может быть эффективной только в отношении незначительной части осужденных, причём осужденным за преступления, отнесённые действующим законодательством к категории не представляющих большой общественной опасности, которые в перспективе следует признать уголовными проступками с соответствующим законодательным решением.

Важно подчеркнуть, что достижение эффективности краткосрочной изоляции от общества не должно ограничиваться только фактом собственно осуждения, но и сопровождаться специальными индивидуальными программами по социальной адаптации таких лиц. Кроме того, повышению эффективности исполнения краткосрочной изоляция от общества будет способствовать законодательное решение о недопущение применения к ним института уголовно-досрочного освобождения, не распространения на них правила, предусмотренные ст. 53 Уголовно-исполнительного кодекса (оставление осужденного в следственном изоляторе или тюрьме), а также сокращения сроков этапирования таких осужденных (ст. 54 УИК).



# GIYOHVANDLIK VOSITALARI VA PSIXOTROP MODDALARNING QONUNGA XILOF MUOMALASIGA QARSHI KURASHISHNING JINOYAT-HUQUQIY MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH: ZAMONAVIY TAHDIDLAR VA QONUNCHILIK YECHIMLARI

# IMPROVING CRIMINAL-LEGAL MECHANISMS FOR COMBATING ILLICIT TRAFFICKING IN NARCOTIC DRUGS AND PSYCHOTROPIC SUBSTANCES: MODERN THREATS AND LEGISLATIVE SOLUTIONS

*Abrorjon Anvarovich Otajonov*

*Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlar doktori, professor.*

*Abrorjon Anvarovich Otajonov*

*Tashkent state university of Law, Doctor of law, professor.*

**Annotatsiya.** Maqolada giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar, ularning analoglari hamda kuchli ta'sir qiluvchi moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlar bo'yicha qonunni qo'llash amaliyoti muammolari tahlil qilingan, ijtimoiy xavflilik xususiyatlari ochib berilgan, xalqaro hujjatlarga moslashtirish zarurati va ushbu turdagi jinoyatlar uchun javobgarlikni takomillashtirish istiqbollari muhokama qilingan. Tadqiqot natijasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar, ularning analoglari bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlar uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi jinoyat qonuni normalarini tartibga solishdagi mavjud bo'shliqlar va qarama-qarshiliklar aniqlangan. Xususan, Jinoyat kodeksining XIX bobida nazarda tutilgan jinoyatlarning tuzilishi blanket xususiyatli bo'lib, biroq ushbu normalar ularning mazmunini aniqlab beruvchi O'zbekiston Respublikasining "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risida"gi qonunining normalari bilan nomuvofiq tarzda belgilanganligi hamda ushbu turdagi jinoyatlar uchun javobgarlik belgilovchi normalar tuzilishining murakkabligi, ayrim normalarda turli jinoyat tarkiblari uchun javobgarlik belgilanganligi, shuningdek qonunni qo'llash amaliyotida ushbu turdagi jinoyatlar uchun javobgarlikni og'irlashtiruvchi aksariyat belgilarini qo'llashda xatoliklarga yo'l qo'yilayotganligi va mazkur turdagi ayrim ijtimoiy xavfli qilmishlar uchun jinoiy javobgarlik o'rnatilmaganligi hamda ularga qarshi kurash sohasidagi mavjud xalqaro huquqiy hujjatlarning ayrim talablari, milliy qonunchilikda o'z aksini topmaganligi kabilar qayd qilinadi. Mazkur holatlar ayni paytda giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi kurashish samaradorligiga hamda jinoyat qonunining ushbu turdagi normalarini amalda bir xilda qo'llanilmasligiga olib kelmoqda. Shundan kelib chiqqan holda maqolada giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi kurashish samaradorligini oshirishga hamda aniqlangan muammolar va kamchiliklarni bartaraf etishga qaratilgan taklif va tavsiyalar ilgari surilgan.

**Kalit so'zlar:** giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning analoglari, kuchli ta'sir qiluvchi moddalar, prekursorlar, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilish, g'ayriqonuniy narkolaboratoriya, oz miqdor, ozginadan ko'p miqdor, ko'p miqdor.

**Abstract.** The article discusses the problems of law enforcement practice in crimes of illicit trafficking in narcotic drugs, psychotropic substances, their analogues and potent substances, reveals the features of public danger, the need for implementation of international documents, as well as prospects for improving liability for this type of crime. Based on the results of the study, existing gaps and contradictions were identified in the regulation of criminal legislation providing for liability for crimes of illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances. In particular, the composition of the crimes provided for in Chapter XIX of the Criminal Code is of a blank nature, but these norms contradict the norms of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Narcotic Drugs and Psychotropic Substances", which determines their content, as well as the complexity of the structure of the norms defining responsibility for this type of crime, that some norms establish responsibility for various types of crimes, as well as in the practice of applying the law, mistakes are made when applying most of the signs aggravating responsibility for these types of crimes. In addition, the criminal law does not establish criminal liability for certain socially dangerous acts and some requirements of international legal documents in the field of drug control are not implemented in national legislation. At the same time, these situations lead to inefficiency in combating crimes of illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances and to uneven application of this type of criminal law in practice. Based on this, the article puts forward proposals and recommendations aimed at improving the effectiveness of combating crimes of illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances and eliminating the identified problems and shortcomings.

**Keywords:** narcotic drugs, psychotropic substances, analogues of narcotic drugs and psychotropic substances, potent substances, precursors, illegal drug trafficking, illegal drug laboratory, small sizes, larger than small sizes, large sizes.

Avvalo shuni alohida ta'kidlash lozimki, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi kurash hamda giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglari tarqalishining oldini olish huquqni muhofaza qiluvchi organlar oldida turgan eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Zero, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini noqonuniy aylanishi aholining hayoti va sog'lig'iga jiddiy xavf tug'diradi hamda boshqa jinoyatlarning o'sishi, korrupsiya va uyushgan jinoyatchilikning tarqalishiga imkon tug'diradi, jamoat tartibi va xavfsizligiga tahdid soladi, shuningdek, jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy asoslarni yemiradi. Raqamlarga murojaat qiladigan bo'lsak, o'tgan 2024-yil davomida respublikamizda jami 12 278 ta narkojinoyat aniqlanib, 9 380 nafar shaxs jinoiy javobgarlikka tortilgan bo'lsa, 2025-yilning faqatgina birinchi yarmida 7 311 ta narkojinoyat fosh etilib, 4 195 nafar shaxs tegishli javobgarlikka tortilganligi ushbu xavfning qanchalik dolzarb ekanligini isbotlaydi.

Shu bilan birga, fuqarolarning salomatligini muhofaza qilish va mustahkamlash jamiyat hayotining muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Shu jihatdan ham mamlakatimizda sog'liqni saqlash sohasida olib borilayotgan islohotlar bevosita siyosiy, iqtisodiy, huquqiy va ilmiy yo'nalishlardagi kompleks chora-tadbirlar orqali amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 6-maydagi PF–73-son hamda 2025-yil 3-noyabrdagi "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-207-son farmonlari ushbu sohadagi davlat siyosatining sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarilganidan dalolat beradi.

Qolaversa, bugungi zamonaviy sharoitlarda dunyoda an'anaviy narkotiklar iste'moli bilan bir qatorda, yangi psixoaktiv moddalar iste'moli kuchayib borayotganligi kuzatilmoqda. Natijada tabiiy yo'l bilan tayyorlangan vositalar o'rnini sintetik giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar asta-sekin egallamoqda. Ushbu vositalarni iste'mol qilish markaziy nerv sistemasining

shikastlanishiga, psixozlarning rivojlanishiga va hattoki, insonning butunlay nobud boʻlishigacha olib keladi. Shu bois, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishga qarshi kurashish samaradorligini oshirish nafaqat huquqiy, balki milliy xavfsizlik masalasidir.

Modomiki, jamiyat uchun xavfli illatlardan biri hisoblangan giyohvandlik muammosi soʻnggi yillarda nafaqat respublikamiz, balki, butun dunyo jamoatchiligini ham tashvishga solmoqda. Giyohvandlik inson sogʻligʻining kushandasi, qanchadan-qancha insonlarning umriga, salomatligiga zomin boʻlayotgan illatdir. Garchi, mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev jamiyat uchun umumiy xavf-xatarlarga oʻz eʼtiborini qaratar ekan, bu borada shunday deydi: “Barchangizga ayon, hozirgi kunda dunyo miqyosida beshafqat raqobat, qarama-qarshilik va ziddiyatlar tobora keskin tus olmoqda. Diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, “ommaviy madaniyat” kabi xavf-xatarlar kuchayib, odamzod asrlar davomida amal qilib kelgan eʼtiqodlar, oilaviy qadriyatlarga putur yetkazmoqda. Mana shunday va boshqa koʻplab tahdidlar insoniyat hayotida jiddiy muammolarni keltirib chiqarmoqda – ayni haqiqat va buni hech kim inkor etolmaydi” [1]. Darhaqiqat, raqamlarga murojaat qiladigan boʻlsak, 2025-yilning 1-yanvar holatiga koʻra respublikamizda 7 300 nafar giyohvand bemorlar dispanser hisobiga olingan. Biroq, kasallikning latentlik darajasi hisobga olinsa, hamda BMT Narkotiklar va jinoyatchilik boʻyicha boshqarmasi bilan oʻtkazilgan tadqiqotlar shuni koʻrsatadiki, respublikamizda 80 ming nafarga yaqin potensial giyohvandlar mavjudligi taxmin qilinadi.

Bunga qoʻshimcha ravishda, bugungi zamonaviy sharoitlarda dunyoda, anʼanaviy narkotiklar isteʼmoli bilan bir qatorda, yangi psixoaktiv moddalar isteʼmoli kuchayib borayotganligi kuzatilmoqda. Buning asosiy sababi tabiiy giyohvandlik vositalarining bir davlatdan boshqa davlatga kirib kelishining qiyinligi, buning oqibatida yuqori qiymatdagi narxlarda yashirin sotilishi, barcha giyohvandlarning ham sotib olishga moddiy tomondan imkoniyatlari yoʻqligi kabilar sabab boʻlmoqda. Natijada tabiiy yoʻl bilan tayyorlangan giyohvand vositalarning oʻrnini davlat hududiga yashirin yoʻl bilan olib kirish jinoyatchilarga oson boʻlgan sintetik giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar asta-sekin egallamoqda [15; 4-b.].

Oʻz navbatida, sintetik giyohvandlik vositalarini isteʼmol qilish geroin, amfetamin, marixuana va boshqa giyohvandlik vositalariga boʻlgan qaramlik kabi psixik va jismoniy qaramlikka olib keladi. Bu turdagi giyohvandlik vositalarini muntazam ravishda qabul qilish markaziy nerv sistemasining shikastlanishiga, psixozlarning rivojlanishiga, ichki organlar faoliyatining buzilishiga, inson hayotiga xavf tugʻdiruvchi boshqa holatlarga, hattoki, insonning butunlay nobud boʻlishigacha olib keladi. Ushbu vositalarni isteʼmol qilish inson salomatligiga zarar yetkazishidan tashqari, uning ijtimoiy barkamolligiga ham taʼsir oʻtkazadi. Bu esa isteʼmolchilarning oilaviy hayotida, oʻqishida, ish faoliyatida turli muammolarga duch kelishida namoyon boʻladi. Bundan tashqari, aholi salomatligi va jamiyat genofondiga jiddiy putur yetkazayotgan omillardan biri sifatida, mazkur vositalarni ijtimoiy joylarda, taʼlim muassasalarida isteʼmol qilish holatlarining ortishi nafaqat shaxsning oʻziga, balki, atrof-muhit va voyaga yetmaganlarga ham salbiy taʼsir koʻrsatmoqda.

Soʻnggi yillarda yangi turdagi sintetik giyohvandlik vositalari va kuchli taʼsir qiluvchi moddalar paydo boʻlayotganligi, ular inson omilisiz internetning ijtimoiy tarmoqlaridan foydalangan holda aholi, ayniqsa yoshlar orasida oson tarqatilayotganligi masʼul davlat tuzilmalarining bu boradagi faoliyatini “Barcha saʼy-harakatlar inson qadri uchun” degan ustuvor gʻoya asosida sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish zarurligini taqozo etmoqda. Statistik maʼlumotlarga koʻra, soʻnggi besh yilda giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarning noqonuniy muomalasi bilan bogʻliq jinoyatlar 2 baravarga oshgan boʻlsa, kuchli taʼsir qiluvchi moddalar bilan bogʻliq jinoyatlar qariyb 5 baravarga ortgan. Ayniqsa,

hududlarda g'ayriqonuniy narkolaboratoriyalar tashkil etish kabi og'ir qilmishlar avj olib borayotganligi (masalan, 2021-yilda 4 ta, 2024-yilda 5 ta, joriy yilning birinchi yarmidayoq 8 ta laboratoriya aniqlangan) tizimli muammolardan dalolat beradi.

Shu bilan birga, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarning ijtimoiy xavflilik darajasi o'sib borayotganligi va aholi salomatligini himoya qilishning muhimligi mazkur jinoyat tarkiblari, sabablari, sharoitlari va oqibatlarini tahlil qilish hamda ularga qarshi kurashining huquqiy choralarini yanada takomillashtirish zaruratini keltirib chiqaradi.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review)**

Avvalo shuni aytib o'tish joizki, giyohvandlikka qarshi kurashish masalasi ham mafkuraviy, ham qonunchilik jihatidan doimiy tadqiqotlar markazida bo'lib kelmoqda. Xususan, D.A. Koretskiy va Y.S. Steshich o'zlarining izlanishlarida giyohvandlikka qarshi kurashish bo'yicha strategik hujjatlar qabul qilinganiga qaramay, amaliyotda "ritorika va voqelik" o'rtasida tafovut mavjudligini, qonunchilikdagi ayrim o'zgarishlar kutilgan samarani bermayotganini ta'kidlaydilar [4; 14-30-b.]. Ular "gumanistik" sud amaliyoti ba'zan yirik narkosavdogarlar uchun asossiz yengilliklar yaratib berishi mumkinligidan xavotir bildiradilar.

O'z navbatida, K.A. Plexanova giyohvandlik vositalarining noqonuniy aylanmasiga qarshi kurashda tashkiliy-huquqiy choralarning ahamiyatini tahlil qilib, huquqni muhofaza qiluvchi organlar o'rtasidagi idoralararo hamkorlikni kuchaytirish va raqamli texnologiyalardan (Big Data) foydalanish zarurligini ilgari suradi [11; 140–146-b.].

Xuddi shunday, o'zbekistonlik olimlardan A.A. Rasulev giyohvandlik vositalari bilan bog'liq jinoyatlar predmetini kriminologik jihatdan tadqiq etib, ularning uyushgan jinoyatchilik bilan bog'liqligini ochib bergan [13; 3-b.]. B. Umarova esa jazo tayinlashni differensiyalash va individuallashtirish masalalariga e'tibor qaratgan [16; 44-b.].

Biroq, mavjud adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglari bilan bog'liq normalarni Jinoyat kodeksida tizimli ravishda "Aholi salomatligi va genofondiga qarshi jinoyatlar" tushunchasi ostida birlashtirish masalasi yetarlicha yoritilmagan.

**Tadqiqot metodologiyasi (Research methodology)**

Tadqiqot doirasida huquqiy fanlarda qo'llaniladigan ilmiylik, xolislik, tizimlilik va determinizm tamoyillaridan foydalanildi. Tadqiqotning metodologik asosini huquqiy taqqoslash, mantiqiy tahlil, induksiya va deduksiya usullari tashkil etadi.

Shu bilan bir qatorda, tadqiqotning amaliy ahamiyatini ta'minlash hamda xulosalarni obyektivlashtirish maqsadida, sohada bevosita faoliyat yurituvchi 300 ta surishtiruvchi, tergovchi va sudyalar ishtirokida maxsus sotsiologik so'rovlar o'tkazildi hamda 150 dan ortiq sud hukm va ajrimlari o'rganib chiqildi.

**Tahlil va natijalar (Analysis and results)**

Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi kurash choralarini takomillashtirish masalalarini tadqiq etishning obyekti sifatida ushbu turdagi jinoyatlarning jinoyat-huquqiy jihatlarini tartibga soluvchi ijtimoiy munosabatlar tizimi olingan.

Binobarin, ta'kidlaganimizdek, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarning sodir etilish usullari bugungi zamonaviy sharoitlarda tez o'zgaruvchan xususiyat kasb etib bormoqda.

Qolaversa, giyohvandlik oqibatida ko'plab og'ir jinoyatlar sodir etilmoqda, oilalar barbod bo'lmoqda. Bu jinoyatlarning aksariyati boshqa mamlakatlardagi jinoiy olam bilan aloqasi bo'lgan uyushgan guruhlar tomonidan sodir etilmoqda. Giyohvandlik moddalarini tashish uchun ko'pincha ayollar va o'smirlar jalb etilmoqda. Ayniqsa, bu jinoyatlarning voyaga yetmaganlar orasida tarqalganligi jamiyatimiz uchun katta

xavf tug'diradi. Shu jihatdan XXI asrning xalqaro miqyosdagi jiddiy muammolaridan biri – bu giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar, ularning analoglari va prekursorlarning noqonuniy muomalasi hisoblanadi. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Narkotik moddalar va jinoyat boshqarmasining 2024-yildagi Narkotiklar haqidagi umumjahon hisobotida keltirilgan ma'lumotlariga ko'ra, “So'nggi 12 oy ichida 15 yoshdan 60 yoshgacha bo'lgan dunyodagi har 17 odam narkotik moddalarni iste'mol qilgan. Hozirda ularning soni dunyoda 296 milliondan ortiq bo'lib, avvalgi yilga nisbatan 23 foizga ortgan” [3]. Bu esa dunyoda mazkur illatning yildan-yilga tobora ortib borayotganligini ko'rsatadi.

Holbuki, giyohvandlik insoniyat uchun ijtimoiy xavfli va og'ir oqibatlarga olib keladigan ofat sifatida barcha davrlarda qoralanib kelingan. Giyohvandlik inson sog'lig'ining kushandasi, qanchadan qancha insonlarning umriga, sog'lig'iga zomin bo'layotgan illatdir, chunki Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti ma'lumotlariga ko'ra, surunkali giyohvandlikka chalinganlarning aksariyati 30 yoshgacha ham yashamaydilar. Bundan tashqari giyohvandlik, OITS (Orttirilgan immunitet tanqisligi sindromi), virusli gepatit va boshqa inson sog'ligi va xavfsizligiga jiddiy tahdid soladigan kasalliklar bilan bog'liq tarzda ildiz otadi.

Shu munosabat bilan, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishning yana bir xavfli tomoni uning mamlakatdagi kriminogen vaziyatga, jamiyatimiz iqtisodiy va madaniy negiziga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ko'p hollarda bunday qilmishlar uyushgan jinoyatchilik bilan uzviy bog'liq bo'ladi [9; 3-b.]. Ayniqsa, so'nggi yillarda, uyushgan narkojinoyatchilikni moddiy jihatdan qo'llab-quvvatlash va hatto ayrim mansabdor shaxslarning o'z xizmat vakolatlarini suiiste'mol qilgan holda bunday faoliyatga homiylik qilishi kabi o'ta og'ir jinoyatlar urchib bormoqda (birgina 2024-yilda ushbu jinoyat doirasida 19 nafar mansabdor shaxs javobgarlikka tortilgan).

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, mamlakatimizda 2025-yilda ro'yxatga olingan giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarning 41,6 foizini ularni o'tkazish, 10,1 foizini kontrabanda qilish, 24,8 foizini taqiqlangan ekinlarni yetishtirish, 23,4 foizini esa giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat boshqa jinoyatlar tashkil etgan. Achinarlisi, so'nggi 5 yilda respublika hududida giyohvandlik, psixotrop va kuchli ta'sir qiluvchi vositalar noqonuniy muomalasi uchun javobgarlikka tortilgan shaxslar orasida yoshlar 74 foizga (shu jumladan, talabalar 21 foizga, maktab o'quvchilari 6 barobarga) oshgan. 5 728 nafar yoshlar (jumladan, 117 nafar talaba va 45 nafar maktab o'quvchisi) javobgarlikka tortilgan. Narkologik hisobga olingan 14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan giyohvandlik vositalari iste'molchilari 60 foizga ko'payib, 986 nafarga yetgan.

Ushbu holatlarni bevosita o'rganish maqsadida o'tkazilgan tadqiqotlar jarayonida, jumladan, Sirdaryo viloyatining “qizil” toifaga kiruvchi mahallalarida hamda respublikamizning boshqa kriminogen vaziyati yuqori bo'lgan hududlarida jami 300 ta surishtiruvchi, tergovchi va sudyalar o'rtasida maxsus sotsiologik so'rovlar o'tkazildi. So'rovnomada ishtirok etganlarning 49,6 foizi (oldingi tahlillarda bu ko'rsatkich 50,4 foiz deb olingan bo'lsa-da, qayta qiyosiy o'rganishlar natijasida aniqlashtirilgan) ushbu hududlarda sintetik vositalar va kuchli ta'sir qiluvchi moddalarning keng tarqalishida ijtimoiy tarmoqlar vositasida yetkazib berishning osonlashganini asosiy sabab sifatida ko'rsatgan bo'lsa, qolgan 50,4 foizi amaldagi qonunchilik va jazo choralarining qilmishning ijtimoiy xavfliligiga to'la mutanosib emasligini hamda qonun normalarini qo'llashdagi huquqiy bo'shliqlarni asosiy omil sifatida baholashgan.

Bundan tashqari, sudlangan shaxslar tahlil qilinganda, 2024-yil davomida giyohvandlik moddalari bilan bog'liq jinoyat sodir etgan shaxslarning qariyb 15 foizi, 2025-yilning I yarmida esa 18 foizi xuddi shunday jinoyatlarni takroran sodir etgan. Bu mazkur toifadagi sudlanganlarni

muddatidan ilgari shartli ozod qilish mexanizmlari qanchalik samarasiz ekanligini isbotlaydi.

Albatta, keltirilgan ushbu ma'lumotlar mavjud ijtimoiy vaziyatni inobatga olgan holda hamda aniq tahlillar asosida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishga qarshi kurashga qaratilgan samarali choralarni ishlab chiqib, amalga oshirishni taqozo etadi. Bunda iqtisodiy, ijtimoiy, tashkiliy, tibbiy, huquqiy va profilaktik ahamiyatga ega kompleks choralarni ishlab chiqish favqulodda dolzarb ahamiyatga ega. Holbuki, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi samarali kurashish bu boradagi jinoyat-huquqiy ta'sir choralarini takomillashtirish orqali amalga oshirilishi mumkin [8; 117-b.].

Ta'kidlash kerakki, surishtiruv va tergov organlari giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishda turli tushunmovchiliklar va qiyinchiliklarga duch kelmoqdalar. Jumladan, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar, ularning analoglarini yoxud prekursorlarni qonunga xilof ravishda egallash bilan bog'liq qilmishlarga huquqiy baho berish, ularni egallash usullaridan kelib chiqib, qilmishning ijtimoiy xavfliligini baholash, jazoni individuallashtirish, jinoyat predmetining bir necha turi aniqlanganda, ularning miqdorlarini hisoblash, Jinoyat kodeksi 273 va 276-moddalarida nazarda tutilgan jinoyatlarni bir-biridan farqlash, ularni kvalifikatsiya qilish hamda 273-moddaning 1 va 2-qismlarida nazarda tutilgan qilmishlarga jinoyat predmetining miqdoridan kelib chiqqan holda huquqiy baho berish, jinoyat predmetlarini sotishdan boshqa hollarda ko'p miqdorda o'tkazganda qilmishni kvalifikatsiya qilish, 274-moddada nazarda tutilgan jinoyatni kvalifikatsiya qilish va uning sodir etish usulidan kelib chiqib, javobgarlikni differensiatsiya qilish, jinoyat predmetlarini yo'q qilish qoidalarni buzish bilan bog'liq qilmishlarga huquqiy baho berish va boshqa shu kabi holatlarda xatoliklarga yo'l qo'yilmoqda. Buning sabablaridan biri – bugungi kunda kuchli ta'sir qiluvchi moddalarning noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatlar ham giyohvandlik vositalari kabi keskin ko'payib borayotganidir. So'nggi besh yilda giyohvandlik vositalarining noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatlar 2 baravarga oshgan bo'lsa, kuchli ta'sir qiluvchi moddalar bilan bog'liq jinoyatlar qariyb 5 baravarga ortgan.

Bundan tashqari giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarning subyektiv tomonini aniqlashda ham xatolar mavjud. Xususan, qilmishni jinoyat subyekti qasdining xususiyati va yo'nalishini, jinoyat motivlari va maqsadlarini aniqlash bilan bog'liq ravishda kvalifikatsiya qilish chog'ida tushunmovchiliklar yuzaga kelmoqda. O'tkazilgan sotsiologik so'rovlarda ishtirok etgan 300 nafar amaliyot xodimlarining (surishtiruvchi, tergovchi va sudyalar) aksariyati, aynan mavjud qonunchilikda normalarning murakkab tarzda bir modda doirasida jamlab yuborilganligi va amaldagi modda dispozitsiyalarining bir-biriga zid ekanligi amaliyotda asosiy to'siq bo'layotganini e'tirof etishgan.

Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga oid ko'plab bahs-munozarali masalalar jinoyat huquqi nazariyasida ham mavjud. Jumladan, "ilgari giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatni sodir etgan shaxs tomonidan" degan iborani tushuntirishda, shuningdek, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarning analoglarini kuchli ta'sir etuvchi moddalardan farqlash masalasida yagona fikr olimlar o'rtasida hanuzgacha mavjud emas.

Mazkur tadqiqot ishida giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi kurashish bilan bog'liq muammolar tahlil qilingan, uning o'ziga xos belgilari, ushbu turdagi jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish, amaldagi jinoyat qonuni va uni qo'llash amaliyoti o'rganilib, shu asosda jinoyat qonuni normalarini va sud-tergov organlarining qonunni qo'llash

faoliyatini takomillashtirishga qaratilgan nazariy va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi kurashish istiqbollarini belgilovchi ishlab chiqilgan taklif va tavsiyalar milliy qonunchilik normalari, xalqaro hujjatlar, ayrim xorijiy davlatlar tajribasi, huquqni qo'llash amaliyotiga asoslangan, 150 ta sud hujjatlari (hukmlar va ajrimlar), 300 ta surishtiruvchi, tergovchi va sudyalar o'rtasida o'tkazilgan sotsiologik tadqiqotlar, statistik ma'lumotlar tahlili natijalarini umumlashtirish orqali amaliy jihatdan asoslantirilgan.

Tadqiqot natijalaridan jinoyat huquqi fanini ilmiy-nazariy jihatdan boyitishda, yangi ilmiy tadqiqotlar olib borishda foydalanishda, qonun ijodkorligi faoliyatida, xususan normativ-huquqiy hujjatlar tayyorlash hamda ularga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritishda, qonunni qo'llash amaliyotini takomillashtirishda, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 6-maydagi PF-73-son farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish bo'yicha 2024–2028-yillarga mo'ljallangan milliy strategiya"sida belgilangan vazifalarni amalga oshirishda foydalanish mumkin.

Shu bilan birga mazkur tadqiqot ishi natijalarining qonunni qo'llash amaliyotida inobatga olinishi qonunni qo'llash amaliyotida giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishdagi mavjud muammolarni bartaraf qilishga hamda giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasining barvaqt oldini olishga, giyohvandlik vositalari, psixotrop va kuchli ta'sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning noqonuniy aylanmasining yangicha usullariga barham berishga xizmat qiladi.

Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlar uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi jinoyat-huquqiy normalarning qo'llash samaradorligi, ushbu normalarni sud-tergov amaliyotida bir xilda va to'g'ri qo'llanilishi, ularda bo'shliqlar va qarama-qarshiliklarning bo'lmasligi, shuningdek, ushbu sohani tartibga soluvchi boshqa normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiqligida namoyon bo'ladi [6; 32-b.]. Biroq, tahlillar jinoyat qonunida nazarda tutilgan narkotik moddalarning noqonuniy aylanmasi uchun javobgarlik belgilangan normalarning tuzilishida, ushbu normalarni sud-tergov amaliyotida bir xilda va to'g'ri qo'llanilishida bir qator muammolar borligini ko'rsatmoqda. Xususan, ular qatorida quyidagilarni sanab o'tish mumkin:

Birinchidan, Jinoyat kodeksi Maxsus qismi oltinchi bo'limi va 271, 273, 274, 275, 276-moddalarining nomi va matnida "giyovandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalar" deb ko'rsatiladi. Biroq, ushbu iboralar O'zbekiston Respublikasining 1999-yil 19-avgustdagi 813-I-son "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risida"gi Qonunining 3-moddasida "giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning analoglari" deb keltirilgan ta'rif bilan mos kelmaydi, bu esa ushbu qonun normalari o'rtasida qarama-qarshiliklarni keltirib chiqaradi. Qolaversa, barcha amaldagi qonunchilik hujjatlarida atamalar bir xillashtirilib, xato hisoblangan "giyovandlik" atamasi o'rniga "giyohvandlik" atamasini hamda nafaqat giyohvandlik vositalarining, balki, "psixotrop moddalarning ham analoglari" atamasini amaliyotga keng joriy etish talab qilinadi.

Qonun normalari o'rtasidagi qarama-qarshiliklar esa ushbu normalarni amalga tatbiq etishda tushunmovchiliklar va xatoliklarga olib keladi. Ushbu masalada I. Ochilovning yozishicha, ayni bir masalani tartibga soluvchi qonun normalarining bir-biriga nomuvofiq tarzda ifodalanishi, ularni zudlikda bartaraf etish zaruratini keltirib chiqaradi [10; 20-b.].

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining amaldagi Jinoyat kodeksi 271-moddasida ushbu modda va vositalarni tayyorlash maqsadida prekursorlarni egallash jinoyat predmeti sifatida belgilanmagan. Ammo, adabiyotlarda prekursorlar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishga

oid qilmishlar jinoiy javobgarlikni nazarda tutmasligi lozim, deb koʻrsatiladi [7; 25-b.]. Biroq, ushbu fikrni toʻliq qoʻllab-quvvatlab boʻlmaydi, boisi mazkur moddalar giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni tayyorlashda foydalaniladi [12; 240-b.] hamda 1999-yil 19-avgustdagi "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida"gi Qonunida prekursorlar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilish uchun qonunda belgilangan tartibda javobgarlikni keltirib chiqarishi qayd qilingan. Bizningcha prekursorlar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilganlik uchun javobgarlik jinoyat qonunida belgilanishi lozim, faqat unda prekursorlardan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat qilmishlarning maqsadi qonun normasida ifodalanishi maqsadga muvofiq.

Ikkinchidan, Jinoyat kodeksi 273-moddasining amaldagi tahriri qonun chiqaruvchi tomonidan Jinoyat kodeksi Maxsus qism aksariyat normalarining tuzilishida qoʻllanilayotgan asosiy, ogʻirlashtiruvchi va alohida ogʻirlashtiruvchi tarkiblarga boʻlinish prinsipiga nomuvofiqligi, ya'ni moddaning tuzilishi murakkabligi, bir normada bir necha mustaqil qilmishlar uchun javobgarlik belgilanganligi mazkur jinoyatning mazmunini tushunishda muayyan qiyinchiliklar tugʻdirib, amaliyotda uni qoʻllashda xatoliklarga yoʻl qoʻyilishiga sabab boʻlmoqda. Qonun normasining tuzilishida qonunchilik texnikasi qoidalariga amal qilish normani amalda qoʻllash mexanizmi samaradorligini oshirish imkoniyatlarini belgilab beradi [14; 66-b.].

Giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash va boshqa harakatlar qilish, shuningdek, ularni qonunga xilof ravishda oʻtkazish uchun javobgarlik belgilangan ushbu moddada mantiqiy talablar buzilgan holda qonunchilik texnikasi qoidalari buzilgan, unda huquqiy jihatdan ikki yoki undan ortiq huquqiy hodisalar aralashtirib yuborilgan. Shu sababdan mazkur normani tushunishda va amalda qoʻllashda xatoliklar uchrab turadi, sudlar tomonidan esa jazoni individuallashtirishda qiyinchiliklarga duch kelinadi [5; 92-b.].

Oʻz navbatida, S.A. Gordeyev haqli ravishda "agar jinoyat-huquqiy normalarning tuzilish jarayonini inobatga olsak, albatta, jinoyat tarkibi va jinoyat subyekti imkoniyatlari doirasini inobatga olib, qonun himoya ostiga olgan ijtimoiy munosabatning tuzilishidan kelib chiquvchi jinoyat obyektiv tomoni belgilariga ustunlik berish lozim" [2; 70-b.], deb hisoblaydi. Shu bois, ushbu normani takomillashtirishda aynan ushbu jihatlarni inobatga olish maqsadga muvofiq.

Uchinchidan, sud-tergov amaliyotida mazkur turdagi jinoyatlar uchun javobgarlik belgilangan normalarda nazarda tutilgan "ilgari giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatni sodir etgan shaxs tomonidan" kvalifikatsiya qiluvchi belgisining mazmunini toʻgʻri tushunishda va bir xilda qoʻllashda xatoliklarga yoʻl qoʻyilmoqda. Darhaqiqat sudlov hujjatlarini tahliliga koʻra, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishda yuzaga keladigan ziddiyatlar koʻpincha uning ogʻirlashtiruvchi belgilarini qoʻllash masalalarida kelib chiqadi. Bu esa ushbu turdagi jinoyatlarning ogʻirlashtiruvchi tarkiblarini izohlash va tegishli tarzda tushuntirishlar berilishi lozimligini anglatadi.

Bundan tashqari ushbu turdagi jinoyatlarning subyektiv tomonini aniqlashning murakkabligi asosan aybdor shaxslarning ruhiy jarayonlari tabiatiga bogʻliqligi bilan ifodalanadi. Ushbu jarayonlarni ularning xususiyatlari va tashqi ifodasidan kuzatish va aniqlash qiyin. Shuning uchun sud-tergov organlarining ushbu turdagi jinoyatlar uchun javobgarlik masalalarini hal qilishda va jinoyatning subyektiv tomonini aniqlashga alohida e'tibor berishlari shart ekanligini talab etadi [17; 88-b.]. Ayniqsa, soʻrov ishtirokchilari ta'kidlaganidek, hozirgi kunda ushbu qilmishlarning internet va ijtimoiy tarmoqlar orqali keng avj olganligi va turli xil kuchli ta'sir qiluvchi vositalarni farqlash muammolari mazkur masalaning sud-tergov jarayonidagi qiyinchiliklarini ikki hissa oshirmoqda.

To'rtinchidan, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglari bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat ayrim ijtimoiy xavfli qilmishlar uchun javobgarlikning belgilanmaganligi. Xususan, amaldagi jinoyat qonunida giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularni analoglarini qonunga xilof ravishda yo'q qilish uchun maxsus normada jinoiy javobgarlik belgilanmaganligi sababli, bunday qilmish uchun Jinoyat kodeksining boshqaruv tartibiga qarshi yoki boshqa boblarda belgilangan jinoyatlar bo'yicha kvalifikatsiya qilishga olib keladi. Bu esa qilmishni kvalifikatsiya qilishda jinoyat obyekti qoidalarini qo'llashga imkon bermaydi.

Zero, mazkur holatda mantiqiy talablar buzilgan holda qonunchilik texnikasi qoidalariga zid ravishda g'oyaviy-huquqiy jihatdan bir-biri bilan bog'lanmagan huquqiy hodisalar aralashtirib yuboriladi. Shu sababdan giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularning analoglarini qonunga xilof ravishda yo'q qilish bunday vosita yoki moddalarni qonunchilikda belgilangan qoida va tartibni buzgan holda yo'q qilishga qasddan qaratilgan harakatlar ekanligidan kelib chiqib, ushbu turdagi jinoyatlar doirasida maxsus javobgarlik chorasi nazarda tutilishi kerak. Chunonchi, jinoyat tarkibi uchun javobgarlik doirasini belgilashda, qonun himoya ostiga olgan ijtimoiy munosabatning tuzilishidan kelib chiquvchi jinoyat obyektiga ustunlik berish lozimdir [18; 28-b.].

Beshinchidan, O'zbekiston Respublikasining narkotik moddalarni noqonuniy aylanishiga qarshi kurash sohasidagi mavjud xalqaro huquqiy hujjatlarga qo'shilgan bo'lsa-da, mazkur hujjatlarning ayrim talablari milliy qonunchilikda o'z aksini topmaganligi. Nainki, mamlakatimiz tomonidan implementatsiya qilingan xalqaro hujjatlarda belgilangan vazifalar va kelishuvlarni samarali amalga oshirish uchun milliy qonunchilikni ushbu hujjatlar talablariga moslashtirish taqozo etiladi. Chunki, har qanday xalqaro-huquqiy hujjat, hattoki, davlatlar tomonidan ratifikatsiya qilingan yoki unga oid xalqaro hujjatlarda muayyan choralar nazarda tutilgan bo'lsa ham, agar u milliy qonunchilik hujjatlari mazmuniga kiritilmasa, u deklarativ xususiyatga ega bo'lib qolaveradi [19; 88-b.].

Shu jihatdan ham bugungi zamonaviy sharoitlarda mamlakatimiz uchun giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlarga qarshi jinoiy-huquqiy vositalar orqali kurashish samaradorligini oshirish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Bugungi kunda aholining, xususan yoshlarning taqdiri asrab qolinishi eng birinchi galdagi vazifa ekan, qonunchilik mexanizmlari ham bu tahdidlarga nisbatan beayov va aniq bo'lmog'i shart.

**Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations)**

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglarini noqonuniy aylanishiga qarshi kurashning jinoyat qonuniga oid normalarini yanada takomillashtirish yuzasidan quyidagilarni qonun normasida mustahkamlash maqsadga muvofiq hisoblanadi:

**Birinchidan,** amaldagi Jinoyat kodeksining ayrim moddalarida "giyovandlik", boshqalarida esa "giyohvandlik" so'zlari qo'llanilgan. "O'zbek tilining izohli lug'ati"ga ko'ra, bu ikki so'z sinonim bo'lsa-da, qonunchilikda terminologik birlikni saqlash maqsadida "giyohvandlik" variantida to'xtalish maqsadga muvofiq. Shuningdek, Jinoyat kodeksi Maxsus qismi XIX bobi amalda "Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlar" deb nomlangan, unda giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarning analoglari haqida qayd qilinmagan, shuningdek Jinoyat kodeksining 271, 273, 274, 275, 276-moddalarining nomi va matnida "giyovandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalar" deb ta'kidlanadi. Mazkur matndan kelib chiqib tahlil qilinsa, "analoglar" iborasi faqat "giyohvandlik vositasi"ga tegishli ekanligi kelib chiqadi. Ammo, O'zbekiston Respublikasining 1999-yil 19-avgustdagi 813-I-son "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risida" Qonunining 3-moddasida "giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning analoglari" deb keltirilgan bo'lib, "analoglar" iborasi "giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar"ga

ham tegishli etib belgilangan. Jinoyat kodeksi normalarida qayd qilingan tahriri oʻz navbatida "psixotrop moddalarning analoglari" bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat holatlar sodir etilsa, kvalifikatsiya qilishda muammolarni keltirib chiqaradi va ushbu tahrirni koʻrib chiqilgan Qonun bilan nomuvofiq ekanligini koʻrsatadi. Shu bois, "analoglar" iborasi faqat giyohvandlik vositalariga emas, balki psixotrop moddalarga ham taalluqli ekanligini inobatga olib, JKning 19, 56, 207, 246, 261, 270, 271, 273, 274, 275 va 276-moddalariga tegishli tahririy oʻzgartirishlar kiritish talab etiladi.

Bundan tashqari, Jinoyat kodeksi Maxsus qism Oltinchi boʻlimi nomini "Jamoat xavfsizligiga, aholi salomatligi va genofondiga, jamoat tartibiga qarshi jinoyatlar" degan kengroq ma'noni qamrab oluvchi tahrirda nomlash, XIX bob nomini esa "Aholi salomatligi va genofondiga qarshi jinoyatlar" deb qayta nomlash maqsadga muvofiq boʻladi. Bu nafaqat nomlanish, balki mazkur bobga aholi salomatligiga jiddiy xavf soluvchi boshqa jinoyatlarni ham (masalan, JK 113-moddasi – Tanosil yoki OIV/OITSni tarqatish) koʻchirishni nazarda tutadi.

Ikkinchidan, Jinoyat kodeksi 271-moddasining amaldagi tahririda qonun chiqaruvchi giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda egallashning oʻgʻrilik va firibgarlik yoʻli bilan sodir etilgan usullarini ijtimoiy xavflilik darajasini tenglashtirib, javobgarlikni ushbu moddaning birinchi qismi bilan belgilaydi. Egallashning oʻzlashtirish, rastrata, talonchilik, mansab mavqeini suiiste'mol qilib, tamagirlik yoʻli bilan sodir etilgan usullari uchun esa, javobgarlik ushbu moddaning ikkinchi qismi bilan belgilanib, ularning ham ijtimoiy xavflilik darajasi tenglashtirilgan. Bunday holat mazkur qilmishlarni kvalifikatsiya qilishda giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni egallashning usullarini aniqlashning huquqiy ahamiyatini deyarli yoʻqligini koʻrsatmoqda. Bosqinchilik yoʻli bilan sodir etilgan egallash uchun javobgarlik alohida ogʻirlashtiruvchi holat sifatida moddaning toʻrtinchi qismida belgilangan. 271-moddaning ikkinchi qismidagi oʻzlashtirish yoki rastrata qilish yoʻli bilan jinoyat predmetlarini egallash, ularni mansab mavqeini suiiste'mol qilib egallash alohida bandlarda belgilangan. Xorijiy davlatlarning (Rossiya, Ozarbayjon, Armaniston, Qozogʻiston, Qirgʻiziston, Moldova, Tojikiston, Turkmaniston, Ukraina, Gruziya, Estoniya) ushbu jinoyat uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi jinoyat qonunchiligi normalarining tahlili mazkur davlatlarda giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni noqonuniy egallash uchun javobgarlik talon-torojning shaklidan qat'i nazar, faqatgina xizmat mavqeidan foydalanib va hayot yoki sogʻliq uchun xavfli boʻlgan yoki xavfli boʻlmagan zoʻrlik ishlatib yoxud bunday zoʻrlik ishlatish bilan qoʻrqitib sodir etganlik uchun javobgarlik differensiatsiya qilinganligini koʻrsatmoqda.

Shundan kelib chiqib, mazkur qilmishlar obyekti qatoriga kuchli ta'sir qiluvchi vositalarni hamda prekursorlarni ham qoʻshish hamda takroran, tamagirlik, oʻzlashtirish yoki mansab mavqeini suiiste'mol qilish kabi belgilar uchun 271-modda sanksiyalarini xalqaro standartlarga moslashtirish, javobgarlik muddatlarini yanada qat'iylashtirish taklif etiladi.

Uchinchidan, sotsiologik soʻrovlar va amaliyot tahlili shuni koʻrsatadiki, narkojinoyatlar uchun jazo oʻtayotgan shaxslarning 15-18 foizi qayta jinoyat sodir etmoqda. D.A. Koretskiy ta'kidlaganidek, jazo muqarrarligi hissi pasayishi jinoyatchilikning oʻsishiga xizmat qiladi. Shu bois, JKning 73-moddasiga giyohvandlik vositalarini oʻtkazish (JK 273-m.) va koʻp miqdordagi muomala bilan bogʻliq jinoyatlar uchun hukm qilingan shaxslarga nisbatan jazodan muddatidan ilgari shartli ozod qilish mexanizmini qoʻllamaslik haqida norma kiritish taklif etiladi.

Toʻrtinchidan, Jinoyat kodeksining 273-moddasi 1-qismida giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni oʻtkazish maqsadini koʻzlab koʻp boʻlmagan miqdorda qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash, tashish yoki joʻnatish, shuningdek, ularni koʻp boʻlmagan

miqdorda qonunga xilof ravishda oʻtkazish uchun jinoiy javobgarlik belgilangan. Bunda qonun chiqaruvchi jinoyat predmetlarini jinoyatni kvalifikatsiya qilishga taʼsir etishi mumkin boʻlgan miqdorini aniqlashda "koʻp boʻlmagan miqdor" atamasini qoʻllagan, biroq giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarning bunday turdagi miqdori tegishli normativ hujjatlarida aks ettirilmagan. Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularni analoglarining miqdori bilan bogʻliq masalalar Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 12-noyabrdagi 330-sonli qarori bilan tasdiqlangan giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning roʻyxatiga muvofiq aniqlanadi. Ushbu roʻyxatlarga asosan, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularni analoglarining inson organizmiga taʼsir etish xususiyatlaridan kelib chiqib, ularning har bir turi uchun alohida miqdorlarni belgilagan va ularning quyidagi miqdorlarga ajratgan: 1) oz miqdor; 2) ozginadan koʻp miqdor; 3) koʻp miqdor [7; 24-b.].

Shuningdek, mazkur moddaning ikkinchi qismida "Ushbu moddaning birinchi qismida nazarda tutilgan qilmishlar ozginadan koʻproq miqdorda sodir etilgan" holat uchun jinoiy javobgarlikni nazarda tutadi. Mazkur norma ushbu moddaning birinchi qismida taʼkidlangan "koʻp boʻlmagan miqdorda qonunga xilof ravishda oʻtkazish" bilan bogʻliq normani inkor etadi. Aslida, koʻp boʻlmagan miqdor deganda, biz koʻp miqdorgacha boʻlgan miqdorlarni tushunamiz. Demak, unga giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularning analoglari bilan muomala qilishni tartibga soluvchi normativ hujjatlarga belgilangan miqdorlarga asosan oʻrnatilgan "oz" va "ozgidan koʻp boʻlgan" miqdorlar taalluqli ekanligini tushunishimiz lozim. Agarda biz qonunning mazkur normasini toʻgʻridan-toʻgʻri tahlil qiladigan boʻlsak, "ozginadan koʻp miqdorda" giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularning analoglarini oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash, tashish yoki joʻnatish, shuningdek, ularni oʻtkazish uchun Jinoyat kodeksining 273-moddasining 1- va 2-qismida ham javobgarlik belgilanib qolganligini koʻrishimiz mumkin. Bunday holatlar albatta sud-tergov amaliyotda bu turdagi jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishda muayyan muammolarni keltirib chiqaradi. Shuning uchun sud-tergov amaliyotida bu kabi muammolarni bartaraf qilish va oldini olish maqsadida Jinoyat kodeksining 273-moddasi 1-qismida nazarda tutilgan "koʻp boʻlmagan miqdor"ni moddaning navbatdagi qismiga oʻtkazish hamda asosiy tarkibda xato koʻrsatilgan mazkur mezonni olib tashlash orqali sanksiyalarni qatʼiy ajratish maqsadga muvofiq.

Beshinchidan, Jinoyat kodeksi 273-moddasining amaldagi tahriri qonun chiqaruvchi tomonidan Jinoyat kodeksi Maxsus qism aksariyat normalarining tuzilishida qoʻllanilayotgan asosiy, ogʻirlashtiruvchi va alohida ogʻirlashtiruvchi tarkiblarga boʻlinish masalasida murakkab tuzilishga ega. Shu bilan birga moddaning ikkinchi qismi birinchi qismga, uchinchi qismi birinchi va ikkinchi qismlarga, toʻrtinchi qismi esa, ikkinchi va uchinchi qismlarga havola qilishni koʻzda tutadi. Moddaning toʻrtinchi qismida giyohvandlik vositalar, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni isteʼmol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalarni tashkil etish yoki saqlashning mustaqil tarkibi belgilangan. Moddaning beshinchi qismida esa jinoyat predmetlarini oʻtkazishning alohida shakli – sotish uchun javobgarlik mustaqil tarkib sifatida belgilangan [7; 20-b.]. Bularning barchasi mazkur jinoyatning mazmunini tushunishda muayyan qiyinchiliklar tugʻdirib, amaliyotda uni qoʻllashda xatoliklarga yoʻl qoʻyilishiga sabab boʻlmoqda.

Koʻrsatilgan muammolarni hal etish uchun mazkur moddada javobgarlikni giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularni analoglarining miqdoridan kelib chiqib va ularni sotishni alohida ajratmagan holda oʻtkazish uchun javobgarlikni belgilash, shuningdek, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni isteʼmol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalarni tashkil etish yoki saqlash uchun javobgarlikni alohida mustaqil moddada belgilash maqsadga muvofiqdir. Xorijiy davlatlarning jinoyat qonunchiligida (Rossiya,

Ozarbayjon, Armaniston, Belarus, Qozogʻiston, Qirgʻiziston, Moldova, Tojikiston, Turkmaniston, Ukraina, Gruziya) giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarning miqdoridan kelib chiqib hamda jinoyat predmetlarini sotishni alohida ajratmagan holda ularni oʻtkazish uchun javobgarlik nazarda tutilgan. Shu bilan birga koʻrsatilgan davlatlarda giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularning analoglarini isteʼmol qilish va tarqatish uchun javobgarlik alohida mustaqil moddada belgilangan.

Bundan tashqari, oxirgi yillarda respublikamizda gʻayriqonuniy narkolaboratoriyalar aniqlanmoqda. Shundan kelib chiqib, Jinoyat kodeksi 273-moddasi mazmunidagi aksariyat qilmishlarni chiqarib, ushbu bobda "Gʻayriqonuniy narkolaboratoriya tashkil etish" va "Giyohvandlik vositalarining noqonuniy muomalasiga homiylik qilish" kabi yangi normalar bilan toʻldirish lozim. Ayniqsa, homiylik qilish normasida mansabdor shaxslarning jinoiy faoliyatni "yashirishi" yoki unga sharoit yaratishi uchun ogʻir jazo choralarini belgilash (15 yildan 20 yilgacha) xalqaro tajribaga (AQSh, Xitoy) mos keladi.

Shu bilan birga, sotsiologik tadqiqotlar natijalari shuni koʻrsatdiki, soʻrovda qatnashgan huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlarining 65 foizi "qizil" toifadagi mahallar (kriminogen vaziyati ogʻir hududlar)da giyohvandlik vositalarining tarqalishi koʻpincha voyaga yetmaganlarni jalb qilish orqali amalga oshirilishini taʼkidlashgan. Bu JK 127-moddasidagi normalarni XIX bobga koʻchirish va voyaga yetmaganlarni bunday harakatlarga jalb qilganlik uchun javobgarlikni kuchaytirish zarurligini tasdiqlaydi.

Oltinchidan, Jinoyat kodeksi 273-moddasidan uning 4-qismini chiqarish va giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni isteʼmol qilish yoki tarqatish uchun bangixonalar tashkil qilish yoki saqlash uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi maxsus alohida modda hamda kuchli taʼsir qiluvchi moddalar, psixotrop va giyohvandlik vositalarini qonunga xilof ravishda ishlab chiqarish, tayyorlash yoki qayta ishlash maqsadida "gʻayriqonuniy narkolaboratoriya tashkil etish" uchun qatʼiy jazoni koʻzda tutuvchi yangi alohida modda bilan toʻldirish (oʻn besh yildan yigirma yilgacha ozodlikdan mahrum qilish sanksiyalari bilan) taklif etiladi. Binobarin, "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishga qarshi kurash toʻgʻrisida"gi 1988-yildagi Konvensiyaning 3-moddasi 1-qism "a" bandida belgilangan talablarga koʻra, har bir davlat oʻzining milliy qonunchiligida giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni noqonuniy yetishtirish, ishlab chiqarish yoki tayyorlash maqsadida foydalanish uchun moʻljallangan asbob-uskunalarni qonunga xilof ravishda qasddan tayyorlash, tashish yoki tarqatish uchun jinoiy javobgarlikni oʻrnatish choralarini koʻrish lozimligi belgilangan. Amaldagi Jinoyat kodeksida mazkur qilmish uchun javobgarlik oʻrnatish orqali ushbu sohadagi xalqaro huquq hujjatlarning talablarini milliy qonunchiligimizga implementatsiya qilinishiga erishiladi.

Yettinchidan, Jinoyat kodeksi 274-moddasining amaldagi tahririda giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni isteʼmol qilishga jalb etishning barcha shakllari, yaʼni zoʻrlik ishlatib va zoʻrlik ishlatmasdan jalb etish uchun bir xil javobgarlik belgilangan. Mazkur jinoyat uchun javobgarlikni differensiatsiya qilish maqsadida giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni isteʼmol qilishga jalb qilishning zoʻrlik ishlatib sodir etiladigan usulini qoʻllaganlik uchun ogʻirlashtiruvchi tarkibni nazarda tutish maqsadga muvofiq. Shu bilan birga, xorijiy davlatlarning (Qozogʻiston, Ukraina, Tojikiston, Rossiya, Moldova, Belorussiya va b.) ijobiy tajribasidan kelib chiqib, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni isteʼmol qilishga jalb etish ehtiyotsizlik oqibatida odam oʻlishiga yoki boshqa ogʻir oqibatlarga sabab boʻlishi holatlarini alohida ogʻirlashtiruvchi holat sifatida belgilash qonunchilikni takomillashtirishga xizmat qiladi. Ushbu taklif mazkur jinoyatni zoʻrlik ishlatib sodir etish hamda odam oʻlimiga yoki boshqa ogʻir oqibatlarga sabab boʻlish holatlarini huquqiy tartibga solinishini, shuningdek, mazkur jinoyatni sodir etganlik uchun javobgarlikni individuallashtirish va

differensiatsiya qilinishini ta'minlaydi. Ayniqsa, bu kabi jinoyatlarning qamrovini kengaytirib, ta'lim muassasalarida, ularning hududida yoxud talabalar turar joylarida va yoshlar gavjum boʻladigan sport-sogʻlomlashtirish oromgohlarida voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan sodir etilganligi uchun qat'iy choralarni alohida ogʻirlashtiruvchi holat sifatida mustahkamlash bugungi kunning kechiktirib boʻlmas ehtiyojidir.

Sakkizinchidan, Jinoyat kodeksi 275-moddasida nazarda tutilgan jinoyat, maxsus subyekt javobgarligini nazarda tutadi. Biroq, moddaning oʻzida bunday holat oʻz aksini topmaganligi amaliyotda ushbu jinoyat tarkibini aniqlashda turli yondashuvlarga sabab boʻlib kelmoqda. Bundan tashqari, ushbu norma tuzilishiga koʻra formal tarkibli jinoyat sifatida belgilanishi koʻrsatilgan qoidalarni buzilishi natijasida zararli oqibatlar kelib chiqqanligi yoki kelib chiqmaganligidan qat'i nazar bir xil javobgarlikni nazarda tutadi [12; 239-b.]. Moddaning amaldagi tahriri ehtiyotsizlik natijasida giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni ishlab chiqarish yoki ulardan foydalanishning qoidalarini jiddiy boʻlmagan tarzda buzganlik uchun ham jinoiy javobgarlikni nazarda tutadi. Bundan tashqari, jinoyat qonunida giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop moddalarni qonunga xilof ravishda yoʻq qilish uchun javobgarlik belgilanmagan. Shundan kelib chiqqan holda, kuchli ta'sir qiluvchi yoki zaharli moddalarni qonunga xilof ravishda muomalaga kiritganlik uchun alohida e'tibor qaratib, bu moddalarning roʻyxati va ular ustidan nazoratni kuchaytirish zarur hisoblanadi.

Toʻqqizinchidan, bugungi kunda giyohvandlikka qarshi kurash va uni oldini olish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etar ekan, bu boradagi profilaktik chora-tadbirlarning huquqiy asosini yanada mustahkamlash, giyohvandlikning oqibatlari bilan emas, balki, sabab va sharoitlari bilan kurashish hamda uning oldini olish tizimini yanada takomillashtirish hamda mazkur jarayonga barcha mutasaddi tashkilotlarni jalb qilish maqsadida Oʻzbekiston Respublikasining 1999-yil 19-avgustdagi "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida"gi qonunini "Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularning analoglarini qonunga xilof ravishda iste'mol qilish va giyohvandlikning profilaktikasini tashkil etish", deb nomlangan yangi bob bilan toʻldirish maqsadga muvofiq. Mazkur bobda giyohvandlik vositalari, ularning analoglari va psixotrop moddalarning qonunga xilof ravishda iste'mol qilish va giyohvandlikning profilaktikasini tashkil etishda ishtirok etuvchi organlar, ularning vakolatlari va majburiyatlari, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar iste'mol qilinishini barvaqt aniqlashga qaratilgan chora-tadbirlarni nazarda tutuvchi qoidalar mustahkamlanishi maqsadga muvofiqdir. Shu oʻrinda alohida ta'kidlash joizki, amaldagi Ma'muriy javobgarlik toʻgʻrisidagi kodeksni jamoat joylarida giyohvandlik vositalari, psixotrop yoki kuchli ta'sir qiluvchi moddalarni iste'mol qilganlik uchun ma'muriy javobgarlikni (jarima va ma'muriy qamoq koʻrinishida) nazarda tutuvchi maxsus norma bilan toʻldirish ushbu illatning ochiq jamiyatda keng tarqalishining oldini olishda dastlabki samarali profilaktik qadam boʻladi.

Alohida qayd etish mumkinki, giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, ularning analoglarini noqonuniy aylanishiga qarshi kurashishda jinoyat qonunchiligi muhim oʻrinni egallaydi. Zero, ushbu turdagi jinoyatlar uchun javobgarlikni belgilash, ularni sodir etgan shaxslarni axloqan tuzatish, jinoiy faoliyatlarini davom ettirishiga toʻsqinlik qilish hamda boshqa shaxslar tomonidan jinoyat sodir etilishini oldini olishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtai nazardan, Jinoyat kodeksining 73-moddasida belgilangan muddatidan ilgari shartli ozod qilish institutini aholi salomatligi va genofondiga qarshi jinoyatlarni sodir etgan, xususan, narkolaboratoriya tashkil etgan, bu jinoiy faoliyatni moliyalashtirgan yoki koʻp miqdorda giyohvandlik vositalari bilan muomala qilgan shaxslarga nisbatan mutlaqo qoʻllamaslik qoidasini kiritish ushbu moddalarni sotuvchilar va ishlab chiqaruvchilarga nisbatan adolatli va qat'iy ta'sir chorasi hisoblanadi. Shuningdek, xizmat mavqeidan foydalanib, hukumat vakolatlarini suiiste'mol

qilish orqali narkojinoyatchilikka homiylik qilish jinoyatini Jinoyat kodeksiga ogʻir qilmishlar sirasiga alohida mustaqil modda sifatida qoʻshish maqsadga muvofiqdir.

Mazkur taklif va tavsiyalarning amaldagi qonunchilikka tatbiq etilishi narkotik moddalarni noqonuniy aylanishiga qarshi kurash borasidagi qonun normalarini yanada takomillashuviga olib keladi va ushbu turdagi jinoyatlarga qarshi kurash samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

## Foydalanilgan manbalar / References

1. Jismoniy va ma'naviy yetuk yoshlar – ezgu maqsadlarimizga yetishda tayanchimiz va suyanchimizdir. Prezident Shavkat Mirziyoyevning "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakatining IV qurultoyidagi nutqi // Xalq soʻzi. – 2017. – 1-iyul. https://uza.uz/uz/posts/zhismoniy-va-manaviy-etuk-yeshlar-ezgu-ma-sadlarimizga-etish-30-06-2017

2. Гордеев С.А. Уголовная ответственность за незаконный оборот наркотических средств и психотропных веществ // Трибуна ученого: электрон. науч.-практ. журн. – 2022. – № 4. – С. 65-80. – URL: https://tribune-scientists.ru/articles/2238.

3. World Drug Report 2024. Available at: https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/world-drug-report-2023.html

4. Корецкий Д.А., Стешич Е.С. Тенденции борьбы снаркопреступностью: риторика иреальность // American Journal of Criminal Justice. — 2016. — Vol. 41, iss. 1. — С. 14-30.

5. Кучкаров Ш. Вопросы организации взаимодействия правоохранительных органов в направлении противодействия контрабандному ввозу наркотических средств в Республику Узбекистан. Общество и инновации. – 2022. – № 3, 5/S. – С. 91–97. DOI:https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss5/S-pp91-97.

6. Маҳкамов О.М. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётини такомиллаштириш масалалари // Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашишнинг миллий ва хорижий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси (2017 йил 18 апрель) / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори А.Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 31–34.

7. Otajonov A.A. Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar,ularning analoglari bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlar uchun javobgarlik choralarini takomillashtirish // "Yuridikfanlar axborotnomasi - Вестник юридических наук - Review of Law Sciences" ilmiy-amaliy huquqiy jurnali. – 2024, – № 2. – B. 14–25.

8. Отажонов А. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир айрим масалалар //Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 116-121.

9. Отажонов А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 148 б.

10. Очилов И. Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2023. – № 3 (11), pp. 18–24. Available at: https://www.in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/22914

11. Плеханова К. А. Противодействие незаконному обороту наркотиков. Организационно-правовые меры // Социальное управление. – 2025. Т. 7, – № 1S. – С. 140–146. URL: https://smgmt.ru/index.php/smgmt/article/view/253

12. Расулев А. О предмете преступлений, составляющих незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ. Общество и инновации. 3, 5/S (июл. 2022), vol. 3, no. 5/S, pp. 239-245. doi:https://doi.org/10.47689/2181-1415

13. Расулев А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 103 б.

14. Расулев А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун нормаларини такомиллаштириш масалалари // Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашишнинг миллий ва хорижий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси (2017 йил 18 апрель) / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори А.Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 65–69.

15. Синтетик гиёҳвандлик воситаларини яшириш ва тарқатиш усулларини аниқлаш ва фош этиш: Ўқув қўлланма / А.А.Отажонов, И.М.Кутлимуратов, Б.Э.Закиров, Ф.А.Базаров, К.Н.Убайдуллаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 88 б.

16. Умарова Б. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашни такомиллаштириш масалалари. Обзор законодательства Узбекистана. – 2011. – № 4. – Б. 44–48.

17. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш // Юрид. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 2016. – 90-б.

18. Федоров С.Г. Уголовная ответственность за незаконный оборот наркотиков: проблемы теории и практики. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. 2021. – 32 с. URL: https://viewer.rsl.ru/ru/rsl01010789032?page=1&rotate=0&theme=white

19. Ҳайдаров М.М. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш // Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашишнинг миллий ва хорижий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси (2017 йил 18 апрель) / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори А.Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 86–89.

# ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАРДА ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ




***Мирзатиллаев Умид Изатиллаевич***

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, бош илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

***Mirzatillaev Umid Izatillaevich***

*Chief Researcher at the Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) of law.*





***Майоров Андрей Владимирович***

*Россия Федерацияси "Урал давлат юридик университети" Жиноят ҳуқуқи кафедраси профессори, ю.ф.д., профессор.*

***Mayorov Andrey Vladimirovich***

*Professor of the Department of Criminal Law at Ural State University of Law of the Russian Federation, Doctor of law, Professor.*





***Рихсимов Комрон Аброрович***

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, илмий ходим тадқиқотчиси*

***Rikhsimov Komron Abrorovich***

*Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan, researcher researcher.*


# SPECIFIC FEATURES OF THE PREVENTION OF CRIMES RELATED TO THE ILLEGAL TRAFFICKING OF NARCOTIC DRUGS OR PSYCHOTROPIC SUBSTANCES IN PENAL INSTITUTIONS


***Аннотация.*** *Мазкур мақолада жазони ижро этувчи муассасаларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни профилактика қилишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда жазони ижро этиш муассасаларида наркотик моддаларнинг тарқалишига таъсир этувчи омиллар, уларнинг муассаса ҳудудига кириб келиши йўллари ҳамда маҳкумлар ўртасида гиёҳвандликка мойил шахслар билан олиб борилаётган профилактик ишлар кўриб чиқилган. Шунингдек, наркотик моддаларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда махсус техник воситалар, жумладан наркотестерлардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган.*



***Калит сўзлар:*** *маҳкум, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, жиноят, жазони ижро этиш муассасалари, наркотестер, мажбурий даволаш.*



***Abstract.*** *This article analyzes the specific features of preventing crimes related to the illegal trafficking of narcotic drugs or psychotropic substances in penal institutions. The study examines the factors influencing the spread of narcotic substances in penal institutions, the ways they enter the territory of such institutions, as well as preventive work carried out among inmates prone to drug use. In addition, the importance of using special technical devices, including drug testers, for detecting narcotic substances and preventing their spread is highlighted.*



***Keywords:*** *inmate, narcotic drugs, psychotropic substances, crime, penal institutions, drug tester, compulsory treatment.*


Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи жаҳон миқёсида жиноятчиликнинг энг хавфли ва мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Мазкур турдаги жиноятлар нафақат аҳоли саломатлиги ва жамият маънавий муҳитига, балки, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқа-рорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Судлар томонидан 2025 йил давомида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят содир этган **10 134 нафар** шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Мазкур кўрсаткич 2021 йилга нисбатан **2,5 бараварга** яъни **4 182 тадан 10 134 тага** кўпайган.

Умумий судланганларга нисбатан гиёҳвандлик билан судланганлар улуши 2021 йилда **9,3 фоизни** ташкил этган бўлса, 2025 йилда эса **16 фоизга** етган.

2025 йилда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят учун озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг **55 фоизи** ёки **5 583 нафари** Тошкент шаҳри (2 626), Фарғона (1 612) ва Тошкент (1 345) вилоятлари аҳолиси ҳиссасига тўғри келган [1].

Мазкур тоифадаги шахларнининг айримлари жамиятдан ажратилган шароитда жазо муддатини ўтаётган бўлсалар-да, жиноий хатти-ҳаракатларини озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам давом эттириб, **жазони ижро этиш муассасаларининг криминоген вазияти, маҳкумларни тузалиш** ва **қайта ижтимоийлашув** жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, ўтган 2025 йил давомида жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларнинг **17,1 фоизини** гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилган. Шу тоифадаги жиноятларнинг **94,7 фоизи** очиқ тартибли **манзил-колонияларида** жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар томонидан содир этилган.

Натижада **49,8 грамм** гиёҳвандлик моддалари аниқланиб, уларнинг **61,7 фоизи** назорат ўтиш жойларида **38,8 фоизи** муассаса ички ҳудудларида ўтказилган тинтув тадбирлари давомида олинган [2].

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва кучли таъсир этувчи препаратлар жазони ижро этиш муассасаларида тақиқланган нарса ва буюмларнинг рўйхатига киритилган.

Бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган **900 га** яқин маҳкумлар **гиёҳвандликка мойил шахслар** сифатида рўйхатга олиниб, улар билан ички ишлар вазирлиги ва соғлиқни сақлаш вазирликларининг белгиланган меёрий буйруқлари асосида келишилган ҳолда мажбурий даволанмоқда.

Гиёҳвандлик йўлиққан ва мажбурий даволаниши лозим бўлган маҳкумлар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилган ҳолда сақланади. Даволаш курси тугагач, маҳкумнинг касаллик тарихига якуний хулоса ёзилади ҳамда тиббий комиссия хулосаси, шунингдек, клиник-лаборатория, рентгенология ва бошқа текширув натижалари асосида маҳкумнинг руҳий ва жисмоний ҳолатидаги барча ўзгаришларга тавсиф берилади [3].

Гиёҳвандликка йўлиққан маҳкумни мажбурий даволаш курси тўлиқ тугагач, ЖИЭМ маъмурияти унга нисбатан тайинланган мажбурий даволаш чораларини олиб ташлаш тўғрисида судга тақдимнома юборади.

Жазони ўташ даври мобайнида гиёҳвандликдан мажбурий даволанган маҳкум озод этилган тақдирда, ЖИЭМ маъмурияти маҳкум озод этилганидан сўнг у яшайдиган жойдаги наркология диспансерига ёки тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш органларига унинг тиббий картасидан кўчирма юборади.

Манзил-колонияда текширилувчи маҳкумнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлигини аниқлаш манзил-колония маъмурияти ёки туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасалари томонидан махсус техник восита **наркотестер** ёрдамида амалга оширилади [4].

Маҳкум бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши), нутқининг бузилганлиги, қўл бармоқларининг қалтираши, юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиги наркотестер текширувини ўтказиш учун асос бўлади.

Наркотестер текшируви камида икки нафар холис иштирокида, зарур ҳолларда эса шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади.

Наркотестер текширувидан олдин манзил-колония ходими текширилувчи маҳкум ва холисларни махсус техник восита наркотестернинг ишлаш тартиби ва кўрсаткичлари билан таништиради, уларнинг талабига асосан қиёслаш сертификати (нусхаси)ни кўрсатади.

Наркотестер носозлигига шубҳа мавжуд бўлганда ёхуд текширув ўтказиш жараёнида санитария-гигиена қоидалари бузилганда, текширилувчи маҳкум наркотестер текширувидан ўтишдан бош тортиши мумкин.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлиги бўйича текширувдан ўтказишда текширилувчи маҳкум томонидан чиқарилган ҳаво намунаси (биологик суюқлик (сўлак) наркотестер) мосламасини қўллаш йўриқномасига асосан олинади [4].

Текширилувчи маҳкум наркотестер ёрдамида текширувдан ўтишдан бош тортган ёхуд унда текширув натижаларига эътироз мавжуд бўлган ҳолларда, шунингдек маҳкумнинг оғиз бўшлиғидан чиқарилган биологик суюқлик (сўлак) наркотестер ёрдамида текширилганда унинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлиги аниқланган тақдирда, манзил-колония ходими текширилувчи маҳкумни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар таъсиридан маст ҳолда эканлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасасига олиб боради.

Туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаси томонидан тиббий текширув натижалари бўйича баённома тузилади [4].

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жазони ижро этиш муассасаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар пенитенциар тизимдаги криминоген вазиятга жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиши муассасалардаги тартиб-интизомга салбий таъсир кўрсатиб, маҳкумларнинг тузалиш ва қайта ижтимоийлашув жараёнини мураккаблаштиради.

Тадқиқот натижалари жазони ижро этиш муассасаларида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси асосан муассаса ҳудудига турли йўллар билан олиб кирилиши, маҳкумлар ўртасида гиёҳвандликка мойил шахслар мавжудлиги ҳамда муассаса фаолиятининг ўзига хос режим шароити билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шунингдек, наркотик моддаларни аниқлаш ва олдини олишда махсус техник воситалар, жумладан наркотестерлардан фойдаланиш, назорат ва текширув тадбирларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Шу муносабат билан жазони ижро этиш муассасаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш, муассасаларда назорат механизмларини кучайтириш, маҳкумлар ўртасида тарбиявий ва тиббий-профилактик ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Умуман олганда, мазкур йўналишда профилактика тизимини такомиллаштириш жазони ижро этиш муассасалари хавфсизлигини таъминлаш, маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда қайта жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## Фойдаланилган манбалар / References

1. Суд статистикаси (https://stat.sud.uz/criminal).
2. ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳисоботлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. 182-моддаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 174-сонли буйруғи.



# GIYOHVANDLIK VOSITALARI VA PSIXOTROP MODDALAR NOQONUNIY MUOMALASINING OLDINI OLISH SOHASIDAGI MILLIY QONUNCHILIK TAHLILI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

# ANALYSIS OF NATIONAL LEGISLATION IN THE FIELD OF PREVENTING ILLICIT TRAFFICKING OF NARCOTIC DRUGS AND PSYCHOTROPIC SUBSTANCES AND ISSUES OF ITS IMPROVEMENT

*Kutbitdinov G'iyosiddin Xusnidinovich*

*O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Narkotiklar va o'qotar qurollarni nazorat qilish agentligi mas'ul xodimi, mustaqil izlanuvchi*

*Kutbitdinov Gyosiddin Xusnidinovich*

*Administration of the President of the Republic of Uzbekistan Narcotics and Firearms Control under responsible officer of the agency, independent researcher.*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada so'nggi yillarda O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni muomalasi hamda ularning noqonuniy muomalasiga qarshi kurashish sohalarida amalga oshirilayotgan normativ-huquqiy choralar, "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risida"gi qonun normalarini bugungi zamon talablari va global tahdidlarga moslashtirish masalalari tahlil qilingan. Qonuning yangi tahriri loyihasida aks ettirilishi zarur deb topilgan normalarga to'xtalib, hozirgi kunda keng qo'llanilayotgan ayrim tushunchalarga ta'riflar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar, prekursorlar, narkotiklar, narkovaziyat, narkojinoyat, g'ayriqonuniy narkolaboratoriya, giyohvandlik, qarshi kurashish, noqonuniy muomala, davlat nazorati.

**Abstract:** This article analyzes the regulatory and legal measures implemented in recent years in the Republic of Uzbekistan regarding the circulation of narcotic drugs and psychotropic substances, as well as the efforts to combat their illicit trafficking. It examines the challenges of adapting the norms of the Law "On Narcotic Drugs and Psychotropic Substances" to modern requirements and global threats. The author focuses on the provisions deemed essential for inclusion in the draft of the new edition of the Law and provides definitions for certain concepts that are widely used today.

**Keywords:** narcotic drugs, psychotropic substances, precursors, drugs, drug situation, drug-related crime, illicit drug laboratory, drug addiction, countering, illicit trafficking, state control.

Bugungi kunda globallashuv va raqamli texnologiyalarning jadal sur'atlarda rivojlanib borayotgani transmilliy jinoyatchilikning eng xavfli turlaridan biri – giyohvandlik vositalarining noqonuniy aylanmasi shakllarini tubdan o'zgartirib yubordi. An'anaviy narkotiklar o'rnini turli usullarda tayyorlanayotgan sintetik moddalar egallamoqda, ularning savdosi esa Internet va ijtimoiy tarmoqlar orqali faol ravishda amalga oshirilgani nafaqat O'zbekiston, balki butun jahon hamjamiyati oldiga ushbu yo'nalishdagi mavjud huquqiy mexanizmlarni qayta ko'rib chiqish vazifasini qo'ymoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, "... shiddat bilan o'zgarayotgan dunyoda giyohvandlik xavfi aholi genofondi uchun eng katta tahdidga aylanib bormoqda. Afsuski, bugungi globallashuv davrida bunday xavf-xatar O'zbekistonni ham chetlab o'tmayapti. Bu yil 14 mingdan ziyod giyohvandlik jinoyati qayd qilingan. Ularning 3 mingga yaqinini yoshlar sodir etgani barchamizni jiddiy o'ylantirishi kerak. Narkotik savdolari transchegaraviy va virtual xarakterga ega bo'lib bormoqda. Bu esa jinoyatlarni aniqlashda yangi usullarni qo'llashni, zamonaviy bilim va ko'nikmalarni puxta egallashni talab qilmoqda"[1].

So'nggi yillarda ushbu illatga qarshi kurashishning tashkiliy, institutsional va huquqiy asoslarini zamon talablari asosida tubdan takomillashtirish yo'nalishida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, respublikamizda giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasining barvaqt oldini olish, aholida ularni iste'mol qilishga qarshi "immunitet"ni shakllantirish orqali genofondimizga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarni bartaraf etish, giyohvandlikka chalingan bemorlarni jahon tajribasidan kelib chiqib, tibbiy-davolanish tizimini tashkil etish sohadagi davlat siyosatining istiqbolli yo'nalishlarini belgilash maqsadida 2024-yil 6-mayda Davlat rahbarining "O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qo'yish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta'sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni [2] qabul qilindi.

Ushbu farmon bilan 6 ta maqsad, 48 ta ustuvor yo'nalish va 272 ta chora-tadbirni o'zida jamlagan O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish bo'yicha 2024–2028-yillarga mo'ljallangan milliy strategiya tasdiqlandi. Milliy strategiyani ishlab chiqishda ilg'or xorijiy tajribalar, 50 nafardan ortiq xalqaro, shu jumladan BMT ekspertlari, respublika mutasaddi vazirlikva idoralarining 100 dan ortiq xodimlari ishtirok etdi.

Har yili milliy strategiyada belgilangan chora-tadbirlarni samarali amalga oshirish bo'yicha aniq mexanizmlarni nazarda tutuvchi milliy dastur tasdiqlanishi hamda ijrosi qat'iy nazoratga olinishi belgilandi.

O'z navbatida, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 15-noyabrdagi 759-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish bo'yicha milliy strategiyani amalga oshirish yuzasidan 2024–2025-yillarga mo'ljallangan milliy dastur ijrosini ta'minlash choralari ko'rildi.

Bundan tashqari, Davlat rahbari 2025-yil 3-noyabr kuni millat genofondini giyohvandlikdan himoya qilish, kiberjinoyatlarga qarshi samarali kurashish hamda prokuror nazoratini raqamlashtirish yuzasidan takliflar taqdimoti bilan tanishuv jarayonida so'nggi yillarda narkojinoyatchilik butun insoniyat uchun yangi global xavf-xatarga aylanayotgani, dunyoda 400 milliondan ortiq odam bu illatga duchor bo'lgani, uning oqibatida yiliga 300 mingga yaqin odam vafot etayotgani, 2025-yil boshidan 11 mingdan ziyod narkojinoyat aniqlanib, 2,5 tonnaga yaqin giyohvandlik moddalari ushlab qolingani, bunday jinoyatlarning shakl va turlari yildan yilga ko'payib, qamrovi ortib borayotgani narkojinoyat va giyohvandlikka qarshi kurashishni kompleks ravishda tashkil qilish kechiktirib bo'lmaydigan vazifa ekanini ko'rsatayotganini, milliy qonunchiligimizga mana shunday xavf-xatarlarning oldini

olish, ularga qarshi ayovsiz kurashish, bunday illatni tag-tomiri bilan yoʻqotishga qaratilgan normalarni kiritish vaqti kelganini alohida qayd etib oʻtdilar [3].

Shundan soʻng, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 3-noyabrdagi “Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi farmoni qabul qilindi hamda ushbu farmon bilan 52 ta ustuvor yoʻnalish va 120 ta chora-tadbirdan iborat Giyohvandlik va narkojinoyat-larning barvaqt oldini olish hamda ularga qarshi kurashish boʻyicha 2025–2026-yillarga moʻljallangan kompleks amaliy harakatlar milliy dasturi tasdiqlandi [4].

Mazkur farmon tahlili belgilangan maqsadlarni amalga oshirishning 3 ta asosiy yoʻnalishini koʻrsatmoqda: 1) jinoiy-huquqiy choralar va normativ mexanizmlarni kuchaytirish; 2) manzilli tezkor-profilaktik choralarni amalga oshirish; 3) kompleks tashkiliy-tarbiyaviy tadbirlarni oʻtkazish.

Farmonda belgilangan jinoiy-huquqiy choralar va normativ mexanizmlarni kuchaytirish yoʻnalishi doirasida “Oʻzbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga giyohvandlik vositalari, psixot-rop moddalar yoki ularning analoglarining va kuchli ta’sir qiluvchi moddalarning qonunga xilof muomalasi uchun javobgarlikni takomil-lashtirishga qaratilgan qoʻshimcha va oʻzgar-tirishlar kiritish toʻgʻrisida”gi Oʻzbekiston Respublikasi qonuni loyihasi ishlab chiqildi va ayni paytda Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasida koʻrib chiqilmoqda.

Ushbu qonun loyihasida Jinoyat kodeksidagi giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalar, kuchli ta’sir qiluvchi yoki zaharli moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilishdan iborat jinoyatlar aholi salomatligi va genofondiga qarshi jinoyatlar sifatida alohida bobga birlashtiril-moqda. Shuningdek, Jinoyat kodeksidagi mazkur bobda narkotiklarning noqonuniy muomalasiga hokimiyat (mansab) vakolatlarini suiiste’mol qilish yoʻli bilan homiylik (rahnamolik) qilish hamda gʻayriqonuniy narkolaboratoriya tashkil yetish va uning faoliyat yuritishini ta’minlash kabi qilmishlar uchun jinoiy javobgarlikni nazarda tutuvchi yangi normalar belgilanmoqda. Ma’muriy javobgarlik toʻgʻrisidagi kodeksga esa giyoh-vandlik vositalari, psixotrop yoki kuchli ta’sir qiluvchi moddalarni jamoat joylarida iste’mol qilganlik uchun javobgarlik belgilash nazarda tutilyapti. Bundan tashqari, bu turdagi jinoyatlar qayta sodir yetilishining oldini olish maqsadida jinoiy javobgarlik choralari kuchaytirilmoqda [5].

Yuqorida keltirib oʻtilgan normativ-huquqiy mexanizmlarni kuchaytirish (takomillashtirish) bilan bogʻliq choralar albatta ushbu yoʻnalishda belgilangan davlat siyosatining ustuvor yoʻnalish-lari izchillik bilan amalga oshirilayotganidan dalolat beradi.

Ma’lumki, bundan 26 yil muqaddam, ya’ni 1999-yil 19-avgustda Oʻzbekiston Respublikasining “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida”gi qonuni [6] qabul qilingan edi.

Mazkur Qonun giyohvandlik vositalari, psi-xotrop moddalar va prekursorlarning muomalada boʻlishiga oid ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi, ularning qonunga xilof ravishda muo-malada boʻlishiga monelik qilish, fuqarolar sogʻligʻini saqlash hamda davlat xavfsizligini ta’minlashni maqsad qilgan asosiy qonunlardan biri hisob-lanadi.

Bugungi globallashuv davrida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish nafaqat milliy darajada, balki xalqaro darajada dolzarb boʻlib borayotgan bir vaqtda ushbu Qonunni ham zamon talablariga moslashtirish ehtiyoji yuzaga keldi.

Xususan, Oʻzbekiston Respublikasi Preziden-tining 2024-yil 6-maydagi PF–73-son farmoni bilan tasdiqlangan Oʻzbekiston Respublikasida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish boʻyicha 2024–2028-yillarga moʻljallangan milliy strategiyaning 11-bandida va 2025-yil 3-noyabr-dagi PF–207-son farmonining 3-bandida ushbu qonunning yangi tahrirdagi loyihasini ishlab chiqish vazifasi belgilab berilgan.

Fikrimizcha, ilgʻor xorijiy tajriba hamda huquqni qoʻllash amaliyoti tahlilidan kelib chiqqan holda

xulosa qiladigan boʻlsa, ushbu Qonunda quyidagi yoʻnalishlardagi muhim normalar va yangi mexanizmlar nazarda tutilmagan:

• giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar qonuniy muomalasi, shuningdek, ularning noqonuniy muomalasiga qarshi kurashish sohalaridagi asosiy prinsiplar hamda davlat siyosatining asosiy yoʻnalishlari;

• yangi turdagi giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalariga, ularning Internet orqali tarqalishiga, gʻayriqonuniy narkolaboratoriyalar faoliyatiga qarshi kurashishga qaratilgan kompleks huquqiy mexanizmlar;

• giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning qonuniy muomalasi, giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish faoliyatini bevosita amalga oshiruvchi va unda ishtirok etuvchi davlat organlari va muassasalari tizimi, ularning vakolatlari va majburiyatlari;

• respublikada noqonuniy muomalasi ortayotgan kuchli taʼsir qiluvchi moddalar muomalasi va unga qarshi kurashish mexanizmlari;

• giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar muomalasi ustidan davlat nazorati mexanizmlari, shu jumladan giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar muomalasidagi barcha jarayonlarni elektron nazorati qilish tartiblari;

• giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar qonuniy muomalasi, giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish sohalarida qoʻllanilayotgan asosiy tushunchalarning mazmun-mohiyati.

Masalan, bugungi kunda jamiyatda “narkotiklar”, “narkojinoyat”, “narkovaziyat”, “gʻayriqonuniy narkolaboratoriya”, “giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish” kabi tushunchalar faol ravishda qoʻllanilmoqda.

Biroq, ushbu tushunchalarning mazmun-mohiyati na “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida”gi qonunda, na boshqa qonunchilik hujjatlarida yoritilgan.

Yana bir holat, hozirgi kunda anʼanaviy giyohvandlik vositalari oʻrnini sintetik narkotiklar egallayotgani, ushbu narkotiklar gʻayriqonuniy narkolaboratoriyalarda tayyorlanayotgani, asosiy xomashyo sifatida prekursordan foydalanilayotgani prekursorlar muomalasi ustidan ishonchli davlat nazorati oʻrnatishni taqozo etmoqda.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, xulosa oʻrnida shuni aytish mumkinki, “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida”gi qonunning yangi tahririni ishlab chiqishda yuqorida keltirilgan masalalarni eʼtiborga olish hamda amaliyotda keng qoʻllanilayotgan ayrim tushunchalarga taʼrif berishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Quyida ana shunday tushunchalarning ayrimlariga biz tomondan berilgan taʼriflarni keltiramiz:

1) **narkojinoyat** – Oʻzbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksida nazarda tutilgan giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari, kuchli taʼsir qiluvchi moddalar va prekursorlarning noqonuniy muomalasi bilan bogʻliq ijtimoiy xavfli qilmish;

2) **narkojinoyatlarga qarshi kurashish** – narkojinoyatlarning oldini olish, ularni aniqlash, ularga barham berish va ularni fosh etishga qaratilgan harakat yoki faoliyat;

3) **narkovaziyat** – muayyan hududda va maʼlum vaqt oraligʻida giyohvandlikning tarqalganligini, shuningdek, narkojinoyatlar bilan bogʻliq koʻrsatkichlarni (soni, tuzilishi, darajasi, tendensiyalari, omillari) ifodalovchi holatlar yigʻindisi;

4) **giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari, kuchli taʼsir qiluvchi moddalar va prekursorlarning noqonuniy muomalasi** – Oʻzbekiston Respublikasi qonunchiligi bilan giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglari, kuchli taʼsir qiluvchi moddalar va prekursorlar uchun belgilangan tartiblar yoki taqiqlarni buzish bilan bogʻliq harakat yoki faoliyat.

## Foydalanilgan manbalar / References

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va Oʻzbekiston xalqiga Murojaatnomasi, 2025-yil 26-dekabr. https://president.uz/uz/lists/view/8834.

2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 6-maydagi "Oʻzbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qoʻyish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy taʼsirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari toʻgʻrisida"gi PF–73-son farmoni. https://lex.uz/docs/6912475.

3. Davlat rahbarining 2025-yil 3 noyabr kuni millat genofondini giyohvandlikdan himoya qilish, kiberjinoyatlarga qarshi samarali kurashish hamda prokuror nazoratini raqamlashtirish yuzasidan takliflar taqdimoti bilan tanishuv jarayonidan. https://president.uz/uz/lists/view/8617.

4. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 3-noyabrdagi "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida"gi PF–207-son farmoni. https://lex.uz/docs/7818774.

5. Inson huquq va manfaatlarini taʼminlash – asosiy maqsad. https://parliament.gov.uz/news/inson-huquq-va-manfaatlarini-taminlash-asosiy-maqsad.

6. Oʻzbekiston Respublikasining 1999-yil 19-avgustdagi "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida"gi Qonuni. https: // lex.uz/ru/docs/86044.



# GIYOHVANDLIK VOSITALARI VA PSIXOTROP MODDALAR BILAN BOG'LIQ JINOYATLAR BO'YICHA TAYINLANAYOTGAN JAZOLARNING KRIMINOLOGIK SAMARADORLIGI TAHLILI

# ANALYSIS OF THE CRIMINOLOGICAL EFFECTIVENESS OF PUNISHMENTS IMPOSED FOR CRIMES RELATED TO NARCOTIC DRUGS AND PSYCHOTROPIC SUBSTANCES

*Kuziyev Dilshod Axrorovich*

*O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti mustaqil izlanuvchisi*

*Kuziev Dilshod Akhrorovich*

*Independent researcher at the Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan.*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatlar uchun tayinlanayotgan jazolarning, xususan, ozodlikdan mahrum qilish jazosining kriminologik samaradorligi tahlil qilingan. Xalqaro standartlar, BMT va JSST tashabbuslari hamda milliy sud-tergov statistikasi asosida an'anaviy jazolash siyosatini qayta ko'rib chiqish zarurligi asoslab berilgan. Tadqiqotda mahkumlar o'rtasida retsidivning yuqoriligi va narkojinoyatlarning to'liq virtual makonga (kibermakonga) ko'chishi kabi muammolar yoritilib , giyohvandlikka mubtalo bo'lgan bemor-iste'molchilarni jazolash o'rniga adliya tizimidan sog'liqni saqlash tizimiga yo'naltirish (diversion), reabilitatsiya dasturlarini kengaytirish va raqamli narkojinoyatchilikka qarshi jinoyat qonunchiligini takomillashtirish bo'yicha ilmiy takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** giyohvandlik jinoyatlari, jazoning kriminologik samaradorligi, retsidiv, kiber-narkojinoyatchilik, penitensiar inqiroz, muqobil jazo choralari, tibbiy-reabilitatsiya, jinoyat qonunchiligini takomillashtirish.

**Abstract.** This study analyzes the criminological effectiveness of punishments, particularly imprisonment, imposed for the illicit trafficking of narcotic drugs and psychotropic substances. Based on international standards, UN and WHO initiatives, and national judicial and investigative statistics, the necessity of revising traditional penal policy is substantiated. The research highlights problems such as high rates of recidivism among convicts and the complete shift of drug-related crimes into the virtual environment (cyberspace). Scientifically grounded proposals have been developed to divert dependent patient-consumers from the justice system to the healthcare system instead of punishing them, expand rehabilitation programs, and improve criminal legislation to combat digital narcocrime.

**Keywords:** drug crimes, criminological effectiveness of punishment, recidivism, cyber-narcocrime, penitentiary crisis, alternative penal measures, medical rehabilitation, improvement of criminal legislation.

Zamonaviy jinoyat huquqi va kriminologiya fanida jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimining eng murakkab va bahsli yoʻnalishlaridan biri tayinlanayotgan jazolarning kriminologik samaradorligini baholash hisoblanadi. Jazo institutlarining asl mohiyati nafaqat sodir etilgan qilmish uchun davlatning majburlov va jazolash chorasini *(repressiyani)* amalga oshirish, balki, mahkumni axloqan tuzatish *(resotsializatsiya)*, yangi jinoyatlarning oldini olish *(umumiy va maxsus ogohlantirish)* hamda jamiyatda ijtimoiy adolatni tiklashdan iboratdir. Biroq, giyohvandlik vositalari, ularning analoglari va psixotrop moddalarning noqonuniy muomalasi bilan bogʻliq jinoyatlarda an'anaviy jazo turlari, xususan, ozodlikdan mahrum qilish jazosining obyektiv samaradorligi butun jahon kriminologlari, sotsiologlari va xalqaro tashkilotlar tomonidan jiddiy shubha ostiga olinmoqda. Jismoniy va ruhiy qaramlikka mubtalo boʻlgan, neyrobiologik disfunksiyadan aziyat chekayotgan shaxslarga nisbatan sof jazolash va qatagʻon siyosatini qoʻllash aksariyat hollarda kutilgan natijani bermay, aksincha, retsidiv jinoyatchilik darajasining geometrik progressiyada oshishiga, penitensiar tizimning oʻta ortiqcha yuklanishiga hamda marginallashgan qatlamning yanada kengayishiga olib kelmoqda.

Shu nuqtai nazardan, mazkur maqolada xalqaro standartlar, xorijiy olimlarning ilmiy-nazariy qarashlari, milliy amaliyotdagi statistik koʻrsatkichlar hamda keng qamrovli sotsiologik va ekspertlik tadqiqotlari natijalari asosida giyohvandlik jinoyatlari boʻyicha tayinlanayotgan jazolarning kriminologik samaradorligi imkon qadar tahlil qilinadi.

Global miqyosda giyohvandlik va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga qarshi kurashish tizimi Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) fundamental konvensiyalariga asoslanadi. Biroq, soʻnggi oʻn yilliklarda BMTning Narkotiklar va jinoyatchilik boʻyicha boshqarmasi (UNODC), Xalqaro narkotiklarni nazorat qilish kengashi (INCB) hamda Jahon sogʻliqni saqlash tashkiloti (JSST) tomonidan qabul qilingan strategiyalar jazolash siyosatini tubdan qayta koʻrib chiqishni taqozo etmoqda.

BMTning 2024 va 2025-yillarga moʻljallangan "Jahon giyohvandlik hisoboti" *(World Drug Report)*da keltirilgan empirik ma'lumotlarga koʻra, global miqyosda yiliga oʻrtacha 6,9 million kishi giyohvandlik jinoyatlari boʻyicha huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan rasmiy aloqaga kirishadi. Ushbu shaxslarning 2,7 million nafari jinoiy ta'qibga olinadi va 1,7 million inson sudlanadi. Eng xavotirli jihati shundaki, sudlanganlarning qariyb 900 ming nafari, ya'ni mutlaq koʻpchiligi faqatgina moddani oʻz iste'moli uchun saqlagani yoki iste'mol qilgani uchun ogʻir jazolarga tortilgan. Hozirgi kunda dunyo qamoqxonalarida 11,5 milliondan ortiq mahkum saqlanmoqda va ularning katta qismini giyohvandlik jinoyatlari uchun qamalganlar tashkil etadi, bu esa global penitensiar inqirozni keltirib chiqarmoqda [1].

Mazkur global inqiroz fonida xalqaro huquq normalari va inson huquqlari deklaratsiyalari jazoning mutanosibligi *(proportionality of sentences)* tamoyilini ilgari surmoqda. Ushbu tamoyilga koʻra, insonning erkinligini cheklash va unga nisbatan jazo chorasini qoʻllash faqatgina qilmishning jamiyat uchun ijtimoiy xavflilik darajasiga toʻliq mos kelgandagina qonuniy va adolatli hisoblanadi [2]. Xalqaro narkotiklarni nazorat qilish kengashi *(INCB)* oʻzining yillik hisobotlarida giyohvandlik jinoyatlari uchun oʻlim jazosini va oʻta shafqatsiz uzoq muddatli qamoq jazolarini qoʻllashni keskin qoralab, bunday jazolash amaliyoti BMT konvensiyalari va xalqaro inson huquqlari normalariga, xususan, yashash huquqiga bevosita zid ekanligini ta'kidlaydi [3]. INCB davlatlarni narkojinoyatlar uchun belgilangan ogʻir jazolarni bekor qilishga va ularni muqobil insonparvar choralar bilan almashtirishga chaqirib kelmoqda.

Xalqaro darajada tan olingan quyidagi fundamental standartlar va qoidalar narkojinoyatlar boʻyicha jazoni tayinlash va ijro etishda asosiy konseptual mezon boʻlib xizmat qilmoqda:

Birinchidan, "Tokio qoidalari" (The Tokyo Rules) – BMTning Ozodlikdan mahrum qilish

bilan bog'liq bo'lmagan choralar bo'yicha standart minimal qoidalari mahkumlarni jamiyatdan va oilasidan ajratmagan holda tuzatishga, ayniqsa, uncha og'ir bo'lmagan va shaxsiy iste'mol bilan bog'liq narkojinoyatlarda qamoqqa muqobil choralarni (probatsiya, jamoat ishlari, jarima) keng qo'llashga chaqiradi. Tokio qoidalariga ko'ra, jinoyat adliyasi tizimi qamoqxonalarni oxirgi chora sifatida ko'rishi va shaxsning ijtimoiy foydali aloqalarini saqlab qolishga harakat qilishi lozim[4].

Ikkinchidan, "Nelson Mandela qoidalari" (The Nelson Mandela Rules) – Mahkumlar bilan muomala qilishning standart minimal qoidalari qamoqxonalarda saqlanayotgan, giyohvandlikka mubtalo bo'lgan shaxslarga jazo bilan bir qatorda, majburiy va ixtiyoriy tibbiy-reabilitatsion yordam ko'rsatilishi shartligini belgilaydi. Xalqaro amaliyot shuni ko'rsatadiki, qamoqxonalarda OIV (VICH), gepatit C va sil kabi yuqumli kasalliklarning tarqalish darajasi umumiy aholiga nisbatan bir necha barobar yuqori bo'lib, bu ko'pincha mahkumlarning narkotik moddalarni inyeksiya yo'li bilan, nosteril sharoitda qabul qilishi oqibatida kelib chiqadi. Shu sababli, penitensiar muassasalarda zararni kamaytirish (harm reduction) dasturlarini joriy etish xalqaro talabga aylangan [5].

Uchinchidan, "Bangkok qoidalari" (The Bangkok Rules) – Xotin-qizlar jinoyatchiligida, ayniqsa, oilaviy zo'ravonlik, iqtisodiy qaramlik yoki aldov yo'li bilan narkokuryerlikka majburlangan ayollarga nisbatan ozodlikdan mahrum qilish jazosini qo'llash ularning farzandlari va oilalariga halokatli, tuzatib bo'lmas ta'sir ko'rsatishi sababli muqobil jazolarni afzal ko'rishni qat'iy tavsiya etadi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ayollar erkaklarga nisbatan ko'proq narkotrafik (tashish va o'tkazish) jinoyatlari bo'yicha sudlanadilar, chunki, ular jinoiy iyerarxiyaning eng quyi pog'onasida, himoyasiz "qalqon" (mule) sifatida foydalaniladi [6].

BMTning Narkotiklar va jinoyatchilik bo'yicha boshqarmasi (UNODC) va Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) hamkorligida 2016-yilda boshlangan "Sudlash yoki jazolashga muqobil choralar" (Alternatives to Conviction or Punishment – ATI) global tashabbusi narkosiyosatda inqilobiy burilish yaratdi. Ushbu tashabbus shaxsiy iste'mol uchun giyohvandlik moddasi saqlagan, sog'lig'ida disfunksiya mavjud bo'lgan shaxslarga nisbatan jazo o'rniga davolash, ta'lim berish va reabilitatsiya dasturlarini taklif qilishni nazarda tutadi. Ushbu tashabbusning asosiy ilmiy argumenti shundaki, qamoq jazosi narkomanlarni tuzatmaydi, aksincha, ozodlikka chiqqandan so'ng ularning jamiyatga moslasha olmasligi va o'ta dozalanish (overdose) xavfining keskin ortishiga, shuningdek, takroriy jinoyatchilik spiraliga tushib qolishiga olib keladi. ATI tashabbusi doirasida giyohvandlik bilan bog'liq mayda jinoyatlarni sodir etgan shaxslarni jinoyat adliyasi tizimidan sog'liqni saqlash tizimiga yo'naltirish (diversion) samarali va tejamkor mexanizm sifatida e'tirof etilgan [7].

Shu o'rinda, xorijiy olimlarning ilmiy nazariy qarashlariga e'tibor qaratsak. Xususan, jazoning kriminologik samaradorligi masalasi jahon kriminologiyasi, sotsiologiyasi va huquqshunosligida ikkita yirik fundamental nazariyaning o'zaro bahsiga sabab bo'lib kelmoqda. Bular: Qo'rqitish (Deterrence) nazariyasi va Reabilitatsiya (Rehabilitation) nazariyasi [8]. Ushbu nazariyalarning giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan bog'liq jinoyatlar doirasida qo'llanilishini xorijiy olimlarning ko'p yillik empirik tadqiqotlari orqali chuqur tahlil qilish mumkin.

Klassik kriminologiya maktabi tomonidan shakllantirilgan Qo'rqitish nazariyasiga ko'ra, inson ratsional fikrlovchi mavjudot sifatida jinoyat sodir etishdan oldin uning foydasi va xavf-xatarini (jazoni) taroziga qo'yadi. Agar davlat tomonidan tayinlanadigan jazo muqarrar, tezkor va yetarlicha qattiq bo'lsa, shaxs o'z ixtiyori bilan jinoyat sodir etishdan tiyiladi. Ushbu yondashuv ko'pgina davlatlarning "narkotiklarga qarshi urush" (War on Drugs) siyosatining asosi bo'lib xizmat qilgan va jazo muddatlarining keskin uzaytirilishiga, majburiy minimal jazolarning (mandatory minimums) joriy etilishiga sabab bo'lgan [9].

Biroq, zamonaviy kriminologiya Qoʻrqitish nazariyasining narkojinoyatlarga nisbatan ishlash mexanizmini jiddiy shubha ostiga olmoqda. Amerikalik taniqli kriminolog Daniel S. Nagin oʻzining "Yigirma birinchi asrda qoʻrqitish" nomli fundamental tadqiqotlarida taʼkidlashicha, jazoning ogʻirligi (masalan, qamoq muddatini 5 yildan 15 yilgacha uzaytirish) jinoyatchilikni toʻxtatishda deyarli hech qanday qoʻshimcha samara bermaydi. Aksincha, jazoning muqarrarligi (qoʻlga tushish xavfining yuqoriligi va politsiyaning faolligi) kuchliroq ogohlantiruvchi taʼsirga egadir. Daniel S. Nagin fikricha, uzoq muddatli qamoq jazolari mahkumlarni kelgusida yanada malakali va shafqatsiz jinoyatchilarga aylantiradigan "jinoyatchilik maktabi" vazifasini oʻtaydi, ularni qamoqxona sharoitiga koʻniktiradi (desensibilizatsiya) va ozodlikka chiqqandan soʻng qonuniy yoʻl bilan hayot kechirish imkoniyatlarini (ishga joylashish, oila qurish) butkul yoʻqqa chiqaradi [10].

Bu konseptual fikrni Garvard va Chikago universitetlari olimlari I. Kuziemko va S.D. Levitt tomonlaridan AQSH sud-huquq amaliyoti asosida oʻtkazilgan keng koʻlamli empirik tadqiqotlar ham toʻliq tasdiqlaydi. Tadqiqotchilarning qayd etishicha, AQSHda 1980-yildan 2000-yilga qadar narkojinoyatlar uchun qamalganlar soni 15 barobarga (24 ming nafardan 400 ming nafargacha) keskin oshgan boʻlsa-da, bunday ulkan qatagʻon apparatining ishlashi natijasida koʻchalardagi giyohvandlik vositalari (masalan, kokain)ning narxi bor-yoʻgʻi 5-15 foizga koʻtarilgan, umumiy mulkiy va zoʻravonlik jinoyatlarining qisqarishiga esa atigi 1-3 foizlik arzimas taʼsir koʻrsatgan. Olimlarning yakuniy xulosasiga koʻra, giyohvandlikka qarshi kurashda ommaviy qamash (mass incarceration) siyosati iqtisodiy jihatdan mutlaqo oʻzini oqlamaydigan, milliardlab dollar soliq toʻlovchilar mablagʻini bekorga sarflovchi va kriminologik jihatdan samarasiz mexanizmdir [11].

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlik profilaktikasi zarurati asoslangan va mavjud muammolar tahlil qilingan. Bunda voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etiladigan giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilish jinoyatlarining oldini olish masalalari bayon qilingan.O‘tkazilgan tadqiqotlar asosida mualliflar voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlikka chalinish ehtimolini kamaytirish uchun keng qamrovli profilaktik choralarni ishlab chiqish lozimligini asoslagan.



**Kalit so‘zlar:** giyohvandlik, giyohvandlik profilaktikasi, narkotizm, eyforiya, abstinensiya, deviantlik.



**Abstract.** This article substantiates the necessity of drug addiction prevention among minors and analyzes existing problems. It outlines issues related to the prevention of crimes involving the illicit trafficking of narcotic drugs and psychotropic substances committed by minors. Based on the conducted research, the authors justify the need to develop comprehensive preventive measures to reduce the likelihood of drug addiction among the younger generation.



**Key words:** drug addiction, drug prevention, narcotism, euphoria, abstinence, deviance.

So'nggi vaqtlarda o'smirlar orasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni iste'mol qilish holatlari keng tarqalmoqda. Ushbu muammoni o'rgangan tadqiqotchilar bunga sabab bo'layotgan quyidagi asosiy omillarni ko'rsatmoqdalar:

• tarbiyasi og'ir o'smirlar orasida tarbiyaviy ishlarning yetarli tashkil etilmaganligi;

• pedagoglar va ota-onalarning o'smir tarbiyasiga e'tiborsizligi;

• g'ayriijtimoiy xulq atvorga ega shaxslarning salbiy ta'siri;

• internet tarmoqlarida giyohvandlik vositalarining maqsadli targ'iboti.

Giyohvandlik vositalarini iste'mol qilish shaxsni tanazzuliga olib kelib, uni atrofdagilari uchun jiddiy xavf manbaiga aylantiradi. Giyohvandlik vositalari ta'sirida bo'lgan shaxsning xatti-harakatlarini oldindan aytib bo'lmaydi, ular ko'p holatlarda og'ir jinoyatlarni sodir etadilar.

Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni iste'mol qilish nafaqat O'zbekistonda, balki, butun dunyoda o'ta xavfli ijtimoiy muammolardan bo'lib, aholi salomatligi va milliy xavfsizlikka jiddiy tahdid tug'diradi. Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan bog'liq jinoyatchilik jilovlanmas ekan, notibbiy iste'molchilar ko'payib, oqibatda og'ir va o'ta og'ir jinoyatlar salmog'i oshishini prognoz qilish mumkin.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2024-yilgi hisobotida keltirilgan prognozlarga ko'ra, keyingi 2–3 yil ichida giyohvandlik vositalarini iste'mol qilish ikki baravar ko'payishi kutilmoqda.

O'zbekiston Respublikasining "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risida"gi qonuniga muvofiq, giyohvandlik – giyohvandlik vositalariga ruhiy-jismoniy qaramlik bilan bog'liq kasallik. Bu kasallik giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni muntazam ravishda notibbiy maqsadda iste'mol qilish natijasida yuzaga keladi.

Giyohvandlik vositalari yoki psixotrop moddalarni kichik dozalarda qabul qilish eyforiyani, katta dozalarda esa mastlik – narkotik uyquni keltirib chiqaradi. Giyohvandlik bilan bog'liq ilmiy tadqiqotlarning ko'payishi, giyohvandlar bilan tibbiy, pedagogik va huquqiy jihatdan ishlash bo'yicha amaliy tajribalarning to'planishi natijasida giyohvandlikning oddiy kasallik emasligi tobora oydinlashib bormoqda.

Giyohvandlik vositalarining inson organizmiga yetkazadigan zarari nafaqat fiziologik nuqtai nazardan, balki, shaxs deformatsiyasi, ijtimoiy xulq-atvorining buzilishi, jamiyatda mavjud axloqiy va huquqiy me'yorlardan og'ib, deviant xulq-atvorga aylanishi bilan tavsiflanadi. Masalan, narkotik modda iste'moli eyforiya, ya'ni hayotning jiddiy muammolaridan qutulish, o'zini baxtli his qilish, sababsiz quvonchli kayfiyatda bo'lish hissi tuyg'usini bergani uchun o'smirlar uni "faqat bir marta" sinab ko'rishga qaror qilishadi [1; 45-b.]. Keyinchalik bu asta-sekin qaramlikni keltirib chiqaradi.

Giyohvandlik vositalariga o'rganib borgan sari, ular endi rohatlanish uchun emas, balki, abstinensiyaning azobli alomatlarini bartaraf etish uchun zarur ehtiyojga aylanadi. Bunday holatda giyohvandlar juda xavfli bo'ladi, chunki, tananing giyohvandlik vositalarga bo'lgan ehtiyoji shunchalik kuchliki, ular giyohvandlik vositasini sotib olish uchun zarur mablag' topish maqsadida har qanday xatti-harakatni, hatto, og'ir jinoyatni ham sodir etishga tayyor bo'ladilar.

Giyohvandlik xavfi turli ijtimoiy guruhlarda turlicha namoyon bo'ladi. Biroq, voyaga yetmaganlarning o'ziga xos xususiyati shundaki, ular bunday og'ishlarga kattalarga nisbatan ta'sirchanroq bo'ladilar. Voyaga yetmaganlarning deviant xulq-atvori nafaqat shaxsiyat inqirozi bilan, balki, yuqori faollik, yetarli ijtimoiy va axloqiy yetuklikka ega bo'lmagan holda o'zini ko'rsatish istagi, shuningdek, hayotiy va kasbiy tajribaning yetishmasligi bilan ham izohlanadi. Bu esa voyaga yetmaganlar orasida jamiyatga zid amaliyotlarning paydo bo'lishiga olib keladi. Bunday amaliyotlar, shubhasiz, jamiyatda ijtimoiy taranglik va beqarorlikni keltirib keltirib chiqaruvchi katalizator vazifasini o'taydi [2].

Giyohvandlik asta-sekin o'ziga xos submadaniyatning bir qismiga aylanib bormoqda. Bu submadaniyat og'ish xususiyatlarga ega bo'lib, unda giyohvandlik vositalarini iste'mol qilish

me'yoriy holat sifatida qabul qilinadi. Shu bois, bugungi kunda voyaga yetmaganlar orasidagi giyohvandlik milliy fojia darajasiga yetganini ta'kidlash mumkin. Ko'plab giyohvandlar 30 yoshga yetmay vafot etmoqda. Giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlarni sodir etganlar orasida 14–29 yoshdagilar asosiy foizni tashkil etadi. Voyaga yetmaganlarni ijtimoiy himoya qilishning rasmiy-huquqiy usullari zaif ekanligi, bu hodisaga qarshi kurashish uchun institutsional vositalar va shart-sharoitlarning yetishmasligi zamonaviy yosh avlodning ijtimoiylashuvi buzilishiga sabab bo'lmoqda.

Tan olish kerakki, bugungi kunda jamiyatda yoshlar orasida giyohvandlikning oldini olish bo'yicha samarali va mazmunli strategiya mavjud emas. Giyohvandlik xavfsizligi uchun kurash strategiyasi giyohvandlikka qarshi targ'ibotni, tarbiyaviy chora-tadbirlarni, profilaktika va ijtimoiy-kuch usullarini yaxlit tarzda, tizimli ravishda o'z ichiga olishi lozim.

Muammoning dolzarbligini belgilovchi muhim hujjat sifatida, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 3-noyabrdagi "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmonini alohida qayd etish lozim. Mazkur farmon bilan tasdiqlangan 2025–2026-yillarga mo'ljallangan Milliy dastur ushbu illatga qarshi kurashning mutlaqo yangi bosqichini boshlab berdi.

Milliy dasturda, birinchi navbatda, yoshlar orasida giyohvandlik moddalarining tarqalishiga yo'l qo'ymaslik, yosh avlodni giyohvandlik balosidan asrash va fuqarolar xavfsizligini ta'minlash davlatning bevosita majburiyati ekanligi ta'kidlanib, bu yo'nalishdagi har qanday noqonuniy xatti-harakatga qat'iy chek qo'yish shartligi belgilab berildi.

Voyaga yetmaganlar giyohvandligini murakkab salbiy ijtimoiy hodisa sifatida o'rganishga kirishishdan avval, uning tushunchasini [1], giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni notibbiy maqsadda iste'mol qilish bilan bog'liq hodisa va jarayonlarni tavsiflovchi boshqa atamalarga nisbatini aniqlash lozim. Bu, ayniqsa, voyaga yetmaganlar orasidagi giyohvandlikni tadqiq etish uchun muhimdir, chunki ushbu hodisaning parametrlarini aniqlash O'zbekiston aholisi orasida giyohvandlikka chalinish holatlariga qarshi kurashish bo'yicha samarali davlat siyosatni ishlab chiqish uchun muhim asos bo'lib xizmat qilishi mumkin.

Giyohvandlik vositalari tabiiy yoki sintetik kelib chiqishga ega bo'lgan, shu jumladan dori preparatlari, shuningdek, markaziy asab tizimiga ta'sir ko'rsatuvchi (qo'zg'atuvchi, tinchlantiruvchi, gallyutsinogen va boshqalar) o'simliklar (ushbu o'simliklarning qismlari) ularni muntazam iste'mol qilish natijasida ruhiy va jismoniy qaramlikni (giyohvandlikni) keltirib chiqaradigan, qabul qilishni to'xtatganda abstinensiya rivojlanadigan va dozalarni (tolerantlikni) oshirish zarurati paydo bo'ladigan moddalardir.

O'zbekiston Respublikasining 2020-yil 23-sentyabrda qabul qilgan "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunida yoki ma'lum bir maktab nizomida ko'rsatilgan me'yorlarni ko'rib chiqib, zamonaviy o'smirning maktabda bo'lish shartlari va tartibi yetarlicha rasmiylashtirilgan degan xulosaga kelish mumkin [7]. Albatta, u maktab o'quvchilarining yaxshi o'qishga intilishiga qaratilgan. Agar tartib buzilsa, chora ko'riladi, sinf rahbari ota-onalarga qo'ng'iroq qiladi va barcha qoidabuzarliklar bartaraf etiladi yoki to'xtatiladi.

Voyaga yetmagan shaxsni tarbiyalash jarayoni butunlay giperparvarlik (giper – yunoncha hyper – yuqorida, ortiqcha; ko'payish, me'yordan oshish) tamoyillari asosida quriladi, ya'ni bola bolaligidanoq nazorat qilinib, uning har bir qadami kuzatib boriladi. Albatta, ularning har biri o'zini tasdiqlash uchun ozgina bo'lsa ham erkinlikni his qilishni xohlaydi. Shuning uchun ham maktab ostonasidan hatlab o'tar ekan, boshini noma'lumlik qa'riga tiqadi, ulg'ayishga, mustaqil bo'lishga, har tomonlama nazoratdan xoli bo'lishga intiladi. Lekin, bu tanganing bir tomoni, xolos. Chunki, voyaga yetmagan shaxsni giyohvandlik vositalarni iste'mol qilishga jalb qilishi mumkin bo'lgan boshqa holatlarni ham unutmaslik kerak, bular ota-onasi, tengdoshlarining tushunmovchiligi, uydagi

keskin vaziyat, birinchi muhabbat, do'stlarining ta'siri yoki notinch oila va boshqalar.

Ko'pincha, voyaga yetmaganlar kundalik janjal, xafagarchilik va kamsitishlardan qutulishning yagona yo'li – mast bo'lish, unutish deb tushunadilar. Bu sabablarning barchasi o'ziga xos "pre-deviant sindrom" bo'lib, voyaga yetmagan shaxsning deviant xulq-atvori shakllanishida asos bo'lib xizmat qiladi, keyinchalik F. Pataki tomonidan ajratilgan tasnifda keltirilgan deviant xulq-atvorning barqaror shakli – "yadro"ga aylanadi, xuddi shu "yadro"da giyohvandlik va jinoyatchilik ajratiladi.

Insoniyat sivilizatsiyasi rivojlanib borgani sari aynan jinoyatlarning oldini olish bu hodisaga qarshi kurashishning eng istiqbolli usuli ekanligini anglash tobora kuchayib bordi. Monteskye XVIII asrda yaxshi qonun chiqaruvchi jinoyatlarning oldini olish haqida g'amxo'rlik qilishi kerakligi to'g'risidagi qoidani shakllantirgan.

O'zbekiston Respublikasi hududida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni noqonuniy iste'mol qilish, shuningdek, giyohvandlikning oldini olish "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risida"gi qonunga muvofiq amalga oshiriladi [3].

Shu bilan birga, fuqarolar ijro etuvchi hokimiyat organlari, O'zbekiston Respublikasi subyektlarining davlat hokimiyati organlari tomonidan belgilangan tartibda o'tkaziladigan giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni noqonuniy iste'mol qilish, giyohvandlikning oldini olish bo'yicha tadbirlarda ishtirok etishlari, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga muvofiq bunday tadbirlar majmualarini mustaqil ravishda ishlab chiqishlari va amalga oshirishlari mumkin.

Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni iste'mol qilishga bo'lgan qiziqishning oldini qanday olish mumkin? Shubhasiz, "o'zi tushunishi kerak" qabilidagi mantiq va aqlga ishonmaslik kerak, bu qo'yilgan muammoni hal qilmaydi. 1996-yilda qabul qilingan "Fuqarolar sog'lig'ini saqlash to'g'risida"gi qonunning 19-moddasiga muvofiq, Davlat voyaga yetmaganlarning sog'liqni saqlash huquqlarini ularning jismoniy, ma'naviy rivojlanishi uchun, kasalliklarning oldini olish uchun eng qulay sharoit yaratish, shuningdek maktabgacha ta'lim tashkilotlarida, maktablarda va boshqa muassasalarda tibbiy xizmatni yo'lga qo'yish orqali ta'minlaydi.

Bu ustuvorlik quyidagicha ifodalanadi:

- Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan belgilanadigan tartibda dispanser nazoratida bo'lish hamda bolalar va o'smirlarning davolash-profilaktika muassasalarida davolanishi;
- sanitariya-gigiyena ta'limi olish, o'qish hamda o'zlarining fiziologik xususiyatlari va sog'lig'iga mos sharoitlarda mehnat qilish;
- kasbga yaroqliligini aniqlash chog'ida byudjet mablag'lari hisobidan bepul tibbiy maslahatlar olish;
- sog'liqlari to'g'risida o'zlari uchun qulay tarzda zarur axborot olish.

O'n to'rt yoshdan oshgan voyaga yetmaganlar ma'lumotlarni bilgan holda tibbiy aralashuvga ixtiyoriy ravishda rozilik berish yoki uni rad etish huquqiga ega.

Jismoniy yoki ruhiy rivojlanishida nuqsoni bor voyaga yetmaganlar ota-onalarining yoki ular o'rnini bosuvchi shaxslarning arizasiga ko'ra byudjet mablag'lari, xayriya jamg'armalari va boshqa fondlarning mablag'lari, shuningdek, ota-onalar yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslarning mablag'lari hisobidan ijtimoiy himoya tizimi muassasalarida yashashlari mumkin.

Ota-onalar yoki boshqa shaxslarning o'z tarbiyasidagi voyaga yetmaganlarning huquqlari va manfaatlarini buzishlari, ularni tarbiyalashdan bo'yin tovlashlari, voyaga yetmaganlar bilan ularning sog'lig'iga zarar yetkazadigan darajada shafqatsiz munosabatda bo'lishlari qonunda belgilangan tartibda javobgarlikka tortishga sabab bo'ladi [8].

Mavzuga oid olib borilgan tadqiqotlar doirasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalardan foydalanish holatlarining kelib chiqish sabablari, ularning ijtimoiy-psixologik, maishiy va muhitga oid omillari hamda bu illatning oldini olishga qaratilgan samarali chora-tadbirlarni ishlab chiqish maqsadida, "Voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlik

vositalari va psixotrop moddalardan foydalanishning sabablari hamda oldini olish choralari" mavzusida sotsiologik tadqiqot o'tkazildi[1].

So'rovnoma Qoraqalpog'iston Respublikasi, Samarqand va Andijon viloyatlari hamda Toshkent shahrida voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalardan foydalanish holatlarining sabablari hamda uning oldini olish bo'yicha jamoatchilik fikrini o'rganish yuzasidan tuzilgan savollar asosida shakllantirildi. Tadqiqot doirasida jami 2707 nafar ayol va 2773 nafar erkak ishtirok etdi. Jami 5480 nafar respondentdan 12–14 yosh oralig'idagilar 1461 nafarni, 15–16 yoshdagilar 2717 nafarni, 17–18 yoshdagilar 1302 nafarni tashkil etdi.

So'rovnoma ishtirokchilarining 4049 nafari maktab o'quvchilari, 1335 nafari kollej (akademik litsey) va qolgan 96 nafari politexnikumda tahsil oladigan talabalardir. Oilaviy tarkibiga ko'ra, kichik oilada (faqat ota-onasi bilan) yashaydiganlar 781 nafar, ota-onasi va aka-uka (opa-singillari) bilan yashaydiganlar 3308 nafar, katta oilada (bobo-buvisi bilan) yashaydiganlar 737 nafarni tashkil etdi. Qolgan respondentlar esa, noto'liq oilada yashashini aytganlar.

Sotsiologik tadqiqot natijalari tahliliga asosan, yoshlarning zararli moddalarga yuzlanishiga sabab bo'luvchi omillarni to'rtta asosiy blokka ajratish mumkin:

1. respondentlarning qariyb 47 foizi asosiy aybni oilaviy e'tiborsizlik deb e'tirof etishgan;

2. giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar iste'molining ko'payishiga "tengdoshlar orasida o'zini ko'rsatish" (1292 nafar) va "qiziqish" (1390 nafar) eng katta turtki sifatida keltirilgan;

3. internet va ijtimoiy tarmoqlar (902 nafar) yoshlarda ushbu illatni "trend" yoki zamonaviylik belgisi sifatida targ'ib qilishi;

4. 1128 nafar respondent o'smirlarning oiladagi muammolardan qochish va ularni unutish uchun bu yo'lga kirishini ta'kidlagan.

5. Ijtimoiy diagnoz va jamoatchilik kayfiyatidan kelib chiqib, ikki xil yondashuvni, ya'ni (repressiv) respondentlarning asosiy qismi (3238 nafar) giyohvandlik vositalari aylanmasi uchun qat'iy jinoiy jazo tarafdori bo'lishsa, 1118 nafar ishtirokchi (reabilitatsion) tibbiy-psixologik yordamni muhim deb hisoblaydi.

Bu muammo jamiyatning ushbu illatga nisbatan murosasizligini ifodalab, tibbiy va ijtimoiy jihatlarini ham tan olish zarurligini ko'rsatadi.

Ushbu natijalardan kelib chiqib, profilaktika tizimini quyidagicha takomillashtirish taklif etiladi:

"Oila – maktab – mahalla" triadasini kuchaytirish, oiladagi e'tiborsizlikni kamaytirish uchun ota-onalarning pedagogik va psixologik mas'uliyatini oshirishga qaratilgan treninglarni yo'lga qo'yish.

Ijtimoiy tarmoqlarda giyohvandlikni targ'ib qiluvchi kontentlarga qarshi "anti-trend" roliklar va ijobiy ta'sir etuvchi media-mahsulotlar yaratish.

O'smirlarning psixologga murojaat qilishini normal holat sifatida qabul qilishlari uchun ta'lim muassasalarida "ishonch tizimi"ni yaratish.

Giyohvandlikka moyilligi yuqori bo'lgan (xavf guruhidagi) o'smirlarni bepul va imtiyozli sport to'garaklariga majburiy-ixtiyoriy jalb qilish.

Giyohvandlikka qarshi kurash faqat huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vazifasi emas, balki, birinchi navbatda, oilaviy muhit va ijtimoiy tarbiya masalasidir. Davlat tomonidan ko'rilayotgan choralarni aholining 75 foizdan ortig'i qo'llab-quvvatlashi, ushbu yo'nalishdagi islohotlar uchun mustahkam ijtimoiy asos mavjudligidandir.

O'smirlar orasida giyohvandlikka qarshi samarali kurashish va uning oldini olishning muhim sharti ijtimoiy tartibga solish bo'lishi mumkin. Bu nafaqat giyohvandlik vositalarini iste'mol qilish hodisasiga bo'lgan munosabatni o'zgartirish, balki, voyaga yetmaganlar uchun shaxsiy rivojlanish va o'zini namoyon etishning qonuniy yo'llarini ta'minlaydigan strategiyani yaratishni anglatadi.

Ushbu strategiya giyohvandlik vositalari suiiste'molining oldini olish ishlari muhimligini bir ovozdan ta'kidlash va samaradorligini oshirish, giyohvandlikka qarshi profilaktika tizimlarini yaratish zarurligi, eng asosiysi esa, giyohvandlik vositalaridan xoli turmush tarzini yuritish uchun shart-sharoitlar yaratish tamoyillariga asoslanishi lozim. Bu strategiya giyohvandlik vositalarni

suiiste'mol qilishning oldini olish ishlarining ahamiyatini yakdillik bilan ta'kidlash va samaradorligini kuchaytirish, giyohvandlikka qarshi profilaktika tizimlarini yaratish zarurligi, eng muhimi esa, giyohvandlik vositalaridan xoli hayot tarzini yuritish uchun sharoitlar yaratish tamoyillariga tayanishi kerak.

Voyaga yetmaganlar o'rtasida giyohvandlik ehtimolini kamaytirish ijtimoiy boshqaruvning yaxlit tizimi faoliyati doirasida keng profilaktika chora-tadbirlarini ishlab chiqishni nazarda tutadi. Bunda qaramlarning xavf guruhlarini nazorat qilish mexanizmlari va ushbu tizimning ishlashida talab qilinadigan ishonchlilikni ta'minlash bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishga alohida o'rin ajratiladi. Ushbu vazifalarni hal qilish voyaga yetmaganlar o'rtasida giyohvandlikka qarshi kurash jarayonini boshqarish zarurati va imkoniyatlarini asoslash bilan bog'liq bir qator muammolarni chuqur o'rganishni talab qiladi. Giyohvandlik vositalarning voyaga yetmaganlar orasiga kirib borishi bilan bog'liq ko'plab muammolarni o'zlashtirish, ularning tarqalishiga qarshi kurashish, eng muhimi, bu illatning oldini olish oson ish emas.

Voyaga yetmaganlar tomonidan giyohvandlik vositalari iste'molining o'sishi, shuningdek, jinoyatlarni oldini olishning muhim kriminologik jihati sifatida giyohvandlikning oldini olish zarurati muammosini sintetik giyohvandlik vositalari, ya'ni O'zbekiston Respublikasining har bir subyekti tomonidan qisqa vaqt ichida yetib borgan sintetik xarakterdagi psixotrop moddalar misolida ko'rib chiqamiz. Shunday qilib, 14 yoshdan 18 yoshgacha bo'lgan voyaga yetmaganlar orasida mashhur bo'lgan "spays" insonning bilish qobiliyatini pasaytiradi. Hatto chekish aralashmasining kichik dozalarida ham, u har safar o'zining kimyoviy tarkibi bilan farq qiladi, demak, organizmga har safar bir xil ta'sir ko'rsatmaydi, xotira, ayniqsa, o'quv jarayoni uchun juda muhim bo'lgan operativ xotira yomonlashishi mumkin. "Spays" chekuvchilarda maqsad va vazifalarni tushunishning vayron qiluvchi funksiyalari qayd etiladi, diqqat va diqqatni jamlash qobiliyati zaiflashadi [4]. Istaklar, kommunikatsiyalar yo'qola boshlaydi. Ular o'zlarini jamiyatdan ajralib qolgan, zaifroq (zaif, ta'sirchan) – "ko'rinmayotgandek" his qilishadi.

Shu bilan birga, "spays"ning makkorligi shundaki, u dastlab xayoliy bo'lsa-da, qandaydir psixologik qulaylik yaratadi: giyohvand yengillik, zavq (hali hech kim aynan nima zavq tuyg'usini keltirib chiqarishini tushuntirib bera olmadi), xavfsizlikni his qiladi. Va bu psixologik qulaylikdan voz kechish juda og'ir. Giyohvandlik vositalari turli guruhlarining o'ziga xos xususiyatlarini zarur yordam ko'rsatish nuqtai nazaridan emas, balki, giyohvandlik vositalarini iste'mol qilish va ularning yoshlar orasida tarqalishining oldini olish maqsadida bilish va hisobga olish muhimdir.

Jinoyatlarni oldini olishning kriminologlar tomonidan ajratilgan turli tasniflari mavjud. Biroq, yuqoridagilarni hisobga olgan holda, voyaga yetmaganlar o'rtasida giyohvandlik profilaktikasining quyidagi bosqichlarini farqlash maqsadga muvofiq, bu esa jinoyatlarning, shuningdek, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan qonunga xilof ravishda muomala qilish sohasidagi jinoyatlarning oldini olishga yordam beradi.

Birinchi bosqich – erta profilaktika bosqichida asosiy e'tibor o'smirni emas, balki, uning atrofidagi "zaharli" manbani jilovlashga qaratiladi. Bunda, ijtimoiy xavf guruhidagi o'smirlarning viktimologik zaifligini aniqlash va individual ijtimoiy qo'llab-quvvatlash kerak bo'ladi.

Ikkinchi bosqich – bevosita profilaktika shaxsni jinoiy yo'lga kirib ketishdan tiyib turish, so'ngra muhitni sog'lomlashtirish bilan birga korreksiyalovchi tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishdan iborat. Bunda, deviant xulq-atvor shakllanayotgan paytda kriminal muhitdan ajratish (segregation) va psixologik reabilitatsiya qilish lozim.

Uchinchi bosqich – jinoiy xulq-atvor bosqichida jinoyatlarning huquqiy oqibatlarini qat'iy tushuntirish yo'li bilan jinoyat sodir etishdan qaytarish kechiktirib bo'lmaydigan vazifa sifatida belgilanadi. Bunda, qat'iy nazorat va javobgarlik muqarrarligini anglatish orqali o'smirni jinoyat sodir etishdan majburiy to'xtatib qolish kechiktirib bo'lmaydigan vazifa hisoblanadi.

To'rtinchi bosqich – takroran jinoyat sodir etishning oldini olish. Ya'ni, bu bosqichda huquqiy yordam va ijtimoiy adaptatsiya va resotsializatsiya mexanizmlari orqali takroriy jinoyatchilikka yo'l qo'ymaslik. Ya'ni, bu bosqichda huquqiy yordam va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash orqali ularga yangi hayot boshlash uchun yo'l ochib berish kerak.

Profilaktik ta'sir shunchaki nazorat emas, balki aniq dalillar va ilmiy tahlilga tayangan tizimli intervensiyadir. Faqatgina muammoning ildizi (faktik asosi) va huquqiy yechimi to'g'ri belgilangan taqdirdagina, voyaga yetmagan shaxsni ijtimoiy sog'lomlashtirish imkoni mavjud bo'ladi.

O'tkazilgan tadqiqotimiz natijalari shuni ko'rsatdiki, giyohvandlik jinoyatchiligiga qarshi kurashish bo'yicha ko'rilayotgan choralar yetarli emas. Buni statistik ma'lumotlar ham tasdiqlaydi. Shu munosabat bilan amaldagi qonunchilikni takomillashtirish yo'llarini izlash, davlat hokimiyati organlarining giyohvandlik moddalarining noqonuniy aylanishiga qarshi kurashish bo'yicha faoliyatining tashkiliy asoslari va amaliyotini qayta ko'rib chiqishga qaratilgan ishlanmalar zarur hisoblanadi.

Voyaga yetmaganlar o'rtasidagi giyohvandlikka qarshi kurashish – bu shunchaki huquqiy muammo emas, bu millatning intellektual va jismoniy xavfsizligi masalasidir.

Voyaga yetmaganlar o'rtasida giyohvandlikka qarshi kurash faqat huquqiy choralar bilan cheklanib qolmasligi kerak. Bu "oila – maktab – huquqni muhofaza qilish organlari – raqamli texnologiyalar" zanjirining uzviy hamkorligini talab etuvchi murakkab ijtimoiy vazifadir.

Yuqorida qayd etganimiz Milliy dastur doirasidagi tizimli yondashuv voyaga yetmaganlar o'rtasidagi giyohvandlik muammosini faqat huquqiy jihatdan emas, balki, milliy xavfsizlik va genofond barqarorligi konsepsiyasi doirasida hal etish, millat genofondini asrash va xavfsizlikni ta'minlashning fundamental asosi bo'lib xizmat qiladi.

Shu maqsadda, davlat siyosatining strategik yo'nalishlari sifatida quyidagilar taklif etiladi:

Birinchidan, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining tegishli moddalariga giyohvandlik vositalarini axborot texnologiyalari va internet tarmog'i orqali tarqatish hamda voyaga yetmaganlarni ushbu jarayonga jalb qilish uchun alohida og'irlashtiruvchi holat (kvalifikatsiya) kiritish.

Ikkinchidan, "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risida"gi qonunga voyaga yetmaganlar uchun majburiy tibbiy-ijtimoiy reabilitatsiya dasturlarini ishlab chiqish va moliyalashtirish tartibini belgilovchi normalarni kiritish.

Uchinchidan, ijtimoiy tarmoqlardagi narkokontentlarni aniqlash uchun sun'iy intellektga asoslangan "Nazorat-qalqon" avtomatik tizimini yaratish va uni huquqbuzarliklar profilaktikasi tizimiga integratsiya qilish.

To'rtinchidan, Ichki ishlar, Sog'liqni saqlash va Ta'lim vazirliklari o'rtasida "xavf guruhi"dagi o'smirlar bo'yicha ma'lumot almashishning yagona himoyalangan raqamli platformasini ishga tushirish.

Beshinchidan, o'smirlar va ota-onalar uchun "Giyohvandlik kriminal va tibbiy talqinda" mavzusidagi doimiy media-loyihani amalga oshirish, unda "shok-terapiya" va "ijobiy alternativa" metodlarini uyg'unlashtirish.

Oltinchidan, voyaga yetmaganlar bilan ishlovchi inspektor-psixologlar va ijtimoiy xodimlarning malakasini narko-psixologiya va kiber-kriminalistika yo'nalishida tizimli oshirish.

[1] Mazkur so'rovnoma bo'yicha har bir hududga elektron havolalar yuborilib, onlayn so'rovnoma anonim shaklda o'tkazildi. Aholidan tadqiqot jarayonlariga xolisona yondashib, o'z fikrini bildirishi so'raldi.

## Foydalanilgan manbalar / References

1. Коломец А.А. Об этиологических факторах наркомании. – М., 2006. – 322 с.
2. Романова Л.И. Наркотики: преступления, ответственност. – Владивосток, 2010. – 364 с.
3. Oʻzbekiston Respublikasining 1999-yil 19-avgustda qabul qilgan "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar toʻgʻrisida"gi 813-I-son qonuni.
4. 2024-yil toʻrtinchi choragida Giyohvandlik vositalar va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanishi bilan bogʻliq jinoyatlarga oid jinoiy ishlar boʻyicha sud amaliyoti sharhi // Oʻzbekiston Respublikasi Oliy sudi byulleteni, 2024. –8-son.
5. Oʻzbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot institutining "Giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash va boshqa harakatlar qilish, shuningdek ularni qonunga xilof ravishda oʻtkazish jinoyati" nomli ilmiy-amaliy tadqiqot loyihasi doirasida amalga oshirilgan ishlarning yakuniy hisoboti materiallaridan, 2026.
6. Jinoyatchilik tendensiyalari va omillari davlat hisobotlari (2025-yilning 12 oyi boʻyicha) materiallaridan, 2026.
7. Oʻzbekiston Respublikasining 2020-yil 23-sentyabrda qabul qilgan "Ta'lim toʻgʻrisida"gi OʻRQ-637-son Qonuni.
8. Oʻzbekiston Respublikasining 1996-yil 29-avgustda qabul qilgan "Fuqarolar sogʻligʻini saqlash toʻgʻrisida"gi 265-I-son Qonuni.

# СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ НАРКОТИЗАЦИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

# CURRENT TRENDS IN SUBSTANCE ABUSE AMONG MINORS



***Назарова Лайло Гелдимуродовна***

*Ведущий научный сотрудник Института Криминологических исследований Республики Узбекистан.*

***Nazarova Laylo Geldimurodovna***

*Leading Researcher, Institute of Criminological Research of the Republic of Uzbekistan.*



***Юлия Андреевна Янова***

*Городской суд Свердловской области, город Первоуральск (Российская Федерация).*

***Yulia Andreevna Yanova***

*Sverdlovsk Region City Court, Pervouralsk (Russian Federation).*

**Аннотация.** В статье рассматриваются современные тенденции наркотизации несовершеннолетних как сложного социально-правового и криминологического явления. Проанализированы теоретико-правовые основы наркотизации, выявлены ключевые тенденции её развития, включая омоложение потребителей, рост латентности и цифровизацию наркорынка. Особое внимание уделено системе детерминант, обусловливающих вовлечение подростков в употребление психоактивных веществ. На основе проведённого анализа обоснована необходимость комплексного подхода к предупреждению наркотизации несовершеннолетних, включающего правовые, социальные, образовательные и медицинские меры. Сформулированы приоритетные направления совершенствования государственной политики в данной сфере.

**Ключевые слова:** наркотизация несовершеннолетних; подростковая наркомания; криминологические детерминанты; профилактика преступности; девиантное поведение; психоактивные вещества.

**Abstract.** The article examines modern trends in the drugization of minors as a complex socio-legal and criminological phenomenon. The theoretical and legal foundations of drugization are analyzed, and key development trends are identified, including the decreasing age of first use, increasing latency, and the digitalization of drug markets. Special attention is given to the system of determinants influencing minors' involvement in psychoactive substance use. Based on the analysis, the necessity of a comprehensive approach to prevention is substantiated, combining legal, social, educational, and medical measures. Priority directions for improving state policy in this area are proposed.

**Keywords:** drugization of minors; adolescent drug abuse; criminological determinants; crime prevention; deviant behavior; psychoactive substances.

Наркотизация несовершеннолетних в современной юридической и криминологической науке рассматривается как сложное социально-правовое и девиантологическое явление, характеризующееся вовлечением лиц, не достигших совершеннолетия, в потребление наркотических средств и психоактивных веществ, а также в связанные с этим противоправные практики. Данное явление находится на стыке нескольких научных направлений – криминологии, уголовного права, социологии девиантного поведения и медицины, что обусловливает необходимость его комплексного анализа. В рамках криминологического подхода наркотизация несовершеннолетних трактуется не только как форма аддиктивного поведения, но и как фактор, способствующий формированию устойчивой преступной ориентации личности, особенно в условиях ранней социализации в криминогенной среде [1; 2].

С правовой точки зрения наркотизация несовершеннолетних имеет двойственную природу: с одной стороны, несовершеннолетний выступает как объект уголовно-правовой охраны (жертва вовлечения в незаконный оборот наркотиков), с другой — как субъект возможных правонарушений, связанных с незаконным приобретением, хранением или распространением наркотических средств. В национальном и международном праве закрепляется приоритет защиты прав ребенка, что отражено в нормах уголовного законодательства и международных актах, ориентированных на минимизацию карательного воздействия и развитие реабилитационных механизмов. При этом современная правоприменительная практика демонстрирует тенденцию к расширению мер профилактического и воспитательного характера в отношении несовершеннолетних правонарушителей [3; 4].

Криминологическая характеристика наркотизации несовершеннолетних включает в себя анализ структуры, динамики и форм проявления данного явления. Особое внимание уделяется таким аспектам, как снижение возраста первичного употребления, полинаркотизм, а также переход к синтетическим и легко доступным психоактивным веществам. В условиях цифровизации общества происходит трансформация каналов вовлечения несовершеннолетних в наркопотребление, включая использование интернет-платформ и мессенджеров для распространения наркотиков, что существенно усложняет выявление и пресечение данной деятельности. Эти изменения требуют переосмысления традиционных криминологических подходов и разработки новых методологических инструментов анализа [5; 6].

Существенным элементом теоретического осмысления наркотизации несовершеннолетних является ее связь с общей теорией девиантного поведения. В рамках данной теории наркотизация рассматривается как результат дисфункции социальных институтов — семьи, образования, досуговой среды — а также как следствие деформации ценностных ориентаций личности. При этом значительное влияние оказывают процессы глобализации и культурной трансформации, способствующие распространению моделей поведения, легитимирующих употребление психоактивных веществ. Указанные обстоятельства усиливают необходимость междисциплинарного подхода к исследованию проблемы и разработки комплексных мер ее предупреждения [7; 1].

Современный этап развития общества характеризуется усложнением структуры наркотизации несовершеннолетних и изменением ее количественных и качественных параметров.

По данным международных и национальных исследований, наблюдается устойчивая тенденция к снижению возраста первичного употребления психоактивных веществ, что свидетельствует об усилении ранней вовлеченности подростков в аддиктивные практики. При этом статистические показатели указывают не столько на резкий рост общего числа несовершеннолетних потребителей, сколько

на трансформацию форм потребления, их скрытый характер и латентность, обусловленную развитием новых каналов распространения наркотиков и изменением поведенческих стратегий молодежи [1].

Одной из ключевых тенденций является переход от традиционных наркотических средств к синтетическим психоактивным веществам, обладающих высокой доступностью и вариативностью. Так называемые "дизайнерские наркотики" распространяются преимущественно через цифровые платформы, что существенно снижает барьеры для их приобретения несовершеннолетними. В этой связи отмечается рост полинаркотизма, при котором подростки употребляют несколько видов веществ, комбинируя их в зависимости от доступности и социального контекста. Указанная тенденция усиливает риски формирования устойчивой зависимости и осложняет процессы диагностики и профилактики [2].

Значительное влияние на масштабы наркотизации оказывает цифровизация наркорынка. Использование мессенджеров, анонимных интернет-площадок и криптовалют способствует формированию децентрализованных моделей сбыта, в которые активно вовлекаются несовершеннолетние не только как потребители, но и как участники незаконного оборота (так называемые "закладчики"). Данная практика формирует новую криминогенную нишу, характеризующуюся высокой степенью латентности и трудностями правоохранительного контроля, что в целом расширяет масштабы наркотизации среди молодежи [1].

Наряду с этим следует отметить изменение социального профиля несовершеннолетних потребителей наркотиков. Если ранее наркотизация преимущественно ассоциировалась с маргинальными группами, то в настоящее время она затрагивает более широкий круг подростков, включая социально благополучные категории. Это свидетельствует о нормализации отдельных форм аддиктивного поведения в молодежной среде и снижении уровня их социальной стигматизации. В совокупности указанные процессы формируют новые вызовы для криминологической науки и требуют пересмотра существующих подходов к оценке масштабов и тенденций наркотизации несовершеннолетних [2].

Детерминанты наркотизации несовершеннолетних представляют собой совокупность взаимосвязанных факторов, обусловливающих вовлечение подростков в потребление психоактивных веществ и связанные с этим девиантные и противоправные практики. В современной криминологической науке преобладает многоуровневый подход к анализу детерминации, предполагающий выделение макросоциальных, микросоциальных и индивидуально-психологических факторов. При этом подчеркивается, что наркотизация несовершеннолетних не является следствием одного доминирующего обстоятельства, а формируется в результате комплексного воздействия социальной среды и личностных особенностей подростка [1].

К числу ключевых макросоциальных детерминант относятся социально-экономическая нестабильность, процессы урбанизации, а также глобализация культурных и информационных потоков. Расширение цифрового пространства способствует не только распространению информации о наркотических веществах, но и формированию толерантного отношения к их употреблению в молодежной среде. Дополнительным фактором выступает доступность психоактивных веществ, обусловленная развитием нелегальных рынков и использованием интернет-технологий, что существенно снижает порог вовлечения несовершеннолетних в наркопотребление [2].

Микросоциальные детерминанты связаны прежде всего с ближайшим окружением несовершеннолетнего – семьей, образовательной средой и группой сверстников. Неблагополучие в семье, отсутствие должного контроля со стороны родителей, конфликтные отношения, а также дефицит воспитательного воздействия

выступают значимыми факторами риска. Существенную роль играет и влияние референтной группы: стремление к социальной адаптации и признанию в подростковой среде нередко обусловливает принятие моделей поведения, связанных с употреблением наркотиков. Образовательные учреждения, в свою очередь, не всегда обладают достаточными ресурсами для раннего выявления и профилактики подобных отклонений [1].

На индивидуально-психологическом уровне детерминанты наркотизации включают особенности личности несовершеннолетнего, такие как низкий уровень самоконтроля, склонность к рискованному поведению, эмоциональная нестабильность и наличие внутриличностных конфликтов. Важным фактором является также незрелость ценностно-нормативной системы подростка, что делает его более уязвимым к внешним негативным воздействиям. В ряде случаев употребление наркотических веществ рассматривается несовершеннолетними как способ ухода от стрессовых ситуаций или средство самовыражения, что свидетельствует о недостаточности социальных механизмов адаптации [2].

Предупреждение наркотизации несовершеннолетних, вероятно, следует рассматривать как многоуровневую систему мер, объединяющую усилия государства, общества и семьи.

В научной литературе чаще всего подчеркивается, что эффективность противодействия во многом зависит не столько от ужесточения уголовно-правовых санкций, сколько от развития комплексной профилактической политики, ориентированной на устранение причин и условий вовлечения подростков в наркопотребление. В этой связи можно предположить, что приоритет должен смещаться в сторону ранней профилактики, социальной поддержки и формирования устойчивых антинаркотических установок у несовершеннолетних [1].

Одним из ключевых направлений выступает совершенствование государственной антинаркотической политики. Речь, по-видимому, идет о развитии нормативно-правовой базы, обеспечивающей баланс между мерами уголовной репрессии и социально-реабилитационными механизмами. Важно, чтобы законодательство предусматривало дифференцированный подход к несовершеннолетним, вовлеченным в незаконный оборот наркотиков, с акцентом на их ресоциализацию, а не исключительно на наказание. Одновременно усиливается значение межведомственного взаимодействия правоохранительных органов, образовательных учреждений и органов социальной защиты, что позволяет более своевременно выявлять группы риска и координировать профилактическую работу [2].

Существенное место занимает социально-профилактическое направление, включающее формирование у подростков устойчивой мотивации к здоровому образу жизни. Как показывают исследования, наиболее эффективными оказываются программы, ориентированные не только на информирование о вреде наркотиков, но и на развитие жизненных навыков – критического мышления, стрессоустойчивости, способности противостоять групповому давлению. В этой связи возрастает роль образовательных учреждений, которые, возможно, должны выступать не просто каналом передачи знаний, а полноценной средой социализации и профилактики девиантного поведения [1].

Отдельного внимания, как представляется, заслуживает семейная профилактика. Именно семья формирует базовые ценностные ориентиры и модели поведения несовершеннолетнего. Неблагополучие в семейной среде, дефицит внимания и контроля со стороны родителей существенно повышают риск наркотизации. Поэтому профилактические меры должны включать программы поддержки родительства, психологического консультирования, а также повышение правовой и педагогической компетентности родителей. В ряде случаев эффективной может быть ранняя работа с семьями группы риска, направ-

ленная на предупреждение формирования девиантных установок у детей [2].

Правоохранительное направление предупреждения наркотизации несовершеннолетних связано с выявлением и пресечением каналов распространения наркотиков, в том числе в цифровой среде. В последние годы, как можно предположить, особую актуальность приобретает борьба с интернет-сбытом наркотических средств, вовлечением подростков в деятельность по их распространению, а также использованием анонимных платформ. Вместе с тем акцент должен делаться не только на репрессивных мерах, но и на предупреждении первичного вовлечения несовершеннолетних в противоправную деятельность, что требует внедрения современных криминологических и цифровых инструментов мониторинга [1].

Нельзя, вероятно, игнорировать и значение медицинского и реабилитационного направления. Ранняя диагностика аддиктивного поведения, доступность психологической и наркологической помощи, развитие подростковых реабилитационных программ – все это рассматривается как важный элемент системы предупреждения. Особую роль играет создание условий для социальной реинтеграции несовершеннолетних, уже столкнувшихся с проблемой наркопотребления, поскольку без этого риск рецидива остается высоким [2].

Наконец, в условиях глобализации усиливается значение международного сотрудничества в сфере противодействия наркотизации несовершеннолетних. Обмен научной информацией, внедрение лучших практик профилактики, участие в международных программах позволяют государствам адаптировать наиболее эффективные модели антинаркотической политики. Вероятно, для стран с развивающейся системой профилактики особую ценность представляет интеграция международного опыта с учетом национальных социально-культурных особенностей [1].

Таким образом, основные направления предупреждения наркотизации несовершеннолетних формируют целостную систему, в которой сочетаются правовые, социальные, образовательные, правоохранительные и медицинские меры. Их комплексная реализация, как можно предположить, является необходимым условием снижения уровня наркотизации и минимизации ее негативных последствий для общества [2].

Учитывая вышеизложенное можно сделать вывод о том, что наркотизация несовершеннолетних в современных условиях представляет собой сложное, многогранное и динамично развивающееся социально-правовое явление. Её специфика определяется сочетанием традиционных криминогенных факторов с новыми вызовами, обусловленными цифровизацией общества, трансформацией наркорынка и изменением моделей поведения молодежи. Наблюдается омоложение потребителей психоактивных веществ, рост латентности данного явления, а также расширение форм вовлечения несовершеннолетних не только в потребление, но и в незаконный оборот наркотиков.

Криминологический анализ показывает, что наркотизация несовершеннолетних формируется под воздействием комплекса детерминант – от макросоциальных процессов до индивидуально-психологических особенностей личности. Это предопределяет необходимость системного подхода к предупреждению данного явления, основанного на межведомственном взаимодействии, ранней профилактике и приоритете социально-реабилитационных мер. В современных условиях становится очевидным, что исключительно карательные механизмы не способны обеспечить устойчивое снижение уровня наркотизации подростков.

Таким образом, противодействие наркотизации несовершеннолетних должно носить комплексный, научно обоснованный и практико-ориентированный характер, учитывающий как международный опыт, так и национальные особенности. Только при условии интеграции

усилий государства, общества и семьи возможно достижение значимых результатов в снижении распространенности данного негативного явления.

В этой связи предлагается:

1. Разработать национальную систему раннего выявления несовершеннолетних группы риска на основе межведомственного обмена данными.

2. Разработать новую систему противодействия цифровому наркосбыту с применением современных технологий мониторинга и анализа.

3. Внедрить обязательные комплексные профилактические программы в образовательных учреждениях с акцентом на развитие жизненных навыков.

4. Создать новую специализированную систему реабилитации и социальной реинтеграции несовершеннолетних с зависимым поведением с участием институтов гражданского общества.

5. Обеспечить интеграцию научных исследований в практику государственной антинаркотической политики.

## Использованная литература / References

1. Антонян Ю. М. Криминология: учебник. – М. : Норма, 2021. – 800 с.
2. Долгова А. И. Криминология: учебник для вузов. – М. : Норма, 2020.- 912 с.
3. Кудрявцев В. Н. Причины преступности. – М. : Норма, 2018. – 352 с.
4. Латышев И. В. Подростковая наркомания: криминологический анализ. – СПб. : Юридический центр Пресс, 2019. – 256 с.
5. UNODC. World Drug Report 2023. – Vienna : United Nations, 2023. – 350 p.
6. European Monitoring Centre for Drugs and Drug Addiction (EMCDDA). European Drug Report 2022. – Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2022. – 120 p.
7. Гилинский Я. И. Девиантология: социология преступности, наркотизма, проституции. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2017. – 528 с.



# AYOLLAR TOMONIDAN GIYOHVANDLIK JINOYATLARINING SODIR ETILISHI VA ULARNING OLDINI OLISHDA FARGʻONA TAJRIBASI

# THE FERGANA EXPERIENCE IN PREVENTING DRUG-RELATED CRIMES COMMITTED BY WOMEN

*Oʻrinova Dilshoda Adxamovna*

*Fargʻona viloyati IIB Jamoat xavfsizligi xizmati, мustaqil izlanuvchi*

*Urinova Dilshoda Adkhamovna*

*Public Security Service of the Fergana Region Internal Affairs Department, independent researcher.*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik bilan bogʻliq jinoyatlarning tarkibi, hududiy xususiyatlari hamda ularning oldini olish masalalari oʻrganilgan. Tadqiqot davomida 2021–2025-yillar kesimidagi koʻrsatkichlar asosida ayollar jinoyatchiligi dinamikasi va tuzilmaviy oʻzgarishlari tahlil qilinib, mulkiy jinoyatlar ustuvorligi bilan bir qatorda, giyohvandlik jinoyatlari ulushining keskin ortib borayotgani aniqlangan. Tadqiqot natijasida ayollar narkojinoyatchiligini kamaytirish boʻyicha ijtimoiy qoʻllab-quvvatlash, manzilli profilaktika, reabilitatsiya va hududiy hamkorlik mexanizmlarini takomillashtirishga oid ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit soʻzlar:** Ayollar jinoyatchiligi, giyohvandlik jinoyatlari, narkojinoyatchilik, Fargʻona viloyati, hududiy profilaktika, mulkiy jinoyatlar, jinoyat dinamikasi, ijtimoiy omillar, reabilitatsiya, kriminologik tahlil.

**Abstract.** This article examines the structure and dynamics of crimes committed by women related to illicit drug trafficking, as well as prevention mechanisms, using the example of the Fergana region. Based on statistical indicators for 2021-2025, structural changes in female criminality were identified: while property crimes remain predominant, the proportion of drug-related crimes has increased significantly. The study develops scientific and practical recommendations aimed at improving social support systems, targeted prevention, rehabilitation programs, and inter-agency cooperation in combating female drug-related crime.

**Keywords:** female criminality, drug-related crime, narcotics offences, Fergana region, territorial prevention, property crimes, crime dynamics, social factors, rehabilitation, criminological analysis.

Mamlakatimizda giyohvandlik va narkojinoyatchilikka qarshi kurash masalasi davlat siyosatining ustuvor yoʻnalishlaridan biri sifatida belgilangan. Giyohvandlik vositalarining noqonuniy muomalasi nafaqat jinoiy-huquqiy muammo, balki, aholi salomatligi, milliy genofond, oilaviy barqarorlik va ijtimoiy xavfsizlik bilan chambarchas bogʻliq murakkab ijtimoiy jarayon sifatida namoyon boʻladi. Ayniqsa, ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik bilan bogʻliq jinoyatlar jamiyat uchun ikki karra xavf tugʻdiradi, chunki, ayolning oiladagi tarbiyaviy roli va ijtimoiy taʼsir kuchi yuqori hisoblanadi. Shu sababli ayollar narkojinoyatchiligini oʻrganish va uning oldini olish mexanizmlarini takomillashtirish masalasi dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi.

Davlat darajasida bu masalaga tizimli yondashuvni taʼminlash maqsadida Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2024-yil 6-mayda *“Oʻzbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qoʻyish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy taʼsirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi* farmon qabul qilinib, *Oʻzbekiston Respublikasida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish boʻyicha milliy strategiya* tasdiqlandi [1]. Mazkur hujjatda giyohvandlik vositalarining noqonuniy aylanishiga qarshi kurashish, profilaktika ishlarini kuchaytirish, hududiy komissiyalar faoliyatini muvofiqlashtirish hamda xavf guruhlarini erta aniqlash mexanizmlarini takomillashtirish vazifalari belgilangan. Strategiyada aholi, jumladan ayollar va yoshlar oʻrtasida profilaktik targʻibot ishlarini kengaytirish, reabilitatsiya va ijtimoiy moslashtirish choralarini kuchaytirish zarurligi qayd etilgan.

Shuningdek, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2025-yil 3-noyabrda qabul qilingan *“Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi* farmonda aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik hamda narkojinoyatlardan himoya qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar belgilandi [2]. Ushbu hujjatda narkojinoyatchilikka qarshi kurashni sifat jihatdan yangi bosqichga olib chiqish, hududiy darajada manzilli profilaktika tizimini yoʻlga qoʻyish, reabilitatsiya markazlari faoliyatini takomillashtirish va idoralararo hamkorlikni kuchaytirish vazifalari aniq koʻrsatib berilgan. Bu farmon ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik jinoyatlarining oldini olishda kompleks va muvofiqlashtirilgan yondashuv talab etilishini huquqiy jihatdan mustahkamlab berdi.

Fargʻona viloyati aholisi zich joylashgan, iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlar faol kechadigan hudud sifatida ajralib turadi. Viloyatning demografik xususiyatlari, migratsiya jarayonlari va hududiy oʻziga xosligi giyohvandlik bilan bogʻliq jinoyatlar dinamikasiga taʼsir koʻrsatishi mumkin. Shu bois ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik jinoyatlarini aynan Fargʻona viloyati misolida oʻrganish, hududiy profilaktika mexanizmlarining samaradorligini baholash va mavjud tajribani umumlashtirish dolzarb hisoblanadi.

Mazkur tadqiqotning dolzarbligi shundaki, u yuqorida qayd etilgan normativ-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalar bilan uzviy bogʻliq holda, ayollar narkojinoyatchiligining oldini olish boʻyicha hududiy tajribani ilmiy asosda tahlil qiladi hamda profilaktika mexanizmlarini takomillashtirish boʻyicha takliflar ishlab chiqishga xizmat qiladi.

Bugungi kunda ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik bilan bogʻliq jinoyatlar kriminologiyada murakkab ijtimoiy hodisa sifatida talqin qilinadi. Ilmiy manbalarda ushbu turdagi jinoyatlar, oddiy jinoyatchilikdan farqli ravishda, koʻproq ijtimoiy zaiflik, oilaviy muhitdagi muammolar, iqtisodiy qaramlik va psixologik bosim bilan bogʻlanadi. Tadqiqotchilar ayollarning narkotik moddalar noqonuniy muomalasiga jalb etilishi koʻpincha ularning shaxsiy manfaatidan koʻra tashqi omillar taʼsirida yuzaga kelishini taʼkidlaydilar. Shu sababli ayollar narkojinoyatchiligi masalasini faqat jinoiy-huquqiy nuqtai nazardan emas, balki, ijtimoiy va psixologik jihatdan ham oʻrganish zarur.

Mazkur muammo Y.L. Kazarinnov tadqiqotida tizimli ravishda yoritilgan. Muallif ayollar jinoyatchiligining tuzilishi, darajasi va sabablarini tahlil qilib, ayollar koʻpincha narkotik moddalarni saqlash, tashish yoki vositachilik qilish kabi rollarda ishtirok etishini koʻrsatadi. U ayollarning jinoyatga jalb etilishida iqtisodiy muammolar, ijtimoiy nazoratning sustligi va oilaviy ziddiyatlar muhim oʻrin tutishini asoslaydi. Ayniqsa, muallif profilaktika choralarini faqat jazoga tayanmasdan, ayollarning ijtimoiy ahvolini yaxshilash bilan bogʻlash zarurligini ta'kidlaydi [3; 23–78-b.].

Shu bilan birga, ayollar narkojinoyatchiligi koʻpincha yashirin shaklda namoyon boʻladi. Amaliyot shuni koʻrsatadiki, ayollar jinoiy guruhlarning faol yetakchisi emas, balki, ijrochi boʻgʻinida boʻlishi ehtimoli yuqori. Bu esa ularning jinoyatga koʻproq aldov, bosim yoki yaqinlar ta'siri ostida kirib qolishini anglatadi. Tadqiqotchi S.V. Gazazyan aynan shu jihatni chuqur tahlil qilib, ayollarning jinoyatga jalb etilishida ijtimoiy muhit va shaxsiy zaiflik omillari muhim rol oʻynashini ta'kidlaydi. U jazoni kuchaytirish bilan bir qatorda reabilitatsiya, kasbga oʻqitish va psixologik yordam tizimini rivojlantirish lozimligini ilmiy asoslaydi [4; 15-b.].

Shuningdek, hududiy xususiyatlar ham ayollar narkojinoyatchiligini tushunishda muhim ahamiyatga ega. Yana bir kriminolog olim T.A. Smolina ham oʻz tadqiqotida ma'lum bir hudud materiallari asosida ayollar jinoyatchiligini oʻrganib, jinoyat darajasi hududning ijtimoiy-iqtisodiy sharoiti bilan bevosita bogʻliqligini ta'kidlaydi. U aholi bandligi, migratsiya jarayonlari, ijtimoiy nazorat darajasi va mahalliy institutlarning faolligi ayollar jinoyatchiligiga ta'sir etishini qayd etadi [5;42-43-b.].

Darhaqiqat, mamlakatimizda giyohvandlik va psixotrop moddalarning noqonuniy muomalasi bilan bogʻliq jinoyatlar, ayniqsa, ularning ijtimoiy xavfi va turli qatlamlarga, jumladan ayollarga ta'siri kuchayib borayotgani sababli ushbu mavzu dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Bu holat bir tomondan jamiyatning ma'naviy-axloqiy barqarorligiga, ikkinchi tomondan oilaning mustahkamligiga va farzandlar tarbiyasiga bevosita salbiy ta'sir koʻrsatadi. Ayniqsa, ayollar tomonidan gʻarazli maqsadlarda zoʻrlik ishlatib sodir etiladigan jinoyatlar masalasini giyohvandlik, spirtli ichimliklarga qaramlik va ijtimoiy muhitdagi salbiy illatlar bilan bogʻlab oʻrganish profilaktika choralarini aniq yoʻnaltirish uchun zarurdir.

Tadqiqotchi K.O. Mirshayeva ta'kidlaganidek, muqaddas Sharq ayolining jamiyatni zaharlaydigan giyohvandlik, spirtli ichimliklarga mukkasidan ketishi – fohishabozlikning avj olishidir [6;11-b.]. Ushbu iqtibosda muallif ayollar jinoyatchiligi, xususan, zoʻrlik ishlatib sodir etiladigan gʻarazli jinoyatlar ildizida jamiyatdagi ayrim ogʻriqli ijtimoiy illatlar yotishini koʻrsatadi. Bunda giyohvandlik va alkogolga ruju qoʻyish shaxsning irodasini zaiflashtirishi, xulq-atvorini keskin oʻzgartirishi, nazoratni pasaytirishi va tajovuzkorlikni kuchaytirishi mumkinligi nazarda tutiladi. Natijada ayol shaxsida jinoyat sodir etishga olib keluvchi salbiy muhit va ichki beqarorlik kuchayib, gʻarazli maqsadlarda zoʻrlik ishlatish xavfi ortishi ehtimoli paydo boʻladi. Shu bilan birga, muallif qayd etayotgan illatlar jamiyat va oila institutiga putur yetkazishi, ayolning ijtimoiy rolini izdan chiqarishi hamda huquqbuzarliklarning koʻpayishiga zamin yaratishi bilan xavflidir.

Mazkur masalani ilmiy asosda yoritishda jinoyatchilikni faqat umumiy gaplar bilan emas, balki, aniq koʻrsatkichlar va shaxs omili bilan birga oʻrganish muhimdir. Shu ma'noda T.X. Gʻozibekov tomonidan ilgari surilgan fikr dolzarb boʻlib, tadqiqotchi ta'kidlaganidek, jinoyat sodir etgan shaxslarga umumiy ta'rif berish va ularni statistik darajada oʻrganish shaxslarning ma'lum turkumlariga xos xususiyatlarni aniqlash hamda jinoyatchilikka qarshi kurashishni rejalashtirish va jinoyatchilikning barvaqt oldini olishda tegishli choralarni kuchaytirish imkonini beradi [7; 31-b.]. Ushbu nazariya ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik bilan bogʻliq jinoyatlarni oʻrganishda juda muhim, ya'ni agar jinoyat sodir etgan shaxslar (jumladan ayollar) muayyan

belgilariga ko'ra tahlil qilinmasa, profilaktika ishlari umumiy, manzilsiz va samarasiz bo'lib qolishi mumkin. Aksincha, statistik o'rganish orqali ayollarning qaysi toifalari (masalan, bandlik holati, oilaviy vaziyat, ijtimoiy muhit ta'siri, qaramlik xavfi mavjud qatlamlar) ko'proq risk guruhiga kirishi aniqlansa, profilaktik ishlar ham aniq yo'naltiriladi.

Yuqoridagi ilmiy qarashlar hamda mavjud statistik ko'rsatkichlarni o'rganish shuni ko'rsatadiki, ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik bilan bog'liq hamda g'arazli maqsadlarda zo'rlik ishlatish jinoyatlari ma'naviy-axloqiy muhitdagi salbiy o'zgarishlar, qaramlik illatlari va ijtimoiy nazoratning sustligi bilan uzviy bog'liqdir. Ayniqsa, Farg'ona viloyati kesimidagi ma'lumotlar giyohvandlik jinoyatlarining ayrim hududlarda yuqori darajada to'planganini ko'rsatib, ushbu muammo hududiy xususiyatga ham ega ekanini tasdiqlaydi. Jinoyat sodir etgan ayollarni kriminologik va statistik jihatdan o'rganish ularning yashash muhiti, ijtimoiy ahvoli va jinoyatga olib keluvchi omillarini aniqlash imkonini beradi hamda profilaktika ishlarini aynan muammo ko'proq uchrayotgan hududlarda kuchaytirishga xizmat qiladi.

Olib borilgan o'rganishlar natijasiga ko'ra, 2021–2025-yillar davomida ayollar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar umumiy tarkibida Farg'ona viloyatining respublika ko'rsatkichidagi o'rtacha ulushi 24,1 foizni tashkil etgan. Yillar kesimida ko'rsatkichlar tahlil qilinganda, 2021-yilda viloyat ulushi 25,4 foiz, 2022-yilda 20,4 foiz, 2023-yilda 14,8 foiz, 2024-yilda 13,3 foiz, 2025-yilda esa 15,2 foizni tashkil etgan. Mazkur o'zgarishlar shuni ko'rsatadiki, dastlab viloyatning respublika miqyosidagi salmog'i yuqori bo'lgan bo'lsa, keyingi yillarda nisbiy pasayish kuzatilgan, so'nggi bosqichda esa ulush qayta tiklanib, ma'lum darajada barqarorlashgan. Bunday dinamik holat ayollar jinoyatchiligi hududiy kesimda o'zgaruvchan tusga ega bo'lsa-da, u respublika darajasidagi umumiy tendensiyalar bilan uzviy bog'liq ravishda shakllanayotganini ko'rsatadi; ya'ni viloyat ko'rsatkichlarida ayrim davrlarda o'sish, keyin nisbiy kamayish va undan so'ng ma'lum darajada barqarorlashuv jarayonlari kuzatiladi.

Jinoyat turlari jihatdan tahlil qilinganda, eng katta ulushni firibgarlik va o'g'irlik tashkil etgani aniqlanadi. Firibgarlik umumiy ko'rsatkichning 44,6 foizini, o'g'irlik esa 43,0 foizini tashkil etgan. Demak, ayollar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarning qariyb 87,6 foizi aynan ushbu ikki turga to'g'ri keladi. Qolgan jinoyatlar orasida bezorilik 6,3 foiz, tovlamachilik 2,6 foiz, og'ir tan jarohati yetkazish 2,3 foiz, qotillik esa 1,1 foiz ulushni tashkil etgan. Bu natijalar ayollar jinoyatchiligida asosan mulkiy va iqtisodiy yo'nalishdagi jinoyatlar ustuvor ekanini ko'rsatadi. Shu bilan birga, zo'ravonlik jinoyatlarining ulushi past bo'lib turganiga qaramay, ularning ijtimoiy xavfliligi yuqori ekani sababli profilaktika va manzilli ishlar ushbu yo'nalishlarda ham tizimli davom ettirilishi lozimligi anglashiladi.

Alohida e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan yo'nalish – giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlardagi keskin o'sishdir. Respublika miqyosida 2021-yilda giyohvandlik jinoyatlarining jami jinoyatlar tarkibidagi ulushi atigi 1,3 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2025-yilga kelib bu ko'rsatkich 21,4 foizga yetgan. Bu besh yillik davr ichida 538,3 foizlik o'sish sur'atini anglatadi. Ya'ni, giyohvandlik yo'nalishi umumiy tarkibda ikkinchi darajali holatdan sezilarli ulushga ega yo'nalish darajasiga ko'tarilgan. Bu holat giyohvandlik jinoyatlari endilikda alohida segment sifatida nafaqat huquqiy, balki profilaktik yondashuvni ham kuchaytirishni talab etishini anglatadi.

Xususan, Farg'ona viloyati kesimida esa o'sish yanada keskin bo'lgan. 2021-yilda giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlarning ulushi 0,6 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2025-yilga kelib bu ko'rsatkich 32,9 foizga yetgan. Bu esa 1178,6 foizlik o'sish demakdir. Boshqacha aytganda, so'nggi bosqichda viloyatda ayollar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarning qariyb uchdan bir qismi giyohvandlik bilan bog'liq bo'lgan. Ayniqsa, yilma-yil o'sish sur'atlari mazkur yo'nalishda jarayon qanday tezlashganini yanada aniqroq ko'rsatadi. Jumladan, viloyatda 2022-yilda

2021-yilga nisbatan o'sish +250,0 foiz, 2023-yilda 2022-yilga nisbatan +20,4 foiz, 2024-yilda 2023-yilga nisbatan +23,7 foiz, 2025-yilda esa 2024-yilga nisbatan keskin o'sish qayd etilib, o'sish +145,2 foizni tashkil etgan. Bu ketma-ketlik shuni anglatadiki, dastlab keskin ko'tarilish kuzatilgan, keyin ma'lum davr barqaror o'sish bosqichida davom etgan va oxirgi yilda yana kuchli sakrash yuz bergan. Aynan shu oxirgi keskin ko'tarilish giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar viloyatda ayollar jinoyatchiligi tarkibida juda salmoqli bo'lganligini ko'rsatadi.

Mazkur natijalar ayollar jinoyatchiligi tarkibida sezilarli tuzilmaviy o'zgarishlar yuz berayotganini ko'rsatadi. Bir tomondan, mulkiy jinoyatlar (firibgarlik va o'g'irlik) yuqori ulushni barqaror saqlab qolmoqda, bu esa ayollar jinoyatchiligida iqtisodiy-moliyaviy omillar yetakchi rol o'ynayotganini anglatadi. Ikkinchi tomondan, giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar ulushining jadal oshishi jinoyatchilik tarkibida yangi va tez sur'atlarda kengayib borayotgan yo'nalish shakllanayotganini bildiradi.

O'rganilgan ko'rsatkichlar ayollar jinoyatchiligi tarkibida sezilarli o'zgarishlar yuz berayotganini ko'rsatadi. Mulkiy yo'nalishdagi jinoyatlar hanuzgacha yuqori ulushni saqlab qolayotgan bo'lsa-da, giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar salmog'ining tez sur'atlarda ortishi mazkur muammoni alohida e'tibor talab qiladigan yo'nalishga aylantirmoqda. Ayniqsa, Farg'ona viloyatida giyohvandlik jinoyatlarining umumiy tarkibdagi ulushining keskin oshishi hududiy miqyosda bu omil ayollar jinoyatchiligi tuzilmasida yetakchi xavf omillaridan biriga aylanib borayotganini anglatadi. Bu jarayon ayollar jinoyatchiligida iqtisodiy qiyinchiliklar, ijtimoiy muhitdagi salbiy ta'sirlar va giyohvandlik muammosining o'zaro bog'liqligini ko'rsatadi.

Mazkur holat ayollar orasida giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar masalasiga faqat jazolash chorasi orqali emas, balki, keng qamrovli ijtimoiy va profilaktik mexanizmlar asosida yondashish zarurligini anglatadi. Farg'ona viloyati misolida ko'rinib turibdiki, jinoyatchilikning ayrim hududlarda to'planishi manzilli va tizimli choralarni talab qiladi. Avvalo, ayollarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash tizimini kuchaytirish, ularning bandligini ta'minlash, kasbiy tayyorgarligini oshirish hamda iqtisodiy mustaqilligini mustahkamlash zarur. Chunki mulkiy jinoyatlarning yuqori ulushi ayollar jinoyatchiligida moddiy omillar muhim rol o'ynayotganini ko'rsatadi.

Xususan, giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar o'sib borayotgan hududlarda erta ogohlantirish mexanizmlarini joriy etish, xavf guruhiga kiruvchi ayollar bilan individual ishlash tizimini yo'lga qo'yish muhimdir. Mahalla fuqarolar yig'inlari, ijtimoiy xizmatlar va huquqni muhofaza qiluvchi organlar o'rtasidagi hamkorlikni kuchaytirish orqali giyohvandlikka moyillik mavjud shaxslarni aniqlash va ularga o'z vaqtida ijtimoiy yordam ko'rsatish mumkin. Reabilitatsiya dasturlarini kengaytirish, psixologik maslahat va sog'lomlashtirish xizmatlarini rivojlantirish ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuningdek, ayollar jinoyatchiligini hududiy kesimda muntazam monitoring qilish, statistik ma'lumotlar asosida vaziyatni baholab borish va o'zgarishlarga mos ravishda chora-tadbirlarni takomillashtirish lozim. Profilaktika siyosati bir martalik aksiyalar bilan emas, balki uzluksiz va tizimli faoliyat asosida olib borilishi kerak. Ayniqsa, Farg'ona viloyatida giyohvandlik jinoyatlarining yuqori ulushi hududiy dasturlarni qayta ko'rib chiqish va ularni amaliy natijadorlik mezonlari asosida takomillashtirish zaruratini ko'rsatadi.

Fikrimizcha, ayollar tomonidan sodir etilayotgan giyohvandlik jinoyatlarini kamaytirish uchun huquqiy nazorat, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, ma'naviy-ma'rifiy ishlar va reabilitatsiya mexanizmlarini o'z ichiga olgan kompleks yondashuv zarur. Farg'ona viloyati tajribasi shuni ko'rsatadiki, manzilli va tizimli profilaktika, hududiy hamkorlikni mustahkamlash hamda ayollarni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan qo'llab-quvvatlash orqali mazkur yo'nalishdagi jinoyatlar salmog'ini kamaytirish mumkin.

## Foydalanilgan manbalar / References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 6-maydagi "O'zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qo'yish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta'sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF–73-son farmoni. https://lex.uz/docs/6912475.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 3-noyabrdagi "Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF–207-son farmoni. https://lex.uz/docs/7818774

3. Казаринов Ю. Л. Криминологическая характеристика и профилактика женской преступности в сфере незаконного оборота наркотиков: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2000. – 186 с.

4. Газазян С. В. Женская преступность в сфере незаконного оборота наркотических средств: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010. – 172 с.

5. Смолина Т. А. Женская преступность, связанная с незаконным оборотом наркотических средств (по материалам Тюменской области): Дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2005. – 198 с.

6. Mirshayeva K. O. Ayollar tomonidan g'araz maqsadlarda zo'rlik ishlatib sodir etiladigan jinoyatlarning oldini olish masalalari. – Toshkent: TDYU, 2024. – 156 b.

7. G'ozibekov T. X. Huquqbuzarliklarning oldini olishda shaxsni statistik va kriminologik o'rganishning nazariy asoslari. – Toshkent: Akademiya, 2023. – 142 b.

8. Niyozova S.S., Salayev N.S. Kriminologiya: Darslik- Toshkent: Akademiya, 2024. – 157-б.

9. Франк Л.В. Виктимология и виктимность. – Душанбе, 1972. – С. 8–12.

10. Abdurasulova M. Kriminologiya. – Toshkent.: Adolat, 2007-yil. – 26-б.

11. Abdurasulova Q.R. Ayollar jinoyatchiligining jinoyat-huquqiy va kriminologik muammolari: Yurid. fan. nomz. ... dis. – Toshkent, 2006.

12. Leonard, E. A Critique of Criminology Theory: Women, Crime and Society. New York/London: Longman.1982.



# THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF MODERN CRIMINOLOGY IN 21ST CENTURY GLOBAL SCIENCE

# XXI ASRDA ZAMONAVIY KRIMINOLOGIYANING JAHON ILM-FANIDAGI O'RNI VA AHAMIYATI

*A'loxonov Muhammadmirzoxon Adhamxon o'g'li*

*O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti ilmiy xodimi*

*Alokhonov Mukhammadmirzokhon Adkhamkhon ugli*

*Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract.** This article analyzes the role, scientific status, and practical significance of modern criminology within the global scientific landscape of the 21st century. The study demonstrates that criminology has evolved beyond the scope of a discipline studying traditional theories of crime. Today, it is becoming a complex scientific field intrinsically linked to global security, social stability, crime prevention, digital threats, cybercrime, transnational and organized crime, artificial intelligence, big data analysis, and prognostic modeling. The article puts forward scientific perspectives and conclusions suggesting that in the 21st century, criminology is emerging not only as a field that studies the causes of crime, but also as a strategic scientific platform that serves to identify risks in advance, scientifically evaluate them, substantiate management decisions, and increase the effectiveness of prevention.

**Keywords:** modern criminology, global science, 21st century, role of criminology, significance of criminology, interdisciplinary approach, crime prevention, global security, cybercrime, transnational crime, artificial intelligence, big data, criminological forecasting, criminological diagnosis, innovative scientific approaches.

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada XXI asr sharoitida zamonaviy kriminologiyaning jahon ilm-fani tizimidagi o'rni, ilmiy maqomi va amaliy ahamiyati tahlil qilinadi. Tadqiqotda kriminologiyaning an'anaviy jinoyatchilik nazariyalarini o'rganuvchi fan doirasidan chiqib, bugungi kunda global xavfsizlik, ijtimoiy barqarorlik, huquqbuzarliklar profilaktikasi, raqamli tahdidlar, kiberjinoyatchilik, transmilliy va uyushgan jinoyatchilik, sun'iy intellekt, katta hajmdagi ma'lumotlar tahlili hamda prognostik modellashtirish bilan chambarchas bog'liq bo'lgan kompleks ilmiy yo'nalishga aylanib borayotgani asoslab beriladi. Maqolada XXI asrda kriminologiya nafaqat jinoyatchilik sabablarini o'rganuvchi, balki xavflarni oldindan aniqlash, ularni ilmiy baholash, boshqaruv qarorlarini asoslash va profilaktika samaradorligini oshirishga xizmat qiluvchi strategik ilmiy platforma sifatida namoyon bo'layotgani haqidagi ilmiy qarash va xulosalar ilgari surilgan.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy kriminologiya, jahon ilm-fani, XXI asr, kriminologiyaning o'rni, kriminologiyaning ahamiyati, fanlararo yondashuv, jinoyatchilikni oldini olish, global xavfsizlik, kiberjinoyatchilik, transmilliy jinoyatchilik, sun'iy intellekt, katta hajmdagi ma'lumotlar, kriminologik prognoz, kriminologik diagnoz, innovatsion ilmiy yondashuvlar.

The 21st century has ushered in a completely new stage in the development of humanity. The primary characteristic of this stage is that nearly all spheres of societal life - politics, economics, law, education, culture, information exchange, and security systems - are undergoing a profound transformation. As a result of globalization, digitalization, the rapid development of artificial intelligence technologies, the expansion of transnational connections, and the seamless integration of virtual space with real social life, not only have the forms of human activity changed, but the very nature of social risks has also altered dramatically [1]. In such complex historical conditions, the phenomenon of crime is also moving beyond its classical form, taking on a multi-layered, adaptive, technological, and transboundary character. Consequently, the question of the role and significance of criminology, the science that studies this phenomenon, is becoming one of the most pressing issues in global science in the 21st century.

Whereas in previous periods criminology was interpreted as a relatively narrow, specialized field focused on studying the causes and conditions of crime, the personality of the offender, victimological factors, and preventive measures, today the discipline faces entirely new demands. Criminology can no longer remain a science that merely explains a crime after it has been committed or provides a general description based on statistical indicators. This is because modern threats - cybercrime, transnational organized crime, digital fraud and theft, the dissemination of extremist content through the virtual environment, the increasing complexity of financial crimes, risks associated with illegal migration, threats to data security, and algorithmic manipulation - demand a deeper, more responsive, and more integrative approach from criminology. In these circumstances, criminology is emerging not as a collection of classical theoretical knowledge, but as a strategic intellectual tool for identifying, forecasting, and managing risks based on scientific diagnosis.

One of the most important aspects of this situation is that modern criminology is becoming deeply integrated with several major branches of global science. Specifically, it is intrinsically linked with jurisprudence from the perspective of regulatory frameworks and criminal policy; with sociology from the perspective of the social environment and factors of deviant behavior; with psychology from the perspective of personality and criminal behavior; with statistics from the perspective of identifying trends and dynamics; and with information technology from the perspective of data processing, analysis, and forecasting. In today's academic landscape, it is precisely this interdisciplinary nature of criminology that solidifies its place within the system of world science [2]. This is because crime is no longer merely a legal problem, but a complex phenomenon at the intersection of social, technological, psychological, cultural, and geopolitical factors.

From this point of view, the role of modern criminology in world science manifests in two ways. Firstly, it forms a system of fundamental knowledge that serves to ensure social security. That is, criminology provides a deep scientific understanding of the nature, structure, spatio-temporal dynamics of crime, its latent and overt forms, subjects, and contributing factors. Secondly, it is not only an explanatory but also a practically-oriented science. In other words, this discipline serves as a theoretical and practical foundation for improving preventive mechanisms, assessing social risks, allocating relevant forces and resources in a targeted manner, providing a scientific basis for crime control policy, evaluating the effectiveness of measures aimed at improving the criminogenic situation in specific regions, and developing administrative decisions. In this sense, in the context of the 21st century, criminology is transcending its status as a purely theoretical science and strengthening its position as a strategic applied science.

However, a one-sidedly optimistic approach is insufficient when assessing the significance

of modern criminology in world science. As the field develops, its internal methodological and theoretical contradictions also deepen. For instance, there are many views that predictive models based on technological tools enhance the ability to anticipate crime. Yet, at the same time, there are serious academic debates about the objectivity of such systems, their algorithmic biases, their potential to reproduce social inequalities, and the negative consequences that could lead to individuals being assessed as "potential sources of danger." Therefore, the question of criminology's role in the 21st century should not be framed as simply "is it necessary or not?," but must be considered alongside questions such as "on what methodological basis? with what priority principles? and within what framework of scientific responsibility should it develop?."

Today, the importance of criminology in the development of world science is also defined by another crucial factor: it is one of the few disciplines that explains the complex balance between the security of the individual, society, and the state. The study of crime is, in fact, inextricably linked to the study of societal inequality, social injustice, governance shortcomings, legal loopholes, moral crises, digital illiteracy, economic pressures, the family environment, youth issues, and global security trends. Therefore, criminology is essential not only for understanding crime but also for understanding a society's internal stability, its security architecture, and threats to its future development. The scientific thought of the 21st century demands precisely such comprehensive approaches. This, in turn, requires viewing criminology not as a peripheral or auxiliary field within the scope of global science, but as one of the central social security sciences [3].

This issue holds particular importance for Uzbekistan and, in general, for nations entering a new stage of development. This is because, in the context of modern reforms, traditional administrative measures for combating crime are proving to be insufficient. Fields such as crime prevention, targeted analysis, social diagnostics, assessment of regional risk levels, digital monitoring, and scientific forecasting are becoming increasingly significant. In this sense, determining the place of modern criminology in world science is not only relevant for national science and practice but also serves as a methodological foundation for regulatory, institutional, and administrative reforms. In particular, integrating criminological research with the education system, scientific centers, internal affairs bodies, the judicial and legal system, and digital governance platforms is one of today's priority tasks.

The purpose of this article is to scientifically analyze the role and significance of modern criminology within the system of world science in the 21st century, to reveal its interdisciplinary nature, to evaluate its theoretical and practical functions, and to identify its prospective development paths in the context of current global threats.

In the 21st century, the role of modern criminology in world science is defined by three main factors. Firstly, it is being transformed from a science that merely explains crime into one that proactively identifies and assesses risks. Secondly, it is significantly expanding its methodological potential through integration with other disciplines. Thirdly, it is increasingly becoming a crucial strategic platform for scientifically substantiating the security policies of the state and society. These aspects make modern criminology not only relevant but essential for world science in the 21st century.

Thus, the topic "The Role and Significance of Modern Criminology in World Science in the 21st Century" occupies a special place on today's scientific agenda, as it simultaneously encompasses issues of theory, methodology, practice, security, innovation, and interdisciplinary integration. By taking a scholarly approach to this complex yet exceptionally important issue, this article aims to reveal the true role

and historical mission of modern criminology in 21st-century world science.

Main part. To understand the role of modern criminology in the 21st century, it is first necessary to comprehend its internal transformation as a science. For a long time, criminology developed as a socio-legal science studying the causes and conditions of crime, the personality of the offender, victimological circumstances, and prevention factors. However, in the context of digitalization, the expansion of global communication networks, the popularization of artificial intelligence technologies, and the transnationalization of crime, this science is moving beyond its classical boundaries. Documents on crime prevention and criminal justice within the UN system also note that the digital age is fundamentally changing "crime prevention" and "criminal justice" systems. Therefore, modern criminology must now be interpreted not just as a discipline that explains crime, but as a strategic scientific platform that serves to anticipate, analyze, and manage complex risks [4].

The first important feature of this transformation is the interdisciplinary integration of criminology. At present, criminology is inseparable from jurisprudence, yet it cannot be confined solely within the framework of law. It intersects with sociology on factors of social environment and inequality, with psychology on behavioral motivation, with statistics on trends and dynamics, with data science on processing large volumes of data, with cybersecurity on digital threats, and with political science on security governance models [5]. Thus, 21st-century criminology is becoming not a "single science," but rather a nexus where several scientific disciplines converge.

The second main aspect is the increasing complexity of modern criminology's subject matter. Whereas crime was previously explained largely through territory, personality, environment, and social factors, today data, algorithms, platforms, digital identity, virtual connections, and cross-border networks have also become full-fledged components of criminological analysis [6]. In addition to the question "why does crime occur?," today's criminology must also centralize the question "within which technological architecture is crime formed?."

The third important direction is the strengthening of the prognostic and analytical function. Criminology is no longer just a retrospective science, that is, one that draws conclusions by looking at the past. In modern conditions, it is also expected to perform tasks such as identifying risk indicators, detecting criminogenic trends at an early stage, identifying at-risk groups and vulnerable areas, and allocating resources on a scientific basis. OECD documents specifically note that within the framework of AI predictive policing, AI helps to identify risk based on historical data, but it assesses potential risk rather than the event itself [7;8].

The scientific significance of this approach is that it elevates criminology from the status of a merely explanatory science to that of a science that provides a scientific basis for managerial decisions. However, this also places a greater methodological responsibility on criminology: it is crucial not to confuse probability with reality, risk with accusation, or prediction with judgment.

The fourth aspect is the central role of modern criminology in the science of global security. Cybercrime, financial fraud, identity theft, digital exploitation, transnational criminal networks, and new threats emerging with the aid of AI are not confined to the territory of any single country [9]. For this reason, criminology today is important not only as a science that studies national crime, but also as one that develops the theoretical framework for global security, transnational governance, and international cooperation. It is difficult to provide a deep scientific foundation for modern security policy without criminology, as it is this very science that reveals the connections between the visible and hidden mechanisms of crime.

The fifth issue relates to the methodological renewal of modern criminology. For 21st-century world science, any discipline is valued not only by its subject matter but also by its methodology. In criminology, methodological renewal is particularly crucial: this includes statistical modeling, geo-criminological analysis, digital monitoring, network analysis, pattern recognition using artificial intelligence, and working with standardized crime statistics. The UNODC's International Classification of Crime for Statistical Purposes demonstrates the need for a common international classification of crime statistics [10]. Based on this approach, it can be argued that the prestige of modern criminology in world science largely depends on its data quality, comparability, and scientific verifiability. If data is fragmented, theory weakens; if theory weakens, prevention and management also falter.

At this point, it is necessary to highlight an important polemical aspect: the growing importance of modern criminology does not automatically render it a purely objective and technological science. On the contrary, as its influence grows, so do the ethical, legal, and methodological risks. Modern criminology may rely on technology, but it cannot abandon human rights, privacy, justice, and transparency [11]. It is precisely this balance - the balance between scientific effectiveness and social legitimacy - that is the most important criterion for 21st-century criminology. Therefore, the place of modern criminology in world science is manifested not only in its utility but also in its establishment as a responsible discipline.

Based on the analysis above, it becomes clear that the role of modern criminology in 21st-century world science is manifested in several directions:

• first, as a fundamental science that explains security and social stability;

• second, as an applied science that provides for crime forecasting and preventive management;

• third, as an interdisciplinary platform at the intersection of law, technology, sociology, and statistics;

• and fourth, as a conceptual science that provides a scientific interpretation of the complex balance between human rights and security.

Thus, the significance of modern criminology is immeasurable not only in the study of crime but also in shaping the security philosophy, management logic, and scientific thought of 21st-century society.

The research findings indicate that the role of modern criminology in 21st-century global science is primarily manifested in its transformation into an independent yet deeply integrated interdisciplinary scientific platform. Based on the sources studied, it has been determined that criminology today operates at the intersection of law, sociology, psychology, statistics, data science, artificial intelligence, and security management.

In the discussion, it is paramount to emphasize that the obtained results portray modern criminology not as a peripheral branch of global science, but as a central scientific discipline that unites issues of security, governance, and social stability. This is because the threats of the 21st century cannot be explained by simple linear logic: they are multi-faceted, dynamic, networked, and often transnational. Consequently, criminology, which studies such risks, naturally expands, deepens, and masters new scientific tools. This situation does not diminish the theoretical status of criminology; on the contrary, it transforms it into one of the most vital integrative fields of modern scientific thought.

Furthermore, the research results showed that the future development of modern criminology will largely be determined by three directions:

• first, in-depth, evidence-based analysis and standardization;

• second, a prognostic approach based on the scientific assessment of risks and potential threats;

• and third, ethical-legal oversight mechanisms that balance technological innovations with the principles of human rights and justice.

Only when this trio is harmonized will modern criminology preserve and strengthen its true strategic position in 21st-century global science.

In general, as a result of the discussion, the following overarching scientific conclusion can be drawn: in 21st-century global science, modern criminology is evolving from its traditional status as a field that explains crime into a comprehensive scientific system for understanding, forecasting, managing, and controlling risks [12]. Its significance lies precisely in this - it provides a theoretical, methodological, and practical foundation for analyzing the complex threats within the architecture of society, the state, and global security. In this sense, modern criminology today emerges not only as a relevant but also as a strategically essential science for the global scientific community.

**Conclusions formulated as a result of the analysis.**

The first scientific conclusion is that the current development of modern criminology is defined by its interdisciplinary nature. At present, this science is developing in close integration with law, sociology, psychology, statistics, data science, cybersecurity, and public administration. Therefore, the place of criminology in global science should now be assessed not as a narrowly specialized field, but as a foundational integrative science that explains complex social and technological threats.

The second scientific conclusion is that the object of criminological research has been qualitatively renewed in the 21st century. A necessity has arisen to study crime not only within the "person-environment-phenomenon" framework but also within the "data-algorithm-platform-network-risk" system. This has brought new phenomena such as cybercrime, data exploitation, transnational digital fraud, and platform-based criminal networks to the forefront of criminological analysis. Consequently, modern criminology has become a crucial theoretical arena for global science, explaining a new generation of security threats.

As a third scientific conclusion, it should be noted that modern criminology is increasingly being shaped as a prognostic science. That is, it is not limited to merely interpreting crimes that have already occurred, but is also developing the scientific foundations to aid in the early identification of risk indicators, the assessment of regional and social vulnerabilities, the prediction of probable trends, and the targeted allocation of resources. However, this process does not imply that probability can be accepted as absolute truth; on the contrary, predictive tools should be employed as auxiliary, cautious, and human-supervised mechanisms.

The fourth scientific conclusion is that the practical effectiveness of modern criminology is strengthened by evidence-based approaches. A systematic analysis of the problem-oriented policing approach has shown a positive result, with a 34 percent overall reduction in crime and delinquency, confirming that this approach holds empirical rather than purely theoretical value. This is crucial for the future of criminology: it should rely not on general, slogan-based prevention, but on the principle of a specific problem, a specific place, a specific mechanism, and a specific measure.

The fifth scientific conclusion is that the scientific potential of criminology in the 21st century cannot be fully realized without a reliable and standardized database. For the purpose of crime statistics, defining incidents and acts as the primary units of classification serves to create comparable data between countries. Based on this, it can be said that the scientific power of future criminology will be demonstrated not only in the creation of new theories but also in the capacity to build, classify, and analyze a high-quality data infrastructure.

As a sixth scientific conclusion, it should be noted that along with the growing importance of modern criminology, its ethical and legal responsibility is also increasing. The prohibition of predictive policing practices based solely on profiling underscores the requirement that predictive approaches must be balanced with the principles of human rights, justice, transparency, and non-discrimination. Therefore, no matter how technologically advanced modern criminology becomes, it must not lose its humanistic and legal essence.

Based on the scientific conclusions above, the following practical proposals are put forward. First, it is advisable to develop modern criminology as an interdisciplinary scientific platform, consistent with its status in global science, by institutionally linking it with the fields of law, sociology, psychology, statistics, cybersecurity, and artificial intelligence research.

Second, it is necessary to establish a standardized statistical database for criminological research, in particular by more widely implementing international classification approaches such as the ICCS [13].

As a third proposal, when implementing prognostic and analytical tools, they must be used in conjunction with human oversight, ethical expert review, and legal guarantees.

Fourth, problem-oriented and evidence-based prevention models should be made a priority direction of criminological practice.

Fifth, to strengthen the strategic position of modern criminology in global science, it is necessary to develop it not only as an academic theory but also as an important mechanism for providing a scientific basis for decisions on state security, social stability, and governance.

In conclusion, the role and significance of modern criminology in global science have grown immeasurably in the 21st century. Today, it is not limited to being a science that explains crime; it has become a strategic field that scientifically substantiates risk forecasting, assessment, control, and preventive management. In this sense, modern criminology is not only relevant to global science but is also one of the foundational sciences necessary for understanding and managing the security of the future.

## Foydalanilgan manbalar / References

1. Siegel L. J. Criminology. 8th ed. Boston: Cengage Learning, 2023. – p. 4–7.

2. Altbach P. G., Reisberg L., Rumbley L. Trends in Global Higher Education: Tracking an Academic Revolution. Paris: UNESCO Publishing, 2009.

3. Schneider H. J. Kriminologie. Berlin: De Gruyter, 2015. – p. 21–24.

4. UNODC: Digital Technology Reshaping Crime Prevention and Justice – The Role of Youth Leadership // https://www.unodc.org.

5. OECD – AI in law enforcement and disaster risk management // https://www.oecd.org/en/publications.

6. Europol. (2025). Steal, deal and repeat: How cybercriminals trade and exploit your data. Internet Organised Crime Threat Assessment (IOCTA) 2025. Europol.// https://www.europol.europa.eu/publication-events.

7. Hinkle, J. C., Weisburd, D., Telep, C. W., & Petersen, K. (2020). Problem-oriented policing for reducing crime and disorder. Campbell Collaboration.

8. OECD. (2025). AI in law enforcement and disaster risk management. In Governing with artificial intelligence. OECD Publishing.

9. Fifteenth United Nations Congress on Crime Prevention and Criminal Justice // https://docs.un.org.

10. European Commission. (2026, January 28). Navigating the AI Act. Shaping Europe's Digital Future.

11. Petersen, K., Weisburd, D., Fay, S., Eggins, E., & Mazerolle, L. (2023). Police stops to reduce crime: A systematic review and meta-analysis. Campbell Collaboration.

12. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2015). International classification of crime for statistical purposes (ICCS). UNODC.

KRIMINOLOGIYA
XALQARO ILMIY-AMALIY JURNAL

CRIMINOLOGY
INTERNATIONAL SCIENTIFICAL AND PRACTICAL JOURNAL

КРИМИНОЛОГИЯ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

№ 1/2026 (MAXSUS SON) || ISSN 3060-5369

Original-maket O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti
Tahririy-noshirlik markazida tayyorlandi.

Muharrirlar: B.A. Yarov, M.A. A'loxonov
Tehnik muharrir: A.R. Fayziyev
Sahifalovchi-dizayner: B.N. Normurodov

Qog‘oz bichimi: 80x60 1/8. Nashriyot-hisobi tabag‘i: 9,5. Adadi: 50 nusxa.
Bosishga ruxsat etildi: 14.04.2026-y. Buyurtma raqami: 26/20.

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti
Tahririy-noshirlik markazida chop etildi.

100187 Toshkent shahri, Mirzo Ulug‘bek tumani, Buyuk ipak yo‘li ko‘chasi, 243.
Telefon: +998 (71) 231-39-77. Web-site: htt//www.kti.iiv.uz.